

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
**ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ**

№ 4/2023 йил  
(20-сон)



[www.tergov.uz](http://www.tergov.uz)



[facebook.com/tergov.uz](https://facebook.com/tergov.uz)



[instagram.com/tergov\\_uz](https://instagram.com/tergov_uz)



[//t.me/tergov\\_uz](https://t.me/tergov_uz)

## ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

хуқуқий, илмий-амалий журнал





## ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

### МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирилиги

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳайъат раиси – бош мухаррир  
Я.Абдулхаков (PhD)

Ҳайъат раисининг ўринбосари –  
масъул мухаррир

Б.Жалолов  
(Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган  
юрист)

Муассис вакили  
О.Кулбеков

Масъул котиб  
К.Гаффаров

### Ҳайъат аъзолари:

Б.Валиев  
А.Сайдов (академик, юридик фанлар доктори,  
профессор)

С.Гордеев (PhD, доцент)

М.Рустамбаев (DSc, профессор)

М.Мамасиддиқов (DSc, профессор)

М.Зиядуллаев (DSc, профессор)

Б.Муродов (DSc, профессор)

С.Нуридинов

У.Авилов

С.Орипов (PhD)

М.Абдурахимов (PhD)

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгасига  
қайтарилимайди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб  
босилган мақолалар «Тергов амалиёти»дан  
олинганлиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри  
таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

### Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,  
Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй.

### Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот  
ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
1209 раками билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2181-2543

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссияси (ОАК) Раёсатининг 2021 йил 30  
октябрдаги 308/6-сон карори билан Юридик фанлар  
буйича фалсафа доктори (PhD) ва Фан доктори (DSc)  
илмий даражасига талабгорларнинг диссертация  
ишлари юзасидан диссертациялари асосий илмий  
натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган  
журналлар рўйхатига киритилган.





# МУНАДАРИЖО

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 4/2023 йил (20-сон)

Нодир АБДУЛЛАЖНОВ, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУССИЯТЛАРИ	2	Фарход БОБОМУРОДОВ, TEZKOR-QIDIRUV FAOLIYATIDAGI IJTIMOIY-HUQUQIY MUNOSABATLARNING ILMYI TAHLILI	38
<b>Khurshida ABZALOVA,</b> THE RIGHT TO PERSONAL DATA PROTECTION AS A CONSTITUTIONAL RIGHT	8	<b>Мехмонали СУВАНКУЛОВ,</b> ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТАРГИБ ВА РЕКЛАМА ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК: МУАММО ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ	46
<b>Элёр АХМАДАЛИЕВ,</b> СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСКИЧИДА АБОНЕНТЛАР ЁКИ АБОНЕНТ ҚУРИЛМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БОГЛАНИШЛАР ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ ОЛИШНИНГ ДАЛИЛИЙ АҲАМИЯТИ	12	<b>Жавохир БОЗОРБОЕВ,</b> ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	54
<b>Абдулла СУЛТОНОВ,</b> ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРНИ САҚЛАШ ВА ЖЎНАТИШ ХАРАЖАТЛАРИ	18	<b>ТОПИШМОҚЛАР</b>	63
<b>Диёр РУЗИЕВ,</b> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ФУҶАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУКИЙ КАФОЛАТЛАРИ	24	<b>Мухамадбобур СОДИКОВ,</b> ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА РАҶАМЛИ ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ	64
<b>Мухсинжон СУЛТОНОВ,</b> Бахтиёржон МУРОДОВ, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБАНК КАРТАЛАРИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛинганлик БИЛАН БОҒЛИҚ ХОЛАТЛАР БҮЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ	30	<b>Х.А.ТУРАББАЕВ,</b> “ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАХАЛЛА” ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ	69
<b>Адҳамжон АБДУЛЛАЕВ,</b> ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СОТРУДНИКОВ СЛЕДСТВЕННЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПОСРЕДСТВОМ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ	34	<b>Нодира ХУШВАКТОВА,</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ПЕДАГОГ, ПСИХОЛОГ ВА ТАРЖИМОН ИМҶОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ	76
		<b>Мухаё ШУКУРОВА,</b> ҲОКИМИЯТ ҲАРАКАТСИЗЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ	82



**Нодир АБДУЛЛАЖОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишар вазирилиги ТҚД  
ЖҚХ бошлиғи ўринбосари,  
полковник  
E-mail: nodir.abdullajonov@  
mail.ru

# ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ

**ФАОЛИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
МЕХАНИЗМИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

## THE CONCEPT OF THE MECHANISM FOR THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS AND ITS FEATURES IN OPERATIONAL INVESTIGATIVE ACTIVITIES

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳатлар, фуқароларнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда ихтиёрий равишда кўмаклашаётган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмининг тушунчалари, ўзи хос хусусиятлари, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш давомида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоясини таъминлаш, уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларининг мустаҳкамланиши масалалари бўйича олимларнинг фикрлари, иммий қарашлари ёритилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** қонун, суд, ҳуқуқ, конвенция, тезкор-қидирув фаолияти, қидирув, тезкор-қидирув тадбирлари, қонун ҳужжатлари, кўмаклашувчи шахс, ҳимоя механизми, ижтимоий норма, ахборот, хавфсизлик, прокурор, орган, ҳамкорлик, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, жиноят, ҳодиса, жараён.

**ANNOTATION:** The article discusses the reforms being implemented in Uzbekistan in order to ensure the rule of law, reliable protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens, strengthening legitimacy, concepts and features of the mechanism of legal protection of citizens and persons who voluntarily help in the fight against crime, opinions and scientific views are highlighted scientists on the issue of ensuring the protection of human rights, freedoms and legitimate interests by operational units, as well as strengthening legal guarantees of legality in its implementation.

**KEY WORDS:** law, court, rights, convention, operational investigative activities, operational investigative activities, legislation, assisting persons, protection mechanism, social norm, information, security, prosecutor, authority, cooperation, result of operational investigative activities, crime, event, process.



**Президентимиз  
Ш.Мирзиёев  
“Давлат органлари  
ва мансабдор  
шахслар фаолиятига  
баҳо беришда  
қонунийликни  
таъминлаш,  
фуқароларнинг ҳуқук  
ва эркинликлари  
қандай ҳимоя  
қилинаётгани биз  
учун энг асосий мезон  
бўлиши шарт. Халқ  
давлат органларига  
эмас, балки  
давлат органлари  
халқимизга хизмат  
қилиши керак” [1]-  
деб таъкидлаб ўтган  
эди.**

Шунинг учун жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни мустаҳкамлаш давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат органлари тизими яратилди. Мазкур тизимда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ташқари инсон ҳуқуқлари бўйича нодавлат органлари, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотлар ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг суд органлари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ушбу фаолият механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Суд инсоннинг бузилган ҳуқук ва эркинликларини тиклаш тизимида ги энг муҳим воситадир. Ҳар бир

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг қонунга хилоф хотти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сийёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият кўрсатади.

Мамлакат ҳуқуқ-тартибот тизими анъанавий бошқарув тизими сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ва салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳуқуқ-тартиботни назорат қилувчи давлат органи бўлган Бош прокуратура нафақат ҳокимиятни мустаҳкамлаш, балки



“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ” ТУШУНЧАСИ ЮРИДИК ФАНДА ТУРЛИЧА МАЬНОДА АТАЛГАН ВА ТАЛҚИН ҚИЛИНГАН. ТУРЛИ МУАЛЛИФЛАР УШБУ ТУШУНЧАНИ ИФОДАЛАШ УЧУН “СУБЪЕКТИВ ҲУҚУҚЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ”, “ИНСОН ВА ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ”, “ШАХСНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ” ВА БОШҚА АТАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Бу Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни шакллантириш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилишдир.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятни содир этишни режалаштирган ёки содир этган шахсларни қидириб топиш, жиноятни фош этиш бўйича далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган ахборотни аниқлаш мақсадида замонавий техник воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш юзасидан тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор-қидириув тадбирлари натижалари муҳим ўрин тутади.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни ўз вақтида оддини олиш, бартараф этиш, ва “иссиқ изи”-дан фош этиш, суриштирув, тергов ва суддан яшириниб юрган жиноятчilarни қидириб топиш учун фақат ошкора жиноят-процессуал ва бошқа воситалар етарли бўлмасдан, бошқа самарадор восита ёки усулларни қўллашни тақозо этади.

Тезкор бўлинмалар учун нафақат содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, балки жиноий ҳодиса ва жараёнлар ривожланиши устидан назорат ўрнатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга, амалдаги Жиноят-процессуал Кодекси мунтазам такомиллаштириб борилаётганига қарамасдан, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва тезкор бўлинмаларнинг фаолиятини ўрганиш натижалари мазкур тизимда баъзи бир камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Хусусан, қонунчиликда тезкор-қидириув фаолияти, унинг натижаларидан фойдаланишига оид айрим нормаларнинг мукаммал эмаслиги, тезкор-қидириув фаолияти давомида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлиги, бир қатор муаммо, камчиликлар ва баҳсли ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди.

Аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш механизмлари тушунчасига тўхталиб ўтсак. Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади [2;13-модда] деб алоҳида моддада кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қоидаларнинг мазмунини очиб берадиган бўлсанк, дунё олимлари бу бўйича ҳар хилфикрларни билдириб ўтганлар, жумладан, Сошникова Т.А. ўзининг илмий мақолаларида ҳуқуқларни тан олиш ва мустаҳкамлашнинг ўзи, ҳатто давлатнинг Асосий қонунида ҳам етарлича таъминланмаган. Агар қонун амалда қўлланилмаса, уйлик қонун ҳисобланади. Бизга уни амалга ошириш учун давлат кафолатлари, зарурат туғилганда юзага келиши мумкин бўлган ёки амалдаги бузилишлардан ҳимоя қилиш чоралари, шунингдек, уни ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари зарур [3; 495-С.] дея таъкидлаб ўтган.

Олим Л.А.Нудненконинг таъкидлашича, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш уларнинг расмий - конституциявий,

қонунчилик ва бошқа меъёрий мустаҳкамланишида намоён бўлади [4; 451-С].

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг асосий элементи ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, давлатнинг демократик ва ҳуқуқий деб тан олиниши кўп жиҳатдан самарали ҳимоя механизмини шакллантиришга боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Бу масала юридик адабиётда энг мунозарали ҳисобланади.

“Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми” тушунчаси юридик фанда турлича маънода аталган ва талқин қилинган. Турли муаллифлар ушбу тушунчани ифодалаш учун “субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш механизми”, “инсон ва фуқаро ҳуқуқларини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизми”, “шахсни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизми” ва бошқа атамалардан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, А.В. Стремоухов ҳуқуқий ҳимоя механизми ҳақида гапирар экан, уни “ҳуқуқ нормалари, воситалари ва чоралари, шунингдек уларнинг маъмуни, ҳаракати ва ўзаро таъсири инсон ҳуқуқлари бузилишининг

**ЖИНОЯТЧИЛИККА**  
карши курашиш  
ва жиноятни  
содир этиши  
режалаштирган  
ёки содир этган  
шахсларни  
қидириб топиш,  
жиноятни фош  
етиш бўйича  
далил тариқасида  
фойдаланиш  
мумкин бўлган  
ахборотни  
аниқлаш  
мақсадида  
замонавий техник  
воситаларидан  
фойдаланган  
холда, зарур  
чоралар кўриш  
юзасидан  
тезкор-қидириув  
фаолиятини  
амалга оширувчи  
органлар  
томонидан  
ўтказилган  
тезкор-қидириув  
тадбирлари  
натижалари  
муҳим ўрин  
тутади.

олдини олишга ёки бузилган тақдирда уларни қайта тиклашга қаратилган динамик тизими” [5; 451-С]деб таърифлайди.

А.А. Безуглов ва С.А. Солдатов инсон ҳуқуқларини самарали амалга ошириш учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи воситалар ва омиллар тизими сифатида ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмини яраттиш зарурлигини билдириб ўтишган [6]. Улар мазкур механизмнинг тузилишини қўйидагида кўрсатиб ўтишган: ижтимоий нормалар; инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари субъектларининг қонуний фаолияти; ошкоралик; жамоатчилик фикри; кафолатлар; тартиблар; жавобгарлик; назорат.

А.С. Мордовец ҳам ушбу позицияга амал қиласди ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмини инсоннинг ажралмас қадр-қимматидан келиб чиқадиган барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган муайян воситалар ва фактлар тизими сифатида тавсифлайди [7; 286-С].

Юқорида берилган фикрларга кўра, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини қонунчилик базаси, ҳуқуқий тартибот, шунингдек, давлат ва нодавлат органлар ва муассасаларнинг инсон ҳуқуқлари ҳолати ва уларга риоя этилишига, бузилган қонуний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклашга амалий таъсир кўрсатадиган тизими тушенилади.

Бугунги кунда тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш жараёнида қонунчиликка риоя қилиш, маълумотлар олиш жараёнлари анча ёпиқ тарзда ташкил этилгани сабабли унинг қонунийлиги, тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш жараёнида қонунчиликка риоя этилиши, олинган ахборотнинг ҳақиқийлиги юзасидан жуда кўп саволлар келиб тушишига сабабчи бўлмоқда.

Таъқидлаш жоизки, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини чекловчи ТҚФни ўтказиш ҳуқуқий давлат асосларига путур етказмайди, чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи нормалар бир қатор ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мавжуд бўлиб, 1948 йил 10 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “инсон ҳуқуқлари декларацияси”, 1950 йил 4 ноябрдаги “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Европа Конвенцияси ва бошқаларда қайд этилишича “... бундай чекловлар фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади” деган талаб мустаҳкамланган [8; Б-99-100.].

Тезкор-қидириув фаолиятини амалга





ошириш давомида тегишли қонун ҳужжатларини аниқ бажариш ва уларга амал қылmasлик албатта қонун бузилиши ҳисобланади ва бундай ҳолатларга йўл қўйган мансабдор шахслар белгиланган жавобгарлиқк тортимиши мумкин. Қонун бузилган тақдирда жавобгарлик муқаррардир. Тезкор-қидирив фаолиятида қонунийлик идоравий ва прокурор назоратларини амалга ошириш билан кафолатланади.

Бошқа барча юридик фаолият соҳаларида бўлгани каби, қонунийлик принципи барча давлат ва жамоат ташкилотлари учун асосийдир. Бошқа принциплардан бирортасига риоя этилмаслиги қонунийлик принципининг ҳам бузилишини англатади. Тезкор-қидирив фаолиятини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш қўйидагиларни назарда тутади:

- унинг фақат тезкор-қидирив қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган субъектлар томонидан амалга оширилиши;

- тезкор бўлинмалар ва уларнинг муайян ходимлари фаолиятида қонун ҳужжатлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги;

- қонунийлик бузилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган комплекс чораларнинг ишлаб чиқилиши;

- унинг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши ҳамда амалга оширилиши устидан идоравий ва прокурор назоратларни урнатилиши.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, тезкор-қидирив фаолиятида тезкор тадбирларни ўтказиш сифатини ошириш, ушбу жараёнда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларни баҳолаш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда.

Қонунга ўзгартиш киритилгунга қадар гумон қилинувчи, ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб, ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши аниқ ва лўнда қилиб белгиланиб, шахсларнинг ҳуқуқлари чекланиш ҳолатларига барҳам бериш, иш сифатини ва тезкор-қидирив тадбирларини амалга ошираётган ходимлар масъулиятини янада оширишга хизмат қиласди [9].



Ида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирив тадбири амалда якунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши аниқ ва лўнда қилиб белгиланиб, шахсларнинг ҳуқуқлари чекланиш ҳолатларига барҳам бериш, иш сифатини ва тезкор-қидирив тадбирларини амалга ошираётган ходимлар масъулиятини янада оширишга хизмат қиласди [9].

Шунингдек, бугунги кунда тезкор-қидирив фаолиятини амалга оширувчи органга кўмаклашаётган айрим шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш муаммосини ҳал этиш бўйича ҳам қонундаги бўшлиқларни тўлдириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Амалдаги Қонунга кўра тезкор-қидирив фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахс, қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар бўлган тақдирда ғайриқонуний қилмиши учун жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

“Тезкор-қидирив фаолияти тўғрисида”ги қонунинг ушбу нормаси бланкет норма ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, у жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим, чунки жиноий жавобгарликдан озод қилишни амалга оширишнинг тартиб-таомили батафсил белгиланган процессуал нормаларнинг мавжудлиги уни амалда жорий этиш учун ҳал қилувчи шарт ҳисобланади [10; Б-163].

« ТЕЗКОР-ҚИДИРИВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР.  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ИНСОН  
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ  
ВА МЕХАНИЗМЛАРИ МАЖМУИ БИЛАН ШАКЛЛАНАДИ.  
ЮҚОРИДА ТАЪКИДЛАГАНИМIZДЕК, ИНСОН  
ҲУҚУҚЛАРИНИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН УШБУ  
ИККАЛА ҲУҚУҚИЙ ТОИФАНИНГ ҲАМ МАВЖУДЛИГИ  
ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ. »

**И**нсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими уларни ҳимоя қилишнинг мақсадлари, тамойиллари, кафолатлари, усуллари ва воситалари мавжудлигини назарда тутади. Тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми, шунингдек, кўп жиҳатдан тизимнинг ривожланиш динамикасини белгилаб бериши билан тавсифланади. Унинг аҳамияти ва функционал мақсади амалий жиҳатдан амалга ошириш жараёнида, ҳуқуқий ҳимоя субъектлари ўз мақсадларига эришиш учун ундан фойдаланганда намоён бўлади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларидан фарқли ўлароқ, ҳимоя тизими ҳам айрим параметрларга эга бўлади.

Бизнинг фикримизча, тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг ажралмас қисмидир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари ва механизмлари мажмуи билан шаклланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш учун ушбу иккала ҳуқуқий тоифанинг ҳам мавжудлиги талаб қилинади.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми - бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона тизимида фаолият юритувчи меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган халқаро институтлар, давлат ва нодавлат органлари фаолиятининг усуллари, воситалари, тартиблари ва шакллари мажмуи ҳисобланади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.<https://aza.uz/uz/posts/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси. 2023. <https://constitution.uz/uz/clause/index> (мурожаат санаси 11.02.2024й)
3. Рудинский Ф.М., Гаврилова Ю.В., Крикунова А.А., Сошникова Т.А. Экономические и социальные права человека и гражданина: современные проблемы теории и практики. М.: Права человека, 2009. 495 с.
4. Нудненко Л.А. Конституционные права и свободы личности в России. СПб.: Юридический центр Пресс, 2009. 451 с
5. Стремоухов А.В. Правовая защита человека. СПб.: СПбГУП, 2007. 312 с
6. Безуглов А.А., Солдатов С.А. Конституционное право России. М.: Прообразование, 2003. 886 с
7. Мордовец А.С. Социально-юридический механизм обеспечения прав человека и гражданина. Саратов: ВШ МВД РФ, 1996. 286 с
8. Каримов В. Тезкор-қидириув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари. Монография. 2019. Б-99-100. (мурожаат санаси 11.02.2024й.)
9. Расулов З. Тезкор-қидириув фаолиятини такомиллаштириш давр талаби. <https://aniq.uz/yangiliklar/tezkor-qidiruv-faoliyatini-takomillashtirish-davr-talabi>
10. Хамдамов А.А., Сайтбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида"ги қонунига шарҳ. 2015. Б-163.



THE RIGHT TO



# PERSONAL DATA PROTECTION AS A CONSTITUTIONAL RIGHT

**ПРАВО НА ЗАЩИТУ  
ПЕРСОНАЛЬНЫХ  
ДАННЫХ В КАЧЕСТВЕ  
КОНСТИТУЦИОННОГО ПРАВА**

**Khurshida ABZALOVA,**  
*Professor of the Department of Criminal Law,  
Criminology and Anti-Corruption of Tashkent State  
University of Law,  
Doctor of Science in Law (DSc),  
e-mail: lawyerabzalova@mail.ru*

**Хуршида АБЗАЛОВА,**  
*профессор кафедры Уголовного права, криминологии  
и противодействия коррупции Ташкентского  
государственного юридического университета,  
доктор юридических наук (DSc),  
e-mail: lawyerabzalova@mail.ru*





**ANNOTATION:** The article discusses the concept of the «right to oblivion» and the question of the need to consolidate the «right to oblivion» as a constitutional human right. Its legislative development and wide application call into question the relationship between private and public relations. We are talking, on the one hand, about protecting the privacy of an individual, on the other — about freedom of information and expression. In this regard, it is necessary to develop an approach to consolidate the «right to oblivion» in such a way that an optimal balance of interests is ensured. Exploring the history of the emergence of the «right to oblivion», as well as the problems of its application, the author of the article examines the current state of this institution, in particular the legislation of the Republic of Uzbekistan, which concludes that it is necessary to understand the «right to oblivion» as an independent category and the need to improve the current national legislation. The article also proves that securing the protection of personal data at the constitutional level will strengthen the guarantees of personal inviolability and privacy of people.

**KEYWORDS:** right to oblivion, protection of privacy, personal data, human rights, guarantees of personal integrity and privacy.

Today, our life cannot be imagined without technology. All modern life is based on the rapid exchange of information. Information exchange often includes the dissemination of information about a person. The so-called personal data of people has become widespread and accessible. In particular, search engines (e.g. Google, Yahoo), social networks (e.g. Facebook, Twitter) the use of personal data has become commonplace. However, information about a person can also be used in a negative aspect. Therefore, the protection of personal data is a very urgent task today. In this context, the right to be forgotten, the right to erasure acquires special significance.

The right to be forgotten means that a person has the right to demand, under certain conditions, the deletion of his personal data that may harm him or are undesirable for him.

If we consider the historical component of the principle of personal data protection. The first ever data protection law, the Swedish Personal Data Law, was passed almost 50 years ago, in 1973, and came into force the following year. The Swedish Data Protection Authority has declared it illegal for any person or company to use information systems of any kind to process personal data without a license. In the late 60s, citizens of the progressive Scandinavian nation were concerned about the growing use and storage of personal data, and the Data Law was conceived to dispel their concerns. After the EU announced its own Data Protection Directive from 1995 (put into effect in 1998), Sweden, like the rest of the European Union, was

**АННОТАЦИЯ:** В статье рассматривается понятие «права на забвение» и вопрос необходимости закрепления «права на забвение» как конституционного права человека. Его законодательное развитие и широкое применение ставят под вопрос соотношение между частными и публичными отношениями. С одной стороны — защита частной жизни отдельного лица, с другой — о свободе информации и выражения мнений. В связи с этим необходимо выработать подход для закрепления «права на забвение» таким образом, чтобы был обеспечен оптимальный баланс интересов. Исследуя историю возникновения «права на забвение», а также проблемы его применения, автор статьи рассматривает текущее состояние данного института, в частности законодательство Республики Узбекистан, по итогам чего делается вывод о необходимости понимания «права на забвение» как самостоятельной категории и необходимости совершенствования действующего национального законодательства. В статье также обосновано, что закрепление защиты персональных данных на конституционном уровне усилит гарантии личной неприкосновенности и частной жизни людей.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** право на забвение, защита частной жизни, персональные данные, права человека, гарантии личной неприкосновенности и частной жизни.

happy to comply with the updated rules of the law.

At the same time, in the United States, the general approach to data protection was abandoned in favor of regulation between states and between industries. Federal regulations exist in sectors such as communications, healthcare, education, and finance, but since most U.S. states generally do not recognize a person's right to privacy, regulation is limited except for these exceptions, and private data is considered a fair game rule to store and use if you are willing to collect it - even without permission. On the other hand, in the UK, the 1995 EU Directive has been respected since its adoption. Not content with complying with one data protection provision, the UK has also introduced its own Personal Data Protection Act of 2018, «Regulation on the regulation of the processing of information relating to individuals, including the receipt, storage, use or disclosure of such information» [1].

From the mid-90s to the late 2000s, Western laws regarding the search, use and storage of personal data underwent minor changes, despite the global technological boom and a significant increase in the volume of personal data entering the Internet. From banking to commerce, from communication to entertainment, from education to employment, personal data was everywhere and, worryingly, insufficiently protected by increasingly archaic laws. In 2009, the EU initiated a public consultation on data protection, which resulted in a decision to act. By 2012, proposals for a completely new regulation were published: GDPR (General data protection regulation). EU approval was obtained in 2014,



and in 2016 the GDPR was officially adopted by the EU Council and the European Parliament, which is due to enter into force in May 2018 after a two-year grace period, 20 years after the entry into force of the Personal Data Protection Directive.

Despite the historically different methods of data protection in the United States, organizations on the western side of the Atlantic must also comply with GDPR rules regarding companies or EU citizens whose data they use, store or transfer in any way. American firms, like everyone else outside the EU, should be prepared for GDPR if they have clients or contacts in the Union. Becoming obedient is not an easy task [2].

The right to freedom of expression and free access to information applies to all media and is an integral part of individual freedom. The right to freedom of expression is recognized in almost all national constitutions and in most international human rights treaties, including the Universal Declaration of Human Rights, the International Covenant on Civil and Political Rights.

Nevertheless, freedom of expression is not an absolute right. International human rights treaties limit this right to certain conditions of implementation. Thus, according to article 19 of the International Covenant on Civil and Political Rights, restrictions are possible in cases where: (1) such a restriction is provided for by law; (2) there are legitimate purposes of restriction explicitly set out in this article; (3) such restrictions seem necessary in a democratic society [3]. In particular, the requirement of necessity implies that the measure taken is proportional to the desired goal. If a less burdensome measure is able to achieve the same goal, the least restrictive measure should be applied.

Thus, international law allows certain restrictions on freedom of expression in order to protect other legitimate interests, including the rights of third parties.

In accordance with article 4 of the Law of the Republic of Uzbekistan «On Personal Data»: personal data is information recorded on electronic, paper and (or) other material media related to a certain individual or enabling his identification [4]. This may be a surname, first name or patronymic, date of birth, personal identification number. If you imagine that this data will fall into the hands of intruders, then inevitably they can harm human interests (for example, apply for an online loan, perform a legally significant action). Therefore, personal data should be subject to state protection. Also, a person who is the owner of personal data should be given the opportunity to protect their rights. The «right to be forgotten» is one of the effective means of protection. This right has two meanings:

1) as an individual's right to ask Internet search engines to delete unwanted search results. The right to be forgotten by Internet search engines stems from a 2014 decision by the European Court of Justice, known as Google v. Spain, in which a judge ruled that in cases where information is irrelevant, outdated or otherwise inappropriate, it should be removed from search results by the person's name;

2) as the right of an individual in accordance with GDPR (General Data Protection Regulations) - the General Data Protection Regulation of the European Union to request the controller (this is any natural or legal



person, government agency, institution or other body that independently or jointly with others determines the purposes and means of processing personal data) to delete data and information about them which they store and process.

Thus, in accordance with article 17 of these Regulations, a person has the right to require the controller to delete personal data related to him without undue delay, the controller is obliged to immediately delete personal data if one of the following grounds applies:

- the organization no longer needs this data;
- the person withdraws his consent on the basis of which the processing is carried out, and if there is no other legal basis for processing;
- the person objects to the processing, and there are no legal grounds for it, or the person objects to the processing of personal data for direct marketing purposes;
- personal data was processed illegally;
- personal data must be destroyed in fulfillment of a legal obligation under the law of the Union or the Member State under which the controller falls;
- personal data was collected in connection with the offer of information society services directly to the child.

At the same time, the right to delete data (the «right to be forgotten») provides for several exceptions, that is, it applies in cases where processing is necessary:

- to exercise the right to freedom of expression and freedom of information;
- in order to comply with a legal obligation that requires processing in accordance with the law of the Union or the Member State under which the controller falls;
- to perform a task carried out in the public interest, or in the exercise of official powers assigned to the controller;
- due to public interest in the field of healthcare;
- for archiving purposes in the public interest, for scientific or historical research purposes, or for statistical purposes;
- to declare, implement or challenge legal claims and lawsuits [5]. In 2014, the Paris Court of Appeal considered a case in which a person convicted several years earlier announced the cessation of distribution of a documentary film telling about the reasons for his conviction. In its decision, the Court noted that in this case, the «right to be forgotten» does not prevail over the public's right to «comprehensive and objective



information.» In addition, he also stated that «the connection with already disclosed public facts in itself cannot constitute an encroachment on privacy» [6].

According to the legislation of the Republic of Uzbekistan, personal data is subject to destruction by the owner and (or) the operator, as well as by a third party:

- when the purpose of processing personal data is achieved;

- if there is a revocation of the subject's consent to the processing of personal data;

- after the expiration of the period for processing personal data determined by the consent of the subject;

- upon entry into force of a court decision.

In addition, information about the subject may be excluded from publicly available sources of personal data upon his request, submitted in the form in which consent was given, or in writing, including in the form of an electronic document, as well as by decision of an authorized state body or court [7].

According to the current legislation, persons guilty of violating the legislation on personal data are liable under Article 462 of the Code of the Republic of Uzbekistan on Administrative Responsibility [8], article 1412 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan [9]. However, the term «right to be forgotten» does not exist in national legislation.

As E. S. Chub noted, due to the lack of legislative consolidation of the term «right to be forgotten», some

researchers express the opinion that it can be considered as part of the human right to protect privacy, honor and good name. However, due to the widespread use of the Internet and search engines, we believe that this right should be defined as an independent legal category that needs to be consolidated separately.

Thus, the «right to be forgotten», its legislative development and widespread application call into question the relationship between private and public relations. On the one hand, it is about protecting the privacy of an individual, on the other — about freedom of information and expression. In this regard, it is necessary to develop an approach to consolidate and use the «right to be forgotten» in such a way that an optimal balance of interests is ensured.

At the same time, the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan establishes a norm guaranteeing the protection of personal data, the right to demand correction of inaccurate data, destruction of data collected about a person illegally or no longer having legal grounds.

The protection of personal data at the constitutional level will strengthen the guarantees of personal inviolability and privacy of people. Government agencies, organizations or institutions will be required to respect and respect people's rights to personal data. Their use will be carried out strictly in accordance with the law and for the necessary purposes. In addition, if a violation of this right is detected, a citizen has the right to apply any protective measures, including going to court and demanding compensation for harm.

## REFERENCES:

1. The data protection act. <https://www.gov.uk/data-protection>
2. Adam Deakin. GDPR: 10 Months To Go – A short history of data protection <https://vutu.re/blog/gdpr-timeline-a-history-of-data-protection>
3. International Covenant on Civil and Political Rights art 19, Dec. 19, 1966, 999 U.N.T.S. 178.<https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights>
4. The Law of the Republic of Uzbekistan «On personal data». <https://lex.uz/docs/4396428>
5. Le Règlement général sur la protection des données personnelles (RGPD) 2018 Ordinance 2018-1125 du 12 décembre 2018 relative à la protection des données personnelles et portant modification de la loi 78-17 du 6 janvier 1978 relative à l'informatique, aux fichiers et aux libertés et diverses dispositions concernant la protection des données à caractère personnel [The General Regulations on the Protection of Personal Data (RGPD)]
- 2018 Ordinance 2018-1125 of December 12, 2018 relating to the protection of personal data and amending Law 78-17 of January 6, 1978 relating to data processing, files and freedoms and various provisions concerning the protection of personal data], <https://www.legifrance.gouv.fr/jorf/id/JORFTEXT000037800506>
6. Cour d'appel de Paris, pôle 2, chambre 7, Feb. 26, 2014, No. RG 13/01241 <https://www.doctrine.fr/d/CA/Paris/2014/R6194A8E202763C55CC93>
7. European Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms, as amended by Protocols Nos. 11 and 14, Nov. 4, 1950, 1950 ETS 5. [https://www.echr.coe.int/documents/convention\\_eng.pdf](https://www.echr.coe.int/documents/convention_eng.pdf)
8. Cour de cassation [Cass.] [supreme court for judicial matters], Apr. 29, 2016, No. C.15.0052.F <https://juricaf.org/arret/BELGIQUE-COURDECASSATION-20160429-C150052F>
9. 22 Cour de cassation [Cass.] [supreme court for judicial matters] Chambre civile 1, May 12, 2016, No. 15-17.729, <https://www.legifrance.gouv.fr/juri/id/JURITEXT00003253216/>



# СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА

# АБОНЕНТЛАР

ЁКИ АБОНЕНТ ҚУРИЛМАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ  
БОҒЛАНИШЛАР ТҮГРИСИДА АҲБОРОТ  
ОЛИШЧИНГ ДАЛИЛИЙ АҲАМИЯТИ



Элёр АХМАДАЛИЕВ,  
Тергов департаменти  
Халқаро ва алоқалар  
бўлими ўта муҳим ишилар  
бўйича терговчиси  
мустақил изланувчи

Elyor AKHMADALIYEV,  
*The investigator on  
extremely important cases  
of the International and  
communications department  
of the Investigation  
Department  
Independent researcher*

## EVIDENCE OF OBTAINING INFORMATION ABOUT COMMUNICATION BETWEEN SUBSCRIBERS OR SUBSCRIBER DEVICES DURING PRE – TRIAL PROCEEDINGS

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада жиноятларни тергов қилишда  
абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғла-  
нишлар бўйича аҳборот олишнинг аҳамияти, амалиётда  
мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан  
илмий-назарий фикрлар баён қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** абонентлар, абонент қурилмалари ўрта-  
сидаги боғланишлар, тергов ҳаракати, терговчининг про-  
цессуал мустақиллиги, кечикириб бўлмайдиган ҳоллар,  
сунднинг санкцияси.

**ANNOTATION.** This article describes the importance of  
obtaining information about connections between subscribers  
or subscriber devices, problems in practice and their solutions.

**KEYWORDS:** subscribers, communication between subscribers,  
investigative action, procedural independence of the  
investigator, in urgent cases, court sanction.



Маълумки, ахборот технологияларининг ривожланиши жадал равища ўсиб бораётган замонда яшамоқдамиз. Бу жараёнда деярли барча соҳаларни рақамлаштириш бўйича сезиларни даражада ислоҳотлар амалга оширилди ва бу ривожланишлар давом этиб келмоқда. Ушбу тенденцияга мос равища суд-ҳукуқ соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, жиноятга оид иш юритишнинг ҳар қандай босқичида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш мазкур йўналишни такомиллашувига, ўз навбатида жиноятчиликка қарши самарали курашишга хизмат қиласди.

Жиноятга оид иш юритишнинг барча босқичида далилларни тўплаш ва уларни расмийлаштириш учун ахборот технологияларининг ҳар қандай туридан фойдаланиш имкониятини, хусусан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг бу борадаги ваколатларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши ҳақиқатни аниқлашда, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш самарадорлигини янада яҳшилайди.

Бироқ, бугунги кунда жиноятларни тергов қилишда айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имконияти чекланганигини кузатиш мумкин.

Мисол учун, Жиноят-процессуал кодексида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга оид нормалар мавжуд эмаслиги жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш борасида ушбу маълумотларни олишда қийинчиликларни юзага келтироқда.

Жумладан, муқаддам терговчи (суринтирувчи) абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидағи боғланишлар тўғрисида ахбо-

ротни (ишга алоқадор шахсларнинг телефонлари кириш-чиқиш қўнғироқлари айланмаси, пеленгация ва ҳ.к.) олиш учун тегишли уяли алоқа компанияларига юритувидаги жиноят иши рақамини кўрсатган ҳолда сўровнома юбориши орқали олган бўлса, эндиликда юритувидаги иш бўйича тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи органларга ушбу маълумотларни олиб бериш учун сўровнома билан мурожаат этмоқда.

Ўз навбатида, тезкор-қидирув органлари қидирув иши юритиб, маҳфийлик қоидаларига риоя қилган ҳолда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бўйича ахборотларни олиш тўғрисида қарор қабул қилиб, маҳсус ваколатли давлат органига юбормоқда.

Қисқа қилиб айтганда ҳозирги тартибга кўра, абонентлар ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотлар тезкор-қидирув тадбирлари давомида олинадиган ахборотлар тоифасига кириб, улар "тергов органи – тезкор - қидирув фаолияти органи – прокурор – тезкор - қидирув фаолияти органи – Электрон технологияларни ривожлантириш маркази – тезкор - қидирув фаолияти органи – тергов органи" тизими асосида олинмоқда.





# A

малда Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинмаган юқоридағи тизим асосида иш юритиш құйидаги салбий ҳолатларни көлтириб чиқармоқда:

◆ Жиноят-процессуал кодексида терговчы (суроштирувчы) үз йұналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганды, мустақил равища қабул қилиши белгіланған бұлсада, амалда ушбу ваколаттар чекланиб, абонентлар ёки абонент қурилмалари үртасидаги боғланишлар бүйича ахборотни олиш тезкор-қидируду фаолияти билан шуғулланувчи органларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бунинг оқибатида, ушбу жараёнда терговчы (суроштирувчы) билан бир қаторда, прокурор ва суднинг қонун билан белгиланған ваколатлари чекланмоқда;

◆ терговчининг (суроштирувчининг) абонентлар ёки абонент қурилмалари үртасидаги боғланишлар бүйича ахборотни олиш ҳақидаги сұровномалари асосида тезкор-қидируду фаолияти билан шуғулланувчи органлар томонидан фақатгина сұровноманинг ижросини таъминлаш мақсадида тезкор-қидируду



“  
2023

йил давомида  
абонентлар  
ёки абонент  
қурилмалари  
үртасидаги  
боғланишлар  
бүйича ахборотни  
олиш бүйича  
Самарқанд  
вилояти  
ички ишлар  
органдары тергов  
бўлинмалари  
томонидан  
биронта сўров  
юборилмаган.

ишлари юритилишига олиб келиб, уларнинг сони сунъий ошиб кетмоқда.

Эътиборлиси, тезкор-қидируду иши бирор-бир жиноятни фош этиш ёки аниқлаш мақсадида эмас, балки сұровнома ижроси бүйича юритилиб, абонентлар ёки абонент қурилмалари үртасидаги боғланишлар бүйича ахборот олинганидан сўнг, юритишдан тугатилмоқда;

◆ абонентлар ёки абонент қурилмалари үртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборот үз мазмунига кўра, маҳфий ҳисобланмасада (ишига алоқадор шахсларнинг бир-бири билан мuloқотда бўлганлик фактини белгилаш, қўнғироқ амалга оширилган вақтда бўлган ҳудудга аниқлик киритиш ва ҳ.к.), ушбу маълумотлар маҳфийлик қоидалари асосида олиниб, сўнгра маҳфийлик даражаси ечилиб, жиноят ишига қўшилмоқда. Бу эса, сунъий ва ортиқча бюрократик тўсиқларни көлтириб чиқармоқда;

◆ абонентлар ёки абонент қурилмалари үртасидаги боғланишлар ҳақидаги ахборотни олиш тўғрисидаги сұровномалар тўғридан-тўғри юборилмасдан, тезкор-қидируду фаолиятини амалга оширувчи органлар орқали олиниши иш ҳажмининг сунъий кўпайишига ҳамда муддатлар чўзилишига сабаб бўлмоқда;

Маълумот учун, ўтказилган таҳлилларга кўра, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан 2023 йил давомида абонентлар ёки абонент қурилмалари үртасидаги боғланишлар бўйича ахборотни олиш тўғрисида жами 525 та сўров юборилган бўлиб, шундан 347 таси бўйича бир ойгача, 68 таси бўйича икки ойгача, 14 таси бўйича уч ойгача, 1 таси бўйича уч ойдан ортиқ муддатда жавоблари олинган. Бун-



дан ташқари, 95 таси бўйича ахборот олиш рад этилган.

◆ абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бўйича ахборотни олишда юзага келтирилган қийинчиликлар, терговчилар (суриштирувчилар) томонидан ҳақиқатни аниқлаш, жиноятларни фош этишда улардан фойдаланиш амалиётининг кескин қисқаришига сабаб бўлмоқда (терговда жиноятни фош этиш, айбланувчилар доирасига аниқлик киритиш мақсадида ушбу маълумотлардан фойдаланиш амалиёти кескин қисқарган).

Мисол учун, 2023 йил давомида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бўйича ахборотни олиш бўйича Самарқанд

вилояти ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан биронта сўров юборилмаган.

Шунингдек, бу кўрсаткич Сирдарёда – 1 та, Транспортда – 4 та, Навоийда – 11та, Тошкентда – 15 та, Хоразмда – 16 та, Жиззахда – 17 тани ташкил этади.

Шунингдек, Намангандан вилояти ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан юборилган 79 та сўровларнинг барчаси рад этилган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечими сифатида терговчига (суриштирувчига) абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни мустақил олиш ваколатини бериш, Жиноят-процессуал кодексини тергов ҳаракати сифатида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бўйича ахборотни олиш ҳақида судга илтимоснома берилади:

◆ 36-модда (Терговчининг ваколатлари) бўйича биринчи қисмини "жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга," деган сўзлардан кейин "абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бўйича ахборотларни олиш ҳақида судга илтимоснома беришга" деган сўзлар билан тўлдириш;

◆ 381-модда (Суриштирувчининг ваколатлари) бўйича биринчи қисмини "жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритишга," деган сўзлардан кейин "абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бўйича ахборотларни олиш ҳақида судга илтимоснома беришга" деган сўзлар билан тўлдириш;

**Намангандан вилояти ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан юборилган 79 та сўровларнинг барчаси рад этилган.**





Таклиф этилаётган ушбу тергов ҳаракатининг айрим нозик томонлари, яни фуқароларнинг ҳәёти ва соғлигини эҳтимолий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида алоқа сирларини маҳфийлигини таъминланиши хусусида олимлар томонидан кенг муҳокамалар юритилган.

◆ 87-модда (Далиллар түплаш) бүйича биринчи қисмини "телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш," деган сўзлардан кейин "абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бүйича ахборотларни олиш," деган сўзлар билан тўлдириш;

◆ "Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бүйича ахборот олиш" номли янги "21-боб" билан тўлдириш, бундай ахборотлар терговга қадар текширув ва тергов давомида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бүйича ахборот олиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарорига асосан суднинг ажрими билан олиниши, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бүйича ахборот суднинг санкциясиз олиниши тартибини белгилаш[1].

Таклиф этилаётган ушбу

тергов ҳаракатининг айрим нозик томонлари, яни фуқароларнинг ҳәёти ва соғлигини эҳтимолий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида алоқа сирларини маҳфийлигини таъминланиши хусусида олимлар томонидан кенг муҳокамалар юритилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, О.А.Зайцев, А.Ю. Эпихин, Л.И.Малахова, А.В. Мишинлар жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўз фикрларини баён қилган бўлсалар, В.П. Божьев, Б.Я. Гаврилов, В.В. Горюнов, А.Ш. Магомедов, Н.С. Манова, П.Г. Марфицын, С.Б. Россинск, Л.Г.Татьянина, С.А. Шейферларнинг илмий ишларида терговчининг процессуал мустақиллиги масалалари илгари сурилган [2].

Ҳар икки томон фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига асосан ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгалиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланганлигини инобатга олиб, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар бүйича ахборот олиш терговчининг (суриштирувчининг) ваколати сифатида белгиланиши, шунингдек, ушбу тергов ҳаракати суднинг санкцияси асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади[3].



Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори билан тасдиқланган



**О.А.Зайцев, А.Ю. Эпихин, Л.И. Малахова, А.В. Мишинлар жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўз фикрларини баён қилган бўлсалар, В.П. Божьев, Б.Я. Гаврилов, В.В. Горюнов, А.Ш. Магомедов, Н.С. Манова, П.Г. Марфицын, С.Б. Россинск, Л.Г. Татьянина, С.А. Шейферларнинг илмий ишларида терговчининг процессуал мустақиллиги масалалари илгари сурилган.**

Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"нинг 7-бандида терговчига абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар түғрисида ахборотни мустақил олиш ваколатини бериш вазифаси юклатилган [4].

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифларни қонунчиликка татбиқ этилиши жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятнинг тезкорлиги ва сифатининг ошишига, тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ортиқча юкламалардан озод қилинишига ҳамда мазкур соҳадаги суд-тергов амалиёти муаммолари нинг бартараф этилишига хизмат қиласди.




## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал кодекси - <https://old.lex.uz/docs/111460#254605>;
2. "Получение информации о соединениях между абонентами и (или) абонентскими устройствами в системе уголовно-процессуальных действий". 2023. Э.А.Багавиева. – [www.dissertcat.com](http://www.dissertcat.com).
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - <https://old.lex.uz/docs/6445145>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишини кучайтириш чоралари түғрисида" 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори - <https://old.lex.uz/docs/6681111>.



## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА

# АШЁВИЙ ДАЛИЛДАРНИ



САҚЛАШ ВА ЖҮНАТИШ ХАРАЖАТЛАРИ

**COSTS OF STORAGE AND SHIPMENT OF CRIMINAL EVIDENCE**

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада, жиноят ишларини юритиш жараёнида олинадиган ашёвий далилларнинг тушунчаси, ашёвий далилларни сақлаш ва жүнатиш билан боғлиқ харажатлар, ушбу сарфланмалар учун заруратни юзага келиш босқичлари ва доираси муҳокама қилинган. Таҳлиллар натижасида қонунда белгиланган тартиб жиноят ишларини юритиш жараёнида сақлаш ва жүнатиш эҳтиёжи юзага келадиган нарса ва хужжатларни тұла қамраб олмаслиги асослаб берилиб, илғор хорижий тажрибалар асосида жиноят-процессуал қонунчилікдеги ушбу масалани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқылған.

**ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.** Жиноят иши, процессуал харажат, ашёвий далил, нарса, хужжат, сақлаш, жүнатиш.

**ANNOTATION.** This article discusses the concept of physical evidence obtained in the course of conducting criminal proceedings, the costs associated with the storage and shipment of physical evidence, the stages and scope of the need for these costs. As a result of the analysis, it was proved that the procedure established by the law does not fully cover the things and documents that need to be stored and sent in the course of conducting criminal cases, and based on advanced foreign experiences, proposals were developed to improve this issue in the criminal procedural legislation.

**KEY WORDS:** Criminal case, procedural cost, physical evidence, item, document, storage, shipment.



**Абдулла СУЛТОНОВ,**  
Электрон почта:  
*sultonovabdulla102@gmail.com* (тел: 90 930 77 05)  
ИИВ Академияси  
Жиноят-процессуал  
хуқуқи кафедраси  
тадқиқотчиси, юридик  
фанлар бўйича  
фалсафа доктори(*PhD*),  
доцент

Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг натижасида Ўзбекистон жиноятчилик даражаси бўйича халқаро рейтингларда ижобий натижаларни қайд этмоқда. Жумладан, халқаро World Population Review портали таҳлилчилари томонидан тузилган ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган жиноятчилик сони бўйича Ўзбекистон жиноятчилик даражаси паст бўлган давлатлар қаторидан жой олди. Хусусан, Ўзбекистон 33,42 индекс билан 136 та давлат орасидан 99-уринда қайд этилди<sup>1</sup>. Бироқ, жиноятчилик даражаси жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан саналганлиги сабабли, ушбу натижалар хотиржамлиkkа берилиб бўлмаса керак. Шу асосда жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини тўлақонли таъминлаш зарурати хуқуқни муҳофаза қиласидаган органлардан доимий фаолликни ҳамда жиноят ишларини юритишга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда мамлакатимизда қайд этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг 23 фоизини ўғриликлар<sup>2</sup>, 12,5 фоизини гиёҳвандлик (психотроп) воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, 2 фоиздан ортигини талончилик, қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига ноқонуний эгалик қилиш каби жиноятлар ташкил этган<sup>3</sup>. Мазкур маълумотларнинг келтиришнинг асосий сабаби, жами жиноятларнинг қарийб 40 фоизни ташкил этадиган ушбу жиноятлар бўйича исботлаш жараёнида ашёвий далиллардан бевосита асосий далил сифатида фойдаланилади. Жиноят иши бўйича ашёвий далилларнинг мавжудлиги албатта уларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш заруратини юзага келтиради. Албатта, ушбу статистик маълумотлар нисбий хусусиятга эга бўлиб, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш заруратини келтириб чиқарадиган жиноят турларининг асл салмоғи янада ҳам кўпроқ нисбатларда бўлиши мумкин. Бу эса, Жиноят-процессуал кодексининг 318-моддаси 5-бандида ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ ҳаражатларга алоҳида ўрин берилганлиги нақадар асосли эканлигини кўрсатади.

Умуман, жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, ашёвий далил деганда – келиб чиқиши, кимга тегишлилиги, маълум мақсадларда фойдаланишга яроқлилиги, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлиги, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлиги аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиласидаган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарсалар тушунилади (ЖПКнинг 203-моддаси).

<sup>1</sup> <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/crime-rate-by-country>;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисига 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси холати тўғрисидаги ахбороти. [https://iiv.uz/medianews/file\\_15-03-2023\\_071105.pdf](https://iiv.uz/medianews/file_15-03-2023_071105.pdf).

<sup>3</sup> 2022 йил 12 ойи давомида Ўзбекистон Республикасида жами хисобга олинган жиноятлар тўғрисида маълумотлар. ИИВ хукукий статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар маркази хисоботларидан олинган.



### III

Шунингдек, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарори (ажрим)да ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим ҳисобланади. Қонун талабига кўра, ашёвий далиллар, улар ҳақидаги масала суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарори билан ҳал қилинмагунига қадар сақлаб турилади. Бундан мақсад, ашёвий далилларнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чораларини кўриш ҳисобланади. Мазкур чоралар, ўз навбатида ашёвий далилларни экспертиза ўтказиш учун юбориш ёки жиноят иши бошқа суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказиш жараёнида ҳам кўрилиши лозим. Сақлаш муддати жиноят ишларини тергов қилишда 7 ойга қадар,



Ашёвий далил тариқасида олинган ёки жиноят содир этиш қуроли сифатида фойдаланилган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари сақлаш учун ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари, Бош прокуратура, ИИВ ва ДХХнинг хўжалик бошқармаларига (бўлимларига) топширилади.

суд муҳокамасининг босқичлари ҳам қўшиб ҳисобланганда 1 йилга қадар, тўхтатилган жиноят ишлари бўйича ундан ҳам кўпроқ давом этиши мумкин.

Одатда, ашёвий далиллар кичик ҳажмли ва ўз хусусиятини йўқотмайдиган бўлса терговга қадар текширув материали ёки жиноят иши билан сақланади. Агар бунинг имконияти бўлмаса, масалан улар жуда катта ҳажмли бўлса, тез бузиладиган, алоҳида шароитларга сақлашни талаб этадиган товарлар ҳисобланса ёки бошқа сабабларга кўра бошқа жойда сақлашга топширилади ва бу ҳақда икки нусхада баённома тузилади. Бунинг учун суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларда стеллажлари, металл эшиги, панжара қилинган деразалари, қўриқлаш ва ёнғинга қарши сигнализацияси бўлган маҳсус хоналар жиҳозланади (сақлаш хонаси) ёки етарли катталиқдаги маҳсус сейф ажратилади. Бироқ, нарса ўзининг алоҳида хусусиятлари ёки сифатлари сабабли маҳсус сақлаш шароитларида сақланиши лозим бўлса (маълум ҳарорат, намлиқ ва ҳ. к.), терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, суд уни шу шароитларига эга муассаса ёки ташкилотга сақлаш учун топширади<sup>4</sup>.

Процессуал харажатлар институти доирасида ашёвий далилларни айнан суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд биносидаги сақлаш хоналаридан ташқаридаги муассаса ёки ташкилот базасида сақлаш учун ташиш ва иш қонуний ҳал этилганига қадар сақлаб турish учун сарф-харажатларни қоплаш назарда тутилади. Демак, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд биносидаги сақлаш

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлиги хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2010 йил 22 октябрдаги “Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), хисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ килиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномани таасиклаш ҳакида”ги кўшма қарори. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги томонидан 2010 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат раками № 2174. (<https://lex.uz/docs/1724291>. Мурожаат вақти. 12.10.2023 й.)

хоналарида сақлаш мумкин бўлган ашёвий далиллар бундай харажатларга зарурат туғдирмайди. Негаки, аксарият ҳолларда улар кичик ҳажмли бўлиши ва сақлаш учун маҳсус шарт-шароитларни талаб этмаслиги мумкин. Хусусан, уяли алоқа воситалари, телевизор, компьютер воситалари ҳамда жиноят қурули сифатида фойдаланилган пичоқлар, корсетлар, бузиш воситалари ва бошқа шу каби ашёвий далилларни бунга мисол сифатида келтирса бўлади. Одатда бундай ашёвий далиллар билан фақат уларни экспертиза муассасасига олиб бориш ва қайтариб олиб келишда, шунингдек жиноят ишини юритишга масъул бўлган бошқа органга ташиб олиб бориша процессуал ҳаражат тарзида маблағлар сарфлаш эҳтимоли юзага келиши мумкин.

Ўз навбатида, катта ҳажмли, сақлаш учун маҳсус шароитларни талаб этадиган ёки сақлаш жойлари қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган (хусусан, радиоактив материаллар Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институти ёки маҳсус лицензияга эга бўлган бошқа ташкилотларда сақланиши шарт) ашёвий далилларни сақлаш учун бошқа муассаса ёки ташкилотга олиб бориш ва сақлаб туришда албатта моддий ҳаражатларга зарурат юзага келади. Мисол учун, ашёвий далил тариқасида олинган ёки жиноят содир этиш қурули сифатида фойдаланилган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари сақлаш учун ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари, Бош прокуратура, ИИВ ва ДХХнинг ҳўжалик бошқармаларига (бўлимларига) топширилади. Бироқ,



Жиноят қурули сифатида эътироф этилган ёки йўл-транспорт ҳодисаларида иштирок этган транспорт воситаларини сақлаш хизматни кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишли “жарима майдончаси” сақлашга зарурат юзага келади.

ушбу давлат органларнинг барчасида ҳам катта ҳажмли ашёвий далилларни, жумладан транспорт воситаларини сақлаш учун шарт-шароитлар етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, жиноят қурули сифатида эътироф этилган ёки йўл-транспорт ҳодисаларида иштирок этган транспорт воситаларини сақлаш хизматни кўрсатиш билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишли “жарима майдончаси” сақлашга зарурат юзага келади. Урнатилган тартибга кўра, транспорт воситаси эгасига транспорт воситаларини олиб келиш ва сақлаш хизматлари учун ҳақ тўлангандан кейин “Жарима майдончаси” ахборот тизими орқали берилган рухсатнома асосида берилади<sup>5</sup>. Ёки бўлмаса, ашёвий далил тариқасида эътироф этилган иш ва уй ҳайвонлари, қонуний эгаси ёхуд мулкдори номаълум бўлган ёки бошқа сабабларга кўра уларни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳоллarda қараб туриш ва сақлаш учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотга, жумладан ширкат ёки фермер хўжаликларига топширилиши мумкин.



<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Қонун ҳужжатлари бузилганилиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисида”ти Низом (11-банд) (<https://lex.uz/docs/1807806>. Мурожаат вакти 13.10.2023 й.)



Жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар билан ўтказилган ижтимоий сўровномаларда катта ҳажмли нарсаларни ташиш зарурати юзага келганида, аксарият ҳолатларда ИИО йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан жалб этилган жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланилиши маълум бўлди. Аммо, бизнингча ушбу ҳолат фуқароларнинг манфаатлари ҳамда қонун ҳужжатларига зид ҳисобланади ҳамда айрим ҳолларда автотранспорт воситалари эгаларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Аслида далилий ашёларни ташиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ҳисобидан процессуал харажат тарзида қопланиши лозим бўлади.

Амалдаги ЖПКнинг 318-моддаси 5-банди матнига кўра юқорида муҳокама қилинган масалалар фақат нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарори ёки суднинг ажрим чиқарилган нарсаларга оид ҳисобланади. Бу эса шундай қарор ёки ажрим чиқарилган кейин, унда кўрсатилган нарсаларни ташиш ва сақлаш учун сарфланган суммалар процессуал харажат сифатида қоплаб берилиши мумкинлигини англатади. Маълумки, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор фақатгина жиноят иши қўзғатилганидан кейин, яъни суриштирув ёки дастлабки тергов

шаклида жиноят ишини тергов қилиш давомида қабул қилинади.

Бироқ, амалдаги ЖПКнинг 3202-моддаси талабларига биноан, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Бунда жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатлар дейилганда айнан ашёвий далил сифатида эътироф этиладиган нарса ва ҳужжатлар назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ЖПКнинг 329-моддаси талабларига кўра, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, яъни жиноят ишини қўзғатишгача бўлган вақтда мобайнида тергов қадар терговга қадар текширувни олиб бораётган мансабдор шахс томонидан қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтуб ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирав тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар беришга ваколатли ҳисобланади. Хусусан, тезкор-қидирав тадбирлари натижасида, жумладан қиёсий текширув учун намуналар йиғиш тадбирида маълум бир моддий обьектлар олиниши ёки текшириш учун харид қилиш тадбири натижасида муайян товарлар харид қилиниши мумкин. Табиийки, ушбу турдаги ва бошқа процессуал ҳаракатлар жараённида келгусида иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатлар аниқланган тақдирда, улар терговга қадар текширувни ўтказаётган мансабдор шахс томонидан процессуал тартибда расмийлаштириб



олиниши лозим. Қолаверса, ЖПКнинг 205-моддасида ҳам белгиланган ашёвий ва ёзма далилларни олиш усулларидан бири сифатида жиноят ишини қўзғатишдан аввал ўтказиш мумкин бўлган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати кўрсатилган. Жиноят-процессуал кодексига кўра, терговга қадар қадар текширув муддати бир ойга қадар давом этиши мумкинлигини инобатга олганда ушбу босқичда олинган нарса ва ҳужжатларни ташиш ва сақлашга зарурат туғилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида"ги 17-сон (2012 йил 13 декабрь) қарори талабларига кўра, суриштирув, тергов ҳаракатларини юритиш пайтида топилган, олинган ёки бошқа шахслардан қабул қилинган нарсаларни фақат қўйидаги процессуал ҳаракатлар оширилганидан кейин ашёвий далил сифатида эътироф этиш мумкинлиги белгиланган:

иш учун аҳамиятли бўлган нарсани топиш, олиш ёки қабул қилиш факти расмийлаштирилганидан (баённома тузилганидан ёки суд баённомасида акс эttiрилганидан);

нарсанинг ишга дахлдорлиги тўғрисида хulosага келиш ва уни индивидуаллаштириш учун зарур белгиларни аниқлаш мақсадида уни ЖПК 135 — 137, 139 ва 140-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан дарҳол кўздан кечирилганидан;

нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилганидан ва у ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилганидан . Жиноят ишларини юритиш тартибига кўра, ушбу процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун ҳам маълум бир муддатларни талаф этилиши мумкин.

Шу ўринда, савол ҳақли савол туғилиши мумкин, ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговга қадар текширув давомида олинган ёки суриштирув ёхуд дастлабки терговда тегишли қарор чиқарилганга қадар нарсаларни ташиш ёки сақлаш учун сарфланадиган маблағлар қандай қопланади? Ёки бўлмаса ушбу суммаларни процессуал ҳаражатлар сифатида эътироф этса бўладими? Ушбу саволларга жиноят-процессуал кодекснинг 318-модда, 5-бандни сўзма-сўз талқин этган ҳолда

жавоб берилганда, таассуфки, мазкур суммаларни процессуал ҳаражатлар доирасига киритиб бўлмайди. Бу эса юқоридаги қайд этилган жиноят-процессуал қонунчилиги, яъни ЖПКнинг 205, 3202,

329-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (2012 йил 25 декабрь) талабларини амалда тўла татбиқ этиш билан боғлиқ номувофиқликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса, терговга қадар текширув босқичида олинган нарса ва ҳужжатларни ташиш ва сақлаш учун сарфланадиган ҳаражатларни ҳам процессуал ҳаражатлар киритиш масаласининг долзарблигини кўрсатмоқда. Урганишлар давомида, ушбу ҳолат бўйича Украина жиноят-процессуал қонунчилигида ижобий тажрибаларнинг мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Украина ЖПКнинг 123-моддаси "Нарсалар ва ҳужжатларни сақлаш ва топшириш билан боғлиқ ҳаражатлар" деб номланган бўлиб, унда "нарсалар ва ҳужжатларни сақлаш ва топшириш билан боғлиқ ҳаражатлар Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибида Украина Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади" деган норма мустаҳкамланган . Албатта ушбу қонун нормасининг ушбу мазмунда берилиши терговга қадар текширув давомида олинган ёки суриштирув ёхуд дастлабки терговда тегишли қарор чиқарилмаган бўлса ҳам келгусида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган қадар нарса ва ҳужжатларни ташиш ёки сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни ҳам процессуал ҳаражат тарзида қоплашга асос бўлиб хизмат қиласди. Шуни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси 318-моддаси 5-банди матнидаги "ашёвий далилларни" деган сўзни "нарса ва ҳужжатларни" деган сўзлар билан алмаштириб, "нарса ва ҳужжатларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ ҳаражатлар суммасидан" деган таҳрирда баён этиш таклиф этилади.

Мазкур таклифларнинг амалда жорий этилиши юқоридаги қайд этилган жиноят-процессуал қонунчилиги билан боғлиқ номувофиқликларни бартараф этиш билан биргаликда, жиноят ишларини юритишдаги процессуал ҳаражатлар институтига хос бўлган ҳаражатларни ҳам қамраб олинишига хизмат қиласди.

# 329

-моддалари ҳамда  
Ўзбекистон  
Республикасининг  
"Тезкор-қидирув  
фаолияти  
тўғрисида"ги  
Қонуни (2012 йил 25  
декабрь) талабларини  
амалда тўла татбиқ  
етиш билан боғлиқ  
номувофиқликларни  
келтириб чиқариши  
мумкин.





Ички ишлар органлари томонидан

# ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЕНИДА

фуқароларнинг шахсий  
ҳуқуқлари ва эркинликларини  
таъминлашнинг  
конституциявий-ҳуқуқий  
кафолатлари

**Constitutional and legal guarantees of ensuring the personal rights and freedoms of citizens during the preliminary investigation by internal affairs bodies**



Диёр РУЗИЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ТБ  
бошлиги ўринбосари – Тергов  
қисми бошлиги, подполковник

- **АННОТАЦИЯ.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги нормалар асосида Ички ишлар органларининг дастлабки тергов жарабёнида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қилиш масалалари тизимли равишда илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.
- **КАЛИТ СЎЗЛАР:** Ички ишлар органлари, дастлабки тергов органлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари.
- **ANNOTATION.** In the article, on the basis of the new norms included in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the issues of protection of personal rights and freedoms of citizens during the initial investigation process of internal affairs bodies are systematically analyzed scientifically and practically.
- **KEYWORDS:** Internal affairs bodies, preliminary investigation bodies, human rights and freedoms, personal rights and freedoms of citizens.





амлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – халқимиз учун фаровон ҳаёт ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислоҳотларнинг бош мезони ва олий қадриятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулияти ва устуворлиги таъкидланди<sup>1</sup>.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам, “Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларнинг талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.... Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз....”, деб таъкидлаган<sup>2</sup>.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг биринчи муҳим устувор йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб белгиланиши ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига нечоғлик даражада аҳамият берилаётганлигидан далолат беради<sup>3</sup>.

Айбизлик презумпцияси – бу инсоният цивилизацияси тарихидаги шахс ҳуқуқларига оид энг буюк кафолатdir. Сабаби, айнан ушбу принципга мувофиқ, шахс унинг айби суднинг ҳукми билан аниқлангунига қадар айбисиз ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюция билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 11-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимояси учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбисиз деб ҳисобланишга ҳақлидир”<sup>4</sup> деб белгиланиши, БМТга аъзо бўлган ҳар бир давлатнинг мазкур декларацияни ратификация қилиши ва ўзининг миллий

қонунчилигига имплементация қилиш мажбурияти юклатилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 23-моддасига кўра “гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айборлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбисиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўйланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг

<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон  
<sup>2</sup>. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини катый давом эттирамиз/ <https://president.uz/uz/lists/view/4743>.


<sup>3</sup>. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон  
<sup>4</sup>. БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабр.



фойдасига ҳал қилиниши керак<sup>5</sup> деган норманинг киритилганлиги бежиз эмас албатта.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар натижасида 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда шахснинг даҳлсизлиги ва эркинлигини конституциявий даражада ҳимоя қилиш механизмини яратиш мақсадида Конституциянинг 28-моддасида "Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айборликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин<sup>6</sup> деб белгилаб қўйилганлиги ўринлидир.

Мазкур норма асосида Жиноят процесуал кодексида ҳуқуқий тартибга солиниши билан бир вақтда нима сабабдан, яна такроран Конституция матнида норма тариқасида такрорланаётганлиги хусусида савол туғилиши табиий. Зеро, фуқароларнинг шахсий даҳлсизлигига оид нормаларнинг конституция даражасида мустаҳкамланиши биринчидан, Конституциянинг 15-моддасида белгиланганидек<sup>7</sup>, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиласи ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади, иккинчидан, Конституция содда



**Айбсизлик презумпцияси – бу инсоният цивилизацияси тарихидаги шахс ҳуқуқларига оид энг буюк кафолатdir. Сабаби, айнан ушбу принципга мувофиқ, шахс унинг айби суднинг ҳукми билан аниқлангунига қадар айбсиз ҳисобланади.**

шаклда, барча фуқаролар учун тушуниши осон юридик тилда баён қилинган ҳамда конституцияни ўқувчи аудиторияни кўплиги ва кенг омма ўқиши учун мўлжалланган бўлиб, яъни Жиноят процесуал кодекси аксарият ҳолларда ҳуқуқшунослар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан фойдаланадиган маҳсус юридик терминлар асосида баён қилинганлиги сабабли, оддий фуқаролар ушбу кодексда нормаларни ўқиган тақдирда ҳамда мазмунини тўлиқ тушунмаслиги аниқ, учинчидан, Конституция оддий фуқаролар томонидан сотиб олишда моддий қийинчилик туғдиримайди, ЖПКнинг нархи эса Конституцияга нисбатан тахминан 7-8 баробар қимматлиги ва фуқаролар томонидан сотиб олиш жараёнида моддий қийинчилик туғдириши ҳеч кимга сир эмас.

Айбсизлик презумпциясининг конституциявий даражада янада кенгроқ мустаҳкамланганлиги жамият учун шахснинг шаъни ва қадр-қиммати унинг айби исботидан кўра муҳимлигини англатади. Зеро, дастлабки тергов жараёнида айбсизлик презумпцияси принципига риоя қилмаслик гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини бузилишига олиб келиш билан бир вақтда ички ишлар органлари обрўсига путур етказади, натижада фуқароларда қонунга ва давлатга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади.

Ички ишлар органларининг тергов хизмати ўзининг функциясидан келиб чиқиб, судга шахснинг жиноят содир этганлиги ҳақида ўзининг тусмолинигина тақдим қиласи холос, бироқ ушбу шахс хатто жиноят

<sup>5</sup>. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон;

<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

<sup>7</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон



содир этганида ушланган бўлса ҳам, унинг тўлиқ шаклдаги айблилик масаласи суднинг ҳукми билан аниқланади.

Мазкур норма қонунларимизда конституциявий даражада мустаҳкамланган бўлсада, лекин амалиётда суриштирувчи ва терговчилар томонидан ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Шахсни айби ҳали далиллар билан исботланмаган бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, хусусан, терговчи ва суриштирувчилар гумонланувчига нисбатан баъзи ҳолатларда жиноятчидек муносабатда бўлишади, терговчи айблов нуқтаи назаридан ҳолатга қарайди ва ҳуқуқий баҳо бериш йўналишидан кетади, бу тенденция суриштирув ва тергов амалиётида айрим ҳолатларда кузатилади. Бунинг асосий сабаби эса, айрим суриштирувчи ва терговчиларнинг айбизлик презумциясини мазмун ва моҳиятини тўлақонли равиша тушунмасликлари, уларда ҳуқуқий саводхонликни етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Тергов амалиётда бу сингари муаммоларнинг мавжудлиги, аслида қонун ҳимоячиси бўлиши керак бўлган шахсларнинг айримлари томонидан қонунларга номунофиқ муносабати туфайли жиноят ва уни тергови ҳақида сўз боргандা фуқаролар ичida "Тергов органлariга кунинг тушмасин, тушса тамом, қутула олмайсан, тергов нима деса шуни қилишга мажбур бўласан" деган стереотип фикрлаш кенг тарқалганилиги ҳеч кимга сир эмас.

Тасаввур қилинг, жиноятда

**АЙБИЗЛИК**  
презумциясининг  
конституциявий  
даражада  
янада кенгароқ  
мустаҳкамланганилиги  
жамият учун  
шахснинг шаъни ва  
кадр-қиммати унинг  
айби исботидан  
кўра муҳимлигини  
англатади. Зоро,  
Дастлабки тергов  
жараёнида айбизлик  
презумпцияси  
принципига риоя  
қиласлик гумон  
қилинувчи ва  
айбланувчиларнинг  
ҳуқуклари ва қонуний  
манфаатларини  
бузилишига олиб  
келиш билан  
бир вақтда ички  
ишлар органлари  
обўсига путур  
етказади, натижада  
фуқароларда қонунга  
ва давлатга нисбатан  
ишончизлик пайдо  
бўлади.

гумонланаётган ёки айбланаётган шахс Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида кўрсатилган "Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин" деган ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда терговчи ёки суриштирувчига қараб "Айбдор ёки айбизлигимни исботлашга мажбур эмасман, бу сизнинг мажбуриятингиз!" деб турса. Тан олайлик, бундай вазиятнинг ҳатто тасаввур қилишимиз ҳам қийин. Аслида эса айбизлик презумпцияси ҳар бир шахсга айнан шундай дадил позицияда бўлишни кафолатлади. Зоро, Жиноят процессуал кодексининг гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуклари кўрсатиб ўтилган 46,48-моддаларида "Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас"лиги ваколат берувчи норма тариқасида мустаҳкамланган<sup>8</sup>.

Терговда шахсга айблов терговчи томонидан эълон қилинади, суд муҳокамасида айбловни давлат айбловчиси қўллаб-куватлади. Айнан шунинг учун шахснинг айбли ёки айбизлигини исботлаш мазкур мансабдор шахслар зиммасида. Гумон қилинувчи, айбланувчи исботлаш жараёнида иштирок этишга умуман мажбур эмас. Агар истаса, ушланган вақтдан то ҳукм чиқарилгунга қадар сукут сақлаши мумкин.

<sup>8</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон





Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига асосан ҳар ким ёзишишлари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сирса сақланниши хукуқига эгали, ушибу ҳукукнинг чекланнишига факат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан ўйлайтилиши белгиланганлигини инобатга олиб, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланышлар бўйича ахборот олиши терговчининг (суръиштирувчининг) ваколати сифатидаги белгиланиши, шунингдек, ушибу тергов ҳаракати суднинг санкцияси асосида амалга оширилиши мақсадда мувофиқ бўлади.



Конституцияга киритилган ўзгаришлардан бири 28-модда З-қисмидаги белгилаб қўйилган бўлиб, бу ҳам айбизлиларини презумпцияси билан узвий боғлиқ.

Кўз олдингизга келтириш, одатда шахсга нисбатан жиноят иши бошланганда у оғир руҳий ҳолатга тушади, ўзини йўқотиб қўяди, айнан ана шу пайтда у ўз ҳукуқларини тўлиқ англай олмайди. Ва айнан шундай руҳий ҳолатда оддий инсон айбордлигини исботлаш унинг эмас, тергов органларининг вазифаси эканлигини тушунмасдан ўзига қарши кўрсатмалар бериси афсуски, ҳаётимизда учраб туради.

Яъни, фуқароларнинг ўзлари ҳам Конституцияда белгиланган шахсий ҳукуқ ва эркинликларини билмайди, шахс ўзининг айбизлигини исботлаш бериси шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳукуқидан фойдаланиши мумкинлиги қоидасининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши тергов органлари томонидан шахсни мажбурлаш ёки унга ҳар қандай босим ўтказиш каби салбий ҳолатларидан ҳимоя қиласи.

Айбордликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун кўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Нима учун шахс ҳукуқининг мазкур кафолати муҳим?

Айтайлик, шахс жиноят содир этганликда гумон қилинди, лекин буни бевосита исботлашнинг имкони бўлмади: унинг айблилигини кўрсатувчи билвосита далиллар бор, лекин тўғридан-тўғри айбины исботловчи далиллар мавжуд эмас. Шундай вазиятда қонун айбордликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилинишини кафолатлади. Яъни, "исботланмаган айб – исботланган айбизлилар тенг" деган ҳалқаро стандарт амал қиласи.

Агарда тергов органлари қўрқитиб, зўрлик ишлатиб ёки бошқача усуlda босим ёхуд куч кўллаб, гумонланувчикидан иқрорнома ёздириб олса, судда бу иқрор инобатга олинмайди, яъни номақбул далил деб ётироф этилади, бу ҳам Конституциянинг 29-моддасида "Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга ўйлайтилиши" деб белгилаб қўйилган.

Айнан жиноят процессида шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш масаласи жуда муҳим. Сабаби, айнан жиноят процессида инсонга асоссиз жисмоний ёки руҳий тазиқи ўтказиш ҳавфи катта. Шу сабабдан ҳам, қонун кимгadir эмас, айнан мансабдор шахсларга жиноят процесси иштирокчилари билан ҳар қандай процессуал тартибга зид мулоқот қилишни, яъни ўз ҳокимиётятини ваколатини суиистеъмол қилишни ёки четга чиқишини қатъиян тақиқлади.

Айтиш керакки, суроштирув ва тергов жараённада кўлланилган файриқонуний ҳаракатлар, нафақат қийноқ ва бошқа зўрлик усуулларидан иборат бўлиши мумкин, балки жиноят таъқиб остидаги шахсга нисбатан босим руҳий ва психолого-социални мумкин. Ноқонуний усуулларни кўллаб олинган ҳар қандай далиллардан фойдаланиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95<sup>1</sup> – моддасига кўра, "Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усууллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳукуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳукуқларни чеклаш ўйли билан олинган бўлса, улар далил сифатидаги мақбул эмас деб топилади"<sup>9</sup> деб белгиланган.

Сиз таъкидлаган иқрорлик кўрсатмалари ҳам босим остида олинган бўлса, номақбул далил ҳисобланади ва улардан судда фойдаланиш мумкин эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" ги 24-сон қарорида шундай процессуал талаб амал қиласи, унга биноан агар суд мажлисида масалан, судланувчи терговда унга нисбатан руҳсат берилмаган усууллар кўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаат қиласи, судья бу мурожаатни суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказган ҳолда мажбурий текшириши зарур<sup>10</sup>.

Айнан ана шу кафолатнинг Конституцияда мустаҳкамланиши ҳар қандай бу каби номақбул далиллардан фойдаланишга чек қўяди. Муҳим жиҳати, бунда нафақат ноқонуний усуlda олинган иқрорлик кўрсатмалари, балки уларнинг асосида айбланувчи иштирокида ўтказилган бошқа тергов ҳаракатлари ва уларнинг натижасида олинган




далиллар ҳам ўз юридик кучини йўқотади. Жиноят процессуал кодексининг 95<sup>1</sup>-моддасида номақбул далил сифатида унинг ҳуқуқий оқибатлари кўрсатиб ўтилган.

Конституциядаги яна бир тергов жараёнида фуқароларнинг шахсий ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида янгилик бу Конституциянинг 28-моддаси 4-қисми бўлиб, унда "Хеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас"<sup>11</sup> деб белгиланган, холбуки бу норма муқаддам ЖПКнинг 116-моддасида "гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига таалуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабранувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин"лиги белгилаб берилган<sup>12</sup> бўлсада, эндиликда бу масалага конституция даражасида эътибор қаратилди. Негаки, сўнгги йилларда мамлакатда суд ва тергов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ 515-сон Қонуни қабул қилинди<sup>13</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ислоҳотлар қаторида "жиноят процессида жабранувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш" масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган<sup>14</sup>. Шахс ўзига ва ўз яқин қариндошларига қарши гувоҳлик қилишга мажбур этилиши мумкин эмаслиги қоидасини қатъийлаштириш, унинг аҳамиятини ошириш биринчи навбатда, давлат раҳбари томонидан эътироф этилган ана шу масалани таъминлашга қаратилган.

Мазкур талаб БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт 14-моддаси талабларидан ҳам келиб чиқади. Унга асосан ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбор деб тан олишга мажбур килинmasлик кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йилда қўшилган<sup>15</sup>.

Бу халқаро стандартнинг асосий мақсади – ҳуқуқ тартибот органлари томонидан жиноий таъкиб остидаги шахсни мажбурлаш ёки унга ҳар қандай босим ўтказиш йўли билан унинг иродасига



қарши олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўймаслиkdir. Мазкур кафолатдаги ўз-ўзини айбламаслик ҳуқуқи фақатгина жиноят содир этишда икror бўлишга мажбуrlаш таъкии билан чекланиб қолмайди.

Ўзига ёки яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбуrlash мумкин эмаслиги қоидаси кейинчалик жиноят ишида фойдаланиш мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни тақдим қилишга мажбуrlash ҳам мумкин эмаслигини назарда тутади. Ушбу қоида суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари сўроқ қилишдан олдин шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқи тўғрисида огоҳлантириши лозимлигини ҳам англатади.

Бу норма миллий қонунчилигимизда акс эттирилган ва у ишлаётган бўлса, уни мамлакат бош қонунида акс эттиришга қандай зарурат бор эди деган савол туғилиши мумкин.

Ағсуски, суд-тергов амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, айрим тергов ходимлари фуқароларимиз ўзининг бундай ҳуқуқи борлигини англамаслигидан фойдаланиб, ўз қариндошига нисбатан гувоҳлик бериш-бермаслик шахснинг мутлақо эркинлиги эканлиги ва бу каби гувоҳлик берилсан бош тортish учун жиноий жавобгарлик мавжуд эмаслигини тўлиқ тушунтирмайдилар. Натижада инсонларнинг мазкур ҳуқуқдан амалда реал фойдаланишида муаммолар юзага келади.

Шахснинг ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи ҳар қандай турдаги қийноқлар, таҳдидлар ва мажбуровлар чораларини қўллашни чекловчи инструмент бўлиб хизмат қилади. Мазкур қоиданинг Конституция даражасида белгиланиши эса шахсга кимнингдир хоҳиш-иродаси объекти сифатида муносабатда бўлишга йўл қўйилмаслигини, унинг шахсий ҳаёт даҳлизлиги эса чинакам конституциявий кафолат эканлигини мустаҳкамлайди. Янги нормалар тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Мұхтасар қилиб айтиш мумкинки, "Хабеас корпус институти", "Миранда қоидалари", жумладан фуқарони сукут сақлаш ҳуқуқи ва айбисзлик презумпцияси каби шахсий ҳуқуқларини конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги ижобий ҳолат деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

<sup>9</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

<sup>10</sup> <https://lex.uz/docs/3895986>

<sup>11</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

<sup>12</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон,

<sup>13</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон

<sup>14</sup> Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-I-сонли «1966 йил 16 декабря гуфаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги карори.



**Мухсинжон СУЛТОНОВ,**  
Ички ишлар вазирлиги  
Тезкор-қидириув  
департаменти  
Киберхавфсизлик маркази  
бошлигининг ўринбосари

**Muxsinjon SULTONOV,**  
Deputy Head of the  
Cybersecurity Center of the  
Operational-Investigation  
Department of the Ministry of  
Internal Affairs

**Бахтиёржон МУРОДОВ,**  
Ички ишлар вазирлиги  
Академияси "Дастлабки  
тергов ва криминалистика"  
кафедраси бошлиғи, юридик  
фанлари доктори, профессор

**Bakhtiyorjon MURODOV,**  
Head of the Department of  
"Preliminary Investigation and  
Criminalistics" Academy of the  
Ministry of Internal Affairs Doctor  
of Law, professor

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ БАНК КАРТАЛАРИДАГИ

# ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАНЛИК

БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАР БҮЙИЧА ТЕРГОВГА  
ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

## PROCEDURE FOR INVESTIGATION OF MONEY AMOUNTS ON BANK CARDS USING INFORMATION TECHNOLOGIES BEFORE THE INVESTIGATION OF CASES RELATED TO THE ROBBERY

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада ахборот технологияларидан фойдаланиб фуқароларнинг банк карталаридағи пул маблағларини талон-торож қилингандығы юзасидан мурожаатлари мисолида терговга қадар текширув ўтказиш тартиби күриб чиқылған. Шунингдек, сұров вә мәйлумоттар түпласпайтынан талон-торож қилингандығын текширув тәжірибелерінен анықтауда да маңыздырылады. Ахборот технологияларынан пул маблағларини талон-торож қилингандығын текширув тәжірибелерінен анықтауда да маңыздырылады.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** ахборот технологиялари, талон-торож, банк картаси, терговга қадар текширув, тезкор-қидириув фаолияти, мобил илова.

**ANNOTATION:** In the article, examines the procedure of investigation before the investigation using information technologies on the example of citizens' appeals regarding the robbery of money on their bank cards. Also, the description of the activities that should be carried out in order to carry out the survey and data collection operations has been highlighted.

**KEYWORDS:** information technology, robbery, bank card, pre-trial investigation, search operation, mobile application.



уқаронинг банк картасидаги пул маблағлари талон-торож қилинганлиги тўғрисида келиб тушган мурожаат рўйхатга олинганидан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шаҳсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни [1] ва Жиноят-процессуал кодекси [2] (кейинги ўринларда - ЖПК) талаблари асосида кўриб чиқилади.

Теровга қадар текширув органининг масъул ходими (кейинги ўринларда – масъул ходим) келиб тушган мурожаат бўйича терговга қадар текширув ўтказади. Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш давомида терговга қадар текширув мuddати 10 сутка бўлиб, алоҳида ҳолларда, ЖПКнинг 329-моддаси З-қисмида кўрсатилган ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда терговга қадар текшируvни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Банк карталаридаги пул маблағларини талон-торож қилинганлиги билан боғлиқ мурожаатларни ўрганиш давомида, масъул ходим томонидан дастлаб қўйидаги терговга қадар текшируv билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказиш лозим бўлади:

- жабрланувчининг аризаси асосида мижоз банки орқали банк картадан ечилган пул транзакцияси олинади ва шубҳали пул ўтказмаси амалга оширилган вақт алоҳида ажратиб кўрсатилади;
- дастлабки олинган транзакциядан йўқолган пул қайси тўлов ташкилоти орқали қайси ҳисобга ўтказилганлиги

аниқланади;

- жабрланувчи ички ишлар органлари биносига таклиф этилиб, банк картасидаги пулларнинг йўқолиши бўйича батафсил суҳбат ўтказилади ва тушунтириш хати олинади;

- жабрланувчининг телефон қурилмасидаги фойдаланган мобил банк иловалари (мижоз банки ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари) кўздан кечирилади;


- банк картаси транзакциясида йўқолган пул ўтказмаси амалга оширилган тўлов ташкилоти мобил иловасидан жабрланувчи фойдаланиши тўғрисида маълумот олинади;

- жабрланувчи ушбу мобил иловадан фойдаланмаган ва иловада банк картани рўйхатдан ўтказмаган бўлса, ушбу ҳолатда ўзини иштирокида телефон қурилмасига пул ўтказмаси амалга оширилган мобил илова ўрнатилади;

- ўрнатилган мобил илованинг “ҳисботлар” бўлимида пул йўқолган банк карта тарихи текширилиб, транзакция “ID” рақами ва қабул қилувчи ҳисоб рақами тўғрисида мавжуд маълумотлар олинади;

- тўлов ташкилоти мобил иловасининг “ҳавфиззлик” бўлимига кириб, ундан “ишончли қурилмалар” саҳифаси текширилади. Агарда банк картаси эгасининг қурилмасидан ташқари бошқа нотаниш қурилмалар мавжуд бўлса, ушбу қурилманинг номи ва фойдаланиш вақтлари тўғрисидаги маълумотлар олинади (1-расм);

- юқоридаги ҳар бир ҳаракатлар холислар иштирокида кўздан кечириш баённомасида акс эттирилади.



1-расм: Тұлов ташкилоти мобил иловасида "бегона курилма"ни аниқлаш ("Click Evolution" мобил иловаси мисолида)

Жабрланувчи үз тушунтириш хатида, унга номағым шахс құнғироқ қилиб, телефон қурилмасига келган "SMS-хабар"даги махфий рақамларни турли баҳоналар билан сұраб олған бўлса, қуйидаги терговга қадар текширув ҳаракатларни олиб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- жабрланувчи томонидан у мижоз бўлган уяли алоқа компаниясидан (Beeline, MobiUz, Ucell, Humans ва бошқ.) фойдаланувидаги абонент рақамини ўтган давр учун кириш-чиқиш құнғироқлари, "SMS" хабарлари тарихи (детализация) олинади ёки мобил илова ёрдамида керакли бўлган вақт оралиғи текширилади;

- аксарият уяли алоқа компанияларининг мобил иловалари бир хил тузилишга эга. Мобил иловада жабрланувчи абонент рақамини рўйхатдан ўтказганидан сўнг, "асосий меню"даги "харажатлар" бўлимiga кирилади ва у ердан "детализация"ни юклаб олиш мумкин (2-расм).


Жабрланувчининг абонент рақами "ҳисоб детализация"си таҳлил қилинади ва пул йўқолган вақт оралиғида абонент рақамига тижорат банклари ёки тұлов ташкилотининг биридан "SMS" хабар келган аниқ вақт тўғрисида маълумот олинади. Вақт аниқ бўлганидан сўнг, ундан олдинги киравчى құнғироқлар фильтрдан ўтказилади. Аниқланган абонент рақами, яъни фирибгар құнғироқни амалга оширган рақам тармоқда фаоллиги ва ким фойдаланиши тўғрисида маълумот тўпланади.

Шунингдек, фирибгар SIP-рақам орқали құнғироқни амалга оширган бўлиши мумкинлиги ҳам ўрганиб чиқлади.

Шундан сўнг, аниқланган дастлабки маълумотлар асосида "банк сирини ташкил этувчи маълумот"ларни олишга қаратилган маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирини ўтказилади.

Тадбирни ўтказиш учун асос бўладиган қарор (материаллар) Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 21-моддасига асосан, тезкор-қидирув фаолиятими амалга оширувчи ва бундай тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган орган жойлашган ҳудуддаги прокурор ёки алоҳида ҳолларда тадбир ўтказилаётган жойдаги прокурор томонидан кўриб чиқарилади. Прокурор кўриб чиқиш натижалари бўйича тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш учун санкция беради.

Санкция берилган тезкор-қидирув тадбири ўтказиш тўғрисидаги қарорга асосан, дастлаб жабрланувчининг банк картасидаги пуллар йўналтирилган ҳисоб рақамларини аниқлаш мақсадида, банк карта тури ("UzCard" ёки "HUMO") бўйича тұлов тизими операторларидан бирига сўров хати юборилади.



2-расм: Мобил иловадаги "асосий меню" кўрининиши ("Beeline" компанияси мисолида)



Номер карта	Exp_date	Номер телефона	ФИО	Тип карты	Паспорт номер	APP_ID	Статус	Адресс
8600 179	2027/01	+998(9)	MASLOMOV O. L.	Сумовая зарплатная пластиковая карточка физического лица	A	901401357315	CREF3	2 BONDI
CARDNUMBERS	UDATE	TIME	TTYPE	BALANCE	ADDRESS	MERCHANTID	TERMINALID	
8600 179	17.03.2022	12:05:09	785	3262479,22	P2P U2U BEEPUL-SAYILGOH 7B	90640000377	92300782	
8600.1	17.03.2022	11:40:45	785	2757479,22	P2P U2U BEEPUL-SAYILGOH 7B	90640000377	92300782	
8600.1	17.03.2022	10:43:45	785	1812479,22	P2P U2U BEEPUL-SAYILGOH 7B	90640000377	92300782	
8600.1	17.03.2022	10:41:52	785	1297479,22	P2P U2U BEEPUL-SAYILGOH 7B	90640000377	92300782	
8600.1	17.03.2022	9:47:14	683	207479,22	DAVR MOBILE PAYNET TULOVISHAYXONTOHUR TUMANI ZARQAYNAR B	90510015698	92902122	

З-расм: Тўлов тизими операторлари томонидан тақдим этилган маълумотдаги асосий реквизитлар

Тўлов тизими операторларидан келган сўров хати жавобида қўйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши мумкин:

1) жабрланувчининг банк картасидан ечишган пул тушган карта рақами, амал қилиш вақти, қандай мақсадда очилганлиги, ҳолати;

2) банк карта эгаси: исм-шарифи, паспорт серияси, рўйхатдан ўтган манзили;

3) банк карта боғланган абонент рақами (SMS-хабарнома хизмати уланган);

4) пул операциялари тарихи (транзакцияси) –

Бунда, транзакция:

- вақти (йил – ой – кун – соат – дақиқа – сония);

- тури (TTYPE);

- манзили;

- картадаги пул қолдиғи;

- пулни қабул қилувчи компания (савдогар) идентификатор рақами (Merchant ID);

- терминал идентификатор рақами (Terminal ID) ва бошқа маълумотлар таҳлил қилиш лозим (З-расм).

Тўлов тизими операторлари томонидан тақдим этилган транзакция тури (TTYPE) да кўрсатилган сонлар банк картасидаги пулни қандай сарфланганлигини (мисол учун: 785 – P2P орқали картадан бошқа карта пул ўтказиш, 683 – EPOS - автоматлаштирилган виртуал кассада пулни нақдлаштириш, 700 – банкомат орқали нақд пул олиш) англатади.

Тўлов тизими операторларидан олинган маълумотлар таҳлилига кўра, пул ўтказмалари амалга

оширилган мобил илова тегишли тўлов ташкилотига сўров хати юборилади.

Сўров хати асосида тўлов ташкилотидан олинган маълумотларни синчковлик билан ўрганиш лозим. Чунки, фирибгар жабрланувчидан алдов йўли билан олган "SMS" хабардаги "маҳфий рақам"ларни кўлга киритганидан сўнг, жабрланувчининг банк картасини исталган мобил банк иловасига боғлаган ҳолда фойдаланишини инобатга олиб, юқорида айтиб ўтилган "ишончли қурилмалар" бўлимидаги "бегона қурилма" ҳақидаги маълумот худди шу жавоб ҳатида кўрсатилган бўлиши мумкин.

Тўлов ташкилотидан олинган маълумотда одатда:

- тўлов ташкилотига тегишли мобил иловадан фойдаланган фаол қурилмалар (IMEI коди, MAC манзили);

- иловада рўйхатдан ўтган абонент рақами;

- мобил иловага уланиш ва фойдаланишдаги IP-манзиллари кўрсатилади.

Қурилмалар (телефон, планшет, ноутбук ва бошқа) IMEI-кодлари ва MAC-манзиллари, абонент рақамлари ҳамда IP-манзиллар бўйича тўлиқ маълумотлар

олиш бўйича бошқа тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиши мумкин.

Банк сирига оид маълумотларни тўплаш учун ўрнатилган тартибда юборилган сўров хатига асосан келиб тушган жавоб маълумотлари, банк сирига оид бошқа маълумотлар таҳлилига таянган ҳолда банк карта маблағларини талон-торож қилганиликда гумондорнинг шахсига аниқлик киритилади. Шу тариқа, иш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишилигига кўра тергов органларига тақдим этилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ахборот технологияларидан фойдаланиб фуқароларнинг банк карталардаги пул маблағларни талон-торож қилинганилиги билан боғлиқ мурожаатлар юзасидан терговолди текширув ҳаракатларини сифатли ўтказилиши орқали ушбу мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиб, ички ишлар органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш, инсон қадри устиворлигини таъминланишига, унинг мулкий ҳуқуқлари кафолатланганлигига ишончини оширишга хизмат қиласи.

### ИКТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган « Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида (яңги таҳрири)»ги ЎРҚ-445-сонли Конуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.



# ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СОТРУДНИКОВ СЛЕДСТВЕННЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПОСРЕДСТВОМ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ




Адхамжон АБДУЛЛАЕВ,  
Старший следователь  
Следственного департамента  
при МВД Республики Узбекистан

**АННОТАЦИЯ.** Упрощение предварительного следствия в Узбекистане может быть достигнуто путем внедрения современных информационных систем, автоматизирующих процессы сбора, анализа, обмена данными и переходом к электронному судопроизводству. Внедрение информационных систем повысит эффективность работы и улучшит координацию между различными структурами правопорядка. Автор анализируя положительные аспекты цифровизации досудебного производства, имеющиеся информационные системы их проблемы и предлагает пути совершенствования посредством изменения имеющихся и внедрением новых баз данных.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Цифровизация досудебного процесса, система Электронного дознания и предварительного следствия, электронный документооборот в предварительном следствии, внедрение информационных систем в уголовный процесс.

**ANNOTATION.** Simplification of the preliminary investigation in Uzbekistan can be achieved through the introduction of modern information systems that automate the processes of collection, analysis, data exchange and transfer to electronic legal proceedings. The introduction of information systems will increase operational efficiency and improve coordination between various law enforcement agencies. The author analyzes the positive aspects of digitalization of pre-trial proceedings, existing information systems, their problems and suggests ways to improve by changing existing ones and introducing new databases.

**KEY WORDS:** Digitalization of the pre-trial process, system of Electronic inquiry and preliminary investigation, electronic document flow in the preliminary investigation, implementation of information systems in criminal proceedings..





**О**чевидно, что глобализация и цифровизация является двигателем развитием не только для экономики и науки мирового сообщества, но также создают возможность для разработки современных механизмов, путей и способов совершения преступлений, в том числе с использованием информационных технологий.

В Узбекистане, как и в мире в целом меняется характер преступности – она приобретает новые качества: техническую вооруженность, криминальный профессионализм, транснациональность. Внедрение сетевых технологий управления общественными и производственными процессами в условиях децентрализации информационных систем, с одной стороны это переход социальной активности в цифровую среду, а с другой, способствуют появлению новых способов совершения преступлений, сопряженных с применением информационных технологий.

В тот период, когда почти половина преступлений во всем мире совершается путем применения информационных технологий, отсутствие цифровизации предварительного следствия говорит об отставании досудебного производства от механизмов современного правосудия, так как только цифровизация может улучшить эффективность, сократить время расследования и повысить доступность правосудия.

Внедрение цифровых технологий и переход социальных отношений в «цифровую плоскость» – это неизбежность, диктуемая развивающимися технологиями и растущим в геометрической прогрессии объемом информации, обработать и проанализировать которую человеческий мозг не в силах<sup>1</sup>. Безусловно, трансформация любых процессов влечет за собой определенные проблемы и трудности, для решения которых необходимо детально изучить основные направления происходящих изменений. Ни один механизм не будет эффективно работать до тех пор, пока он не будет апробирован на практике.

Сегодня, благодаря большому вниманию цифровизации деятельности государственных органов, в том числе и Министерства внутренних дел, у сотрудников, осуществляющих досудебное расследование, имеется возможность пользоваться информационными системами как, "E-material", "Уголовно-правовая статистика"<sup>2</sup>, "Электронное дознание и предварительное следствие"<sup>3</sup>.

Если обратиться к мнению ученых относительно внедрения электронного формата уголовного дела ряд ученых

(О.В. Качалова, Ю.А. Цветков) считают, что одним из универсальных инструментов совершенствования уголовного процесса может стать переход от бумажного к электронному уголовному делу<sup>4</sup>.

О.А. Зайцев пишет, что «модернизацией действующего уголовно-процессуального законодательства, является поэтапный переход от письменной формы к электронному уголовному делу, позволяющему осуществлять взаимодействие между участниками процесса по формату «paper-free» (без бумажного документооборота)<sup>5</sup>. Соглашаясь с мнением О.А. Зайцева хочу отметить, что резкий переход от бумажной формы в цифровую среду могут вовлечь на себя серьёзные последствия, такие как понижение эффективности деятельности следователей (хотя и в первое время), недостаточную законодательную основу, а также технические аспекты.

С. В. Зуев справедливо указал, что «оно удобно, компактно, мобильно, легко управляемо». На сегодняшний день в зарубежных странах: Австрийской Республике, Саудовской Аравии, Федеративной Республике Германия, Южной Корее, Сингапуре, электронный формат производства по уголовному делу уже предусмотрен. Стоит отметить, что среди стран СНГ лидирующую позицию по цифровизации уголовного судопроизводства занимает Республика Казахстан<sup>6</sup>.

Как было уже вышесказано ни один механизм не будет эффективно работать до тех пока его не испробуют на практике. Так и проведенный анализ по использованию информационных систем следственными подразделениями ОВД показывает на некоторые технические проблемы по их установке в служебные компьютеры сотрудников, так же недостаточную осведомленность дознавателей и следователей о действующих системах и их возможностях, также возникла необходимость интеграции новых баз данных для сбора и анализа в рамках доследственной проверки или расследования уголовных дел.

В Узбекистане новым этапом технического прогресса в системе следственных органов Республики Узбекистан стало внедрении Единой информационной системы «Электронное дознание и предварительное следствие» предусматривающий оперативный обмен информацией между государственными органами, возможностью назначение экспертиз, установление и снятие запретов на имущество, отправки почты.

Данная система имеет электронный документооборот более чем с 30 министерствами и ведомствами, а



благодаря интеграции 60 информационных баз данных организаций, следователи могут осуществлять сбор данных необходимых при расследовании преступлений в режиме реального времени.

Но в виду развития и цифровизации министерств и ведомств появилась возможность в расширении возможностей Единой следственной информационной системы.

К примеру на мой взгляд к имеющимся информационным системам Электронного дознания и предварительного следствия можно интегрировать также информационные системы Главного управления миграции и оформления гражданства МВД Республики Узбекистан как E-mehmon, "Паспорт-виза", информационные системы Главного экспертно-криминалистического центра системы Бюро принудительного исполнения, базы транспортных средств Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом и Министерства по чрезвычайным ситуациям, а также системы Министерство высшего образования, науки и инноваций.

Применив некоторые правовые и организационные меры, уже в ближайшей перспективе можно будет использовать систему Электронного дознания и предварительного следствия в качестве плацдарма к электронному уголовному делу, тем самым осуществлять действенный контроль за качеством и законностью его проведения, сокращением сроков получения различных согласований с руководителями следственных подразделений, прокурорами, судами, а также проведения экспертиз, что в конечном счете положительно повлияет на сроки расследования.

Одним из стимулов перехода к электронным уголовным делам для государства является то, что на практике должностные лица сталкиваются со многими проблемами, связанными с временными затратами, расходованием бюджетных средств при расследовании уголовных дел, формируемых на бумажных носителях. Так, по обвинению фигурантов уголовного дела "Автом 60 ой" уголовное дело составило 996 тома, только обвинительное заключение которого вышла на 10000 листов.

Вопрос, целесообразно ли тратить такое количество финансовых и материально-технических средств? Думается, что при создании электронного уголовного дела следует предоставить доступ стороне защиты для ознакомления с материалами уголовного дела с учетом ряда ограничений.

К ним следует отнести запреты на редактирование, удаление либо внесение иных изменений в представленные обвиняемому и его защитнику для ознакомления с процессуальными документами.

На сегодняшний день одним из важнейших направлений, способных обеспечить качественный рост эффективности работы следователей и дознавателей, выступает своевременное внедрение цифровых технологий в уголовное судопроизводство. Наличие электронного формата уголовного дела решило бы следующие задачи:

- сокращение расходных материалов (бумага, картриджи, расходы, связанные с доставкой материалов уголовного дела в органы прокуратуры, судебные органы);
- экономия трудовых ресурсов за счет облегчения труда субъектов и участников уголовного судопроизводства;
- направление уголовного дела по подследственности и его принятие к производству режиме онлайн, то есть без потерь крайне сжатых процессуальных сроков на пересылку почтовым отправлением;
- поиск необходимых документов в значительно более короткие сроки (лицо, осуществляющее предварительное расследование, а также прокурор, осуществляющий надзор, смогут в любое время зайти в программу и отыскать необходимые процессуальные документы);
- неограниченный по времени мониторинг со стороны надзирающего прокурора за материалами сообщений о преступлениях и уголовных дел;
- сокращение времени ознакомления с материалами уголовного дела участников уголовного судопроизводства со стороны защиты;
- качественное улучшение взаимодействия с федеральными



“

**Вопрос, целесообразно ли тратить такое количество финансовых и материально-технических средств?**  
**Думается, что при создании электронного уголовного дела следует предоставить доступ стороне защиты для ознакомления с материалами уголовного дела с учетом ряда ограничений.**



органами государственной власти посредством системы межведомственного электронного взаимодействия, что подразумевает возможность получения моментального ответа на запрос, направленный в любое министерство, службу или агентство, а также в их территориальные органы;

– повышение защищенности материалов уголовного дела от несанкционированного доступа к ним путем предоставления права просмотра и создания процессуальных документов только авторизованным и уполномоченным должностным лицам. Наша позиция относительно внедрения электронного формата уголовного дела полностью совпадает с позициями вышеупомянутых авторов.

И все же, несмотря на проблемные вопросы и некоторые трудности, представляется, что цифровизация национального уголовного судопроизводства продолжит свое развитие, и электронное уголовное дело в скором времени займет должное место, что позволит в определенной степени сократить время расследования преступлений, упростит процедуру передачи уголовного дела прокурору и в суд для рассмотрения по существу. Определенные предпосылки для этого уже имеются.

Переходу на электронному уголовному делу

должен предшествовать перевод на цифровой носитель материалов, рассматриваемых судами при избрании мер пресечения, ходатайств о судебном санкционировании тех или иных следственных действий, совершение которых возможно исключительно с разрешения суда. Суд со своей стороны уже полностью имеет такую возможность и готов интегрировать свою систему с правоохранительными органами. Переход получения санкций в электронную сферу позволит в течение достаточно незначительного времени выработать основной алгоритм действий для всех участников уголовного процесса, выявить слабые стороны и принять меры к их устраниению, чтобы дальнейший переход на всеобщее электронное уголовное не вызывал дополнительных сложностей.

## СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

<sup>1</sup> Рамалданов Х.Х. Понятие и сущность цифровизации доказательств и доказывания в уголовном судопроизводстве // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2022. № 1 (60). С. 121–128.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан “О мерах по коренному совершенствованию системы уголовно-правовой статистики и повышению эффективности системного анализа преступлений”, от 31.10.2018 г. № УП-5566.

<sup>3</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по внедрению единой системы межведомственного электронного взаимодействия в досудебном производстве” от 28.01.2022 г. № ПП-105.

<sup>4</sup> Качалова О. В., Цветков Ю. А. Электронное уголовное дело — инструмент модернизации уголовного судопроизводства // Российское правосудие. 2015. № 2 (106). С. 95–101.

<sup>5</sup> Зайцев О. А. Основные направления развития уголовно-процессуального законодательства в условиях цифровизации // Вестник Московского университета МВД России. 2020. № 3. С. 18–20.

<sup>6</sup> Бахтеев Д. В., Задорожная В. А., Зазулин А. И. Информационные технологии в уголовном процессе зарубежных стран. Москва : Юрлитинформ, 2020. 216 с.





Фарход БОБОМУРОДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети мустақил изланувчиси, ю.ф.б.ф.д.(PhD),  
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ташкилий  
бошқарма Ягона тезкор бошқарув маркази масъул ходими,  
подполковник



# TEZKOR-QIDIRUV

FAOLIYATIDAGI  
IJTIMOIY-HUQUQIY  
MUNOSABATLARNING  
ILMIY TAHLILI

## SCIENTIFIC ANALYSIS OF SOCIO-LEGAL RELATIONS IN OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES

→ **ANNOTATSIYA.** Maqlolada tezkor-qidiruv faoliyatidagi ijtimoiy-huquqiy munosabatlar tushunchasini ilmiy tahlil qilish asosida TQF ishtirochilar uch guruhga ajratilgan. Huquqshunos olimlarning fikrlari bilan ilmiy bahsga kirishib, "tezkor-qidiruv munosabatlari" tushunchasiga ilmiy-nazariy ta'rif ishlab chiqilgan.

**KALIT SO'ZLAR:** ijtimoiy-huquqiy munosabat, TQF ishtirochilar, tasnid, organ xodimi, xatti-harakat, kontrol, nazorat.

→ **ANNOTATION.** On the basis of scientific analysis of the concept of operational-search activity, social-legal relations in the article, OSA participants are divided into three groups. Having entered into a scientific dispute with the opinions of legal scholars, a scientific-theoretical definition of the concept of "quick-search relations" has been developed.

→ **KEYWORDS:** socio-legal relations, OSA participants, classification, body employee, behavior, control, supervision.



**T**ezkor-qidiruv faoliyatida (keyingi o'rnlarda TQF deb yuritiladi) inson huqq va erkinliklari ta'minlashda, barcha TQF ishtirokchilari (tomonlar)ning qonuniy manfaatlarini himoya qilish lozim. Faqat jinoyatni sodir etishda gumonlanayotgan, jabrlangan, guvohlarning huqq va manfatlarini himoya qilish emas balkim, davlat organi mansabdar shaxsi (tezkor xodim) ning ham qonuniy manfaatlarini himoya qilinishi nazarda tutilladi. Jinoyatni fosh etishga mas'ul bo'lgan xodimlar qonuniy choralarini ko'rish asosida gumondor va uning qilmishini isbotlovchi zarur daliliy ashyolarni topib, to'plangan protsessual hujjatlarni tergov organiga taqdim etadi. Aybdor shaxsning javobgarlikdan qutilib qolishni istashi yoki boshqa sub'ektiv (shaxsiy adovat b.) omillarga ko'ra, jinoyatni fosh etgan xodimga ni'sbatan turli tazyiqlar, noqonuniy harakatlar sodir etilishi amaliyotda uchrab turadi. Masalan, provokatsion harakat bilan xodimga uydurma tuhmat uyuştirish, lavozimini pasaytirish yoki boshqa xizmatga o'tkazish va boshq. Shuningdek, ushbu xodimlarning ish yuklamasining ko'pligi, ish vaqtining davomiylik chegarasi bo'yicha mehnat qonunchiligiga riyo qilinmasligi kabi holatlar respublikamizning barcha hududlarida kuzatish mumkin.

TQFdha inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlash uchun birinchi navbatda huqq va erkinliklari ta'minlanishi lozim bo'lgan shaxslarning ro'yxatini belgilab olish lozim. Mazkur shaxslarni ro'yxatini qo'yidagicha: TQFdha ishtirok etayotgan tezkor-qiziqish uyg'otayotgan shaxslar (jinoyatni sodir etishni niyat qilgan, rejalashtirayotgan, tayyorlanayotgan, gumonlangan shaxslar); TQFn ni amalga oshirishda ishtirok etuvchi mansabdar shaxslar (tezkor xodim va TQF organ rahbari; advokat; surishitiruvchi; tergovchi; prokuror; sud.); TQFn ni amalga oshirishda ko'maklashadigan shaxslar (TQFga oshkora va nooshkora ko'maklashuvchi fuqarolar; jabrlanuvchi; guvoh; ekspert; mutaxassis; xolislar) kabi uch guruhgta tasniflanishi lozim. TQFnning ushbu tasnifining shakllantirilishi TQFdha inson huquqlari, erkinliklarni va qonuniy manfaatlari ta'minlanishi shart bo'lgan shaxslar haqida aniq tasavvur hosil qilishga, bu yo'nalishda maqsad va vazifalarni belgilab olinishiga imkoniyat yaratadi.

TQFdha inson huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlashda uch guruhga ajratilgan

TQFn ishtirokchilari orasida asosan ikkinchi guruhga kiritilgan tezkor xodimlar va TQF organ rahbari, boshqa ishtirokchilar bilan ijtimoiy-huquqiy munosabatlarga kirishadi. Aynan ushbu munosabatlarga kirishishda sohaga oid normativ-huquqiy hujjatlarga amal qilinishi zarur. TQF sohasidagi ijtimoiy-huquqiy munosabatlar va ularni huquqiy tartibga solinishi haqida fikr bildirishda, "ijtimoiy", "huquqiy" va "ijtimoiy-huquqiy munosabatlar" kabi tushunchalarning mazmun-mohiyatini bilishimiz muhimdir.

Davlat va huqq nazariyasi fanidan ma'lumki, huquqiy munosabatlar tushunchasi fanda alohida kategoriya, institut sifatida o'rganilib, huquqiy munosabatlarning tayanchi, ijtimoiy munosabatlarga asoslanadi. Ijtimoiy munosabatlarning muayyan qismi huquq normalari bilan tartibga solinib, ularga barqaror, izchillik, maqsad sari yo'naltirilganlik xususiyatlarini baxsh etib turadi. Ijtimoiy munosabatlarning huquq normalari yordamida tartibga solinadigan qismi huquqiy munosabatlarni tashkil qiladi [23, B.43-48; 6, B.307-322; 22, B.182-185].

Professor X.T. Odilqoriev fikricha: "huquqiy



munosabatlar deganda sub'ektiv huquq va yuridik majburiyatlar bilan o'zaro bog'liq bo'lgan shaxslar o'rtasidagi huquq normalari va muayyan yuridik faktlar natijasida yuzaga keladi" deb hisoblaydi[19, B.292-296; 7, B.90-93]. Izohli lug'atda "ijtimoiy" atamasi arabcha so'zdan olingan jamoa, jamiyatga oid [33, 177-b]; "huquqiy" atamasi, arabcha so'zdan olingan huquqqa, odillik va adolatga oid[34, 569-b]. ma'nolarda qo'llanilishi, IIOlari TQF jarayonidagi turli ijtimoiy-huquqiy munosabatlar asosan inson bilan inson o'rtasida hamda inson bilan davlat o'rtasidagi munosabatlardan iborat ekani haqida tushuncha va tasavvurga ega bo'lishga undaydi, qolaversa, IIOlari TQF jarayonida huquqiy munosabatlar TQF ishtirokchilarining hatti-harakati qonun-qoidalar asosida amalga oshirilishini belgilaydi. Xo'sh, IIOlari TQFdagi ijtimoiy-huquqiy munosabatlar qachondan yuzaga keladi. Birinchidan, TQFning ishtirokchisi sifatida jismoniy shaxslar hamda vakolatli davlat organining xodimlari o'rtasidagi muayyan munosabatda, masalan, IIOlarining tezkor xodimlari O'zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessul kodeksi hamda "Tezkor-qidiruv faoliyati to'g'risida"gi qonunida nazarda tutilgan jinoyatchilikka qarshi kurashish bilan bog'liq vazifalarni samarali hal etishda tezkor-qiziqish uyg'otuvchi shaxslar bilan muloqotga kirishib, maxsus suhbat – so'rov va ma'lumotlar to'plash hamda boshqa tezkor-qidiruv tadbirlarini o'tkazishda; ikkinchidan, TQFni amalga oshiruvchi sub'ektlar jismoniy shaxsni jalg etishda yoki ular

bilan hamkorlikda jinoyatchilikka qarshi kurashishda ijobjiy natijaga erishilganda ularni munosib tarzda qo'llab-quvvatlashda masalan, TQFni amalga oshiruvchi organ xodimi va unga faol yordam bergan fuqaroni moddiy va ma'naviy jihatdan rag'batlantirish bilan bog'liq holatlarda yuzaga keladi. TQFda yuzaga keladigan ijtimoiy-huquqiy munosabatlarni ayrim huquqshunos olim, mutaxassislar ushbu faoliyatning kategoriyasi, huquqni soha(tarmoq)lari bilan bog'liqligini ta'kidlashadi. Jumladan, M.A.Utaevni fikricha: "TQFda ijtimoiy-huquqiy munosabatlar faoliyatning qonuniy asosda tashkil etishlishi ya'ni, sohaning maqsadi va vazifalari; asosiy prinsiplari; kuch va vositalaridan to'g'ri foydalanish; tezkor-qidiruv tadbirlarni o'tkazish asoslari shartlariga rioya qilinishida yuzaga keladi"[27, B.39-43] deb ta'kidlaydi. Bunda TQFni amalga oshiruvchi xodimlar qonunga og'ishmay amal qilishi, shaxs huquq va erkinliklarini poymol etmaslik, ijtimoiy munosabatga kirishishni asosiy sharti bo'lishi lozim.

G.N.Vasilenko, N.Izotova, V.Karimov, E.V.Kuznetsovlarining fikricha: "TQFda ijtimoiy-huquqiy munosabatlar huquq tarmog'ining jinoiy-huquqiy va ma'muriy-huquqiy munosabatlari bilan bog'liqligini ya'ni, TQF sohasida jinoiy-huquqiy munosabatlar, TQF ishtirokchilari ya'ni, tezkor xodim va ko'maklashuvchi fuqaro jinoyat qonunchiligi normalarida nazarda tutilgan harakat yoki harakatsizlikni sodir etishi natijasida yuzaga kelishini, ichki ishlar organlari TQFda ma'muriy-huquqiy munosabatlar o'ziga xos sharti va tabiatiga ega bo'lib, jinoyatchilikka qarshi kurashda dastlabki tezkor-qidiruv tadbirlarni amalga oshirishda ma'muriy-huquqiy munosabatlar tayanch hisoblanishi, ichki ishlar organlari TQF ob'ektining aksariyati qismi ma'muriy-huquqiy munosabatlar (masalan,

**TQFDA INSON HUQUQLARI VA ERKINLIKLERINI TA'MINLASHDA TEZKOR VAKILLAR BIRINCHIDAN, MA'MURIY HUQUQBUZARLIK BILAN JINOYATNING CHERASINI BELGILAB OLISHI; IKKINCHIDAN, TQFGA KO'MAKLASHUVCHI FUQAROLARNI HUQUQBUZARLIK SODIR ETISHGA, PROVAKATSION HARAKATLARGA JALB ETMASLIGI TALAB ETILADI.**

giyohvandlik vositalarini, ularning analoglarini yoki psixotrop moddalarni oz miqdorda g'ayriqonuniy ravishda tayyorlash, olish, saqlash, tashish yoki jo'natish; o'zganing mulkini oz miqdorda talon-toroj qilish)dan kelib chiqishi, shu bois har doim IIOlari TQF sohasidagi ma'muriy-huquqiy munosabatlar, ma'muriy-huquqiy normalarni yakka tartibda qo'llash orqali TQF vazifasini hal etishning ilk mexanizmini tartibga solinishini" [2; 10; 11, B.75-76; 16, B.269-272] ta'kidlaydilar. Albatta, TQFda jinoiy-huquqiy hamda ma'muriy-huquqiy munosabatlarning o'rni beqiyos. TQFda inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlashda tezkor vakillar birinchidan, ma'muriy huquqbuzarlik bilan jinoyatning cherasini belgilab olishi; ikkinchidan,



TQFga ko'maklashuvchi fuqarolarni huquqbuzarlik sodir etishga, provakatsion harakatlarga jalb etmasligi talab etiladi.

A.L.Aganasyan, A.E.Vlytovtov, I.F.Gaskarov, T.V.Zelenskaya, M.P.Kotuxov, D.M.Klyonov, A.YU. Kozlovskiy, S.L.Mirolyubov, E.X.Pashaeva, T.P.Rodicheva, V.YU. Safonov, A.YU.Safronov, V.V.Utkin, M.G.SHanarin va D.G.SHashinlar fikricha esa: "TQFdha jinoyat-protsessul munosabatlar TQF natijalaridan tergovga qadar tekshiruv, jinoyat protsessining turli (ishni sudga qadar yuritish va sud) bosqichlarida foydalanish natijasida yuzaga kelib [1; 3], asosan jinoyatlarning aniqlash, fosh etish va tergov qilish bilan bog'liq tezkor-qidiruv tadbirlarini o'tkazish[4; 9; 15, 177-b.], tergov harakatini o'tkazishga tayyorgarlik ko'rish va protsessual hujjatlarni tuzishda[13; 14; 18; 20; 21], sud ishlarini yuritish chog'ida tezkor-qidiruv ma'lumotlarni dalil sifatida taqdim etish ya'ni, isbotlash jarayonini ta'minlash vositasи sifatida tezkor-qidiruv tadbirlarning amalga oshirilishiда namoyon bo'ladi" [24; 25] deb hisoblaydilar. TQFning oshkora shakli jinoyat-protsessual munosabatlarga asoslanishi lozim. O'tkazilgan tezkor-qidiruv tadbirlarining natijalari yuzasidan rasmiylashtirilgan protsessual hujjatlar




*"Tezkor-qidiruv  
munosabatlari  
deganda TQFni  
asosiy ishtirokchilari  
tomonidan sohaga  
oid normativ-huquqiy  
hujjatlarning talabiga  
binoan jinoiy-huquqiy,  
ma'muriy-huquqiy,  
jinoyat-protsessaul  
huquqiy, jinoyat-  
ijroiya huquqiy,  
fuqaroviyl-huquqiy,  
mehnat-huquqiy va  
moliyaviy-huquqiy  
munosabatlarga  
kirishish jarayoni  
tushuniladi"  
mazmunda huquqiy  
ta'rif berilishini  
maqsadga muvofiq  
deb hisoblaymiz.*

qonunchilikka muvofiq bo'lganda, ushlangan shaxsning huquq va erkinliklari ta'minlanib, qonun buzlishiga yo'l qo'yilmaydi.

Jazoni ijro etish tizimida TQFni tashkil etish va taktikasining huquqiy tartibga solinishi haqida ilmiy ishlar olib borgan L.E.Shetnyov fikricha: "TQFdha sohasida jinoyat-ijroiya munosabatlari birinchi navbatda normativ-huquqiy hujjatlar asosida yuzaga kelishini, shu munosabat bilan jazoni ijro etish muassasida TQFni tashkil etish va taktikasini belgilab beruvchi huquqiy asoslarni ya'ni, qonun va qonunosti hujjatlarni ishlab chiqish, shu asosda TQFning turli vazifalari (jinoyatlarni oldini olish, aniqlash, barham berish, fosh etish, jinoyat sodir etilishiga niyat qilgan, tayyorgarlik ko'rayotgan va rejalashtirgan shaxslarni aniqlash va boshq.)ni hal etishda TQFning kuchlari (organ xodimi va hamkorlikka jalb etilgan shaxs), vositalari (maxsus hisob

yig'majildlari, tezkor-texnika va qidiruv itlari), usuli (oshkora, xufyona), shuningdek, haqiqatga yaqin o'ylab topilgan afsona va tezkor kombinatsiyadan foydalaniib, tezkor-qidiruv tadbirlarini jazoni ijro etish muassasalarida o'tkazish jarayonida vujudga kelishi" [32] haqida fikr bildiradi.





Jazoni ijro etish muassasalarida asosan jinoyatni oldini olish va fosh etish ishlari amalga oshiriladi. TQFning ushbu muhim vazifalarini ado etishda tezkor xodimlar tomonidan ish ko'sratkichlarini yaxshilash maqsadida jazo o'tayotgan mahkumga nisbatan noqonuniy harakatlar (jinoyatni bo'yniga qo'yish, urish, qiy Nash b.) sodir etilmasligi, inson huquq va erkinliklarini ta'minlashning zaruriy shartlaridan biri hisoblanadi.

V.A.Cherkov: "TQF sohasida fuqaroviyy huquqiy munosabatlar TQFni amalga oshiruvchi davlat organlari bilan jismoniy hamda yuridik shaxslar o'rta sida sharhnomaviy huquqiy munosabatlar jarayonida yuzaga kelib, ushbu harakatlar har doim yozma ravishda amalga oshirish kerak" [29] deb ta'kidlaydi. TQFdagi ushbu munosabatlar og'zaki shaklda ham bo'lishi mumkin lekin o'zaro kelishuvga, ixtiriyoriylikka asoslanishi, inson huquqlarini ta'minlashga to'liq xizmat qiladi.

S.P.Matveev esa: "TQF sohasidagi mehnat-huquqiy munosabatlar mehnat qonunchiligini umumiyl talablarini va tezkor-qidiruv qonunchiligiga binoan TQFni amalga oshiruvchi organ xodimi va hamkorlikka jalb etilgan fuqarolar o'rta sida mehnat sharhnomasini tuzilishiga, shu asosda nooshkora xodimlarga ularning ish stajidan kelib chiqqan holda pensiya tayinlash jarayonida yuzaga kelishi" [17] mazmunida fikr-mulohaza bildiradi. Amaliyotda ushbu munosabatlarga kirishishda mehnat

qonunchiligi talablariga to'liq etilmaydi. Buning boisi, xodimning ish vaqtini va yuklamalari aniq belgilab berilmasligi va boshq. Ushbu omilni bartaraf etishda birinchidan, tezkor xodimning kunlik ish vaqtining hajmini belgilash va unga rioya etilishini ta'minlash; ikkinchidan, tezkor xodim va ularga ko'maklashayotgan fuqarolar alohida sharoitda va ortiqcha ishlagan vaqt uchun qo'shimcha haq belgilanishi lozim. SHU orqali, TQFda inson huquqlari va erkinliklari ta'minlanadi.

K.Yu.Efremov va R.V.Gonnovlar fikricha: "TQF sohasidagi moliyaviy-huquqiy munosabatlar TQFni amalga oshiruvchi davlat organ xodimlari, ularga ko'maklashayotgan shaxslarni qonun va qonunosti hujjatlarga binoan tezkor-qidiruv tadbirlarini samarali amalga oshirib, ijobjiy natijalarga erishgani uchun masalan, ularga bir marotabalik pul mukofoti, qimmatbaho sovg'a, buyumlarni berish davlat byudjeti va byudjetdan tashqari mablag'lar hisobidan amalga oshirilishi[8], shuningdek, har oyda qo'shimcha maxsus va tezkor-texnik vositalarni qo'llashda ishlatiladigan mablag'lar, tezkor-qidiruv tadbirlarini o'tkazish uchun zarur bo'lgan ashyo va buyumlarni xarid qilish, ish yuritish uchun zarur bo'lgan narsalarni xarid qilish, ushbu tadbirlarini konspiratsiya principiga asosan niqoblash, hamkorlikka jalb etilgan shaxslar bilan uchrashuvlarni ta'minlash uchun ishlatiladigan sarf-xarajatlar ham TQFni moliyalashtirish hisobidan amalga oshirilishi zarurligini" [5] ta'kidlaydi. Moliyalashtirish,

faoliyatni rivojlanishiga xizmat qilib, buning uchun TQFni moliyaviy ta'minlash tizimini muqobil mexanizmini ishlab chiqish lozim. TQFni amalga oshiruvchi organlarning TQFni amalga oshirish asoslari, shartiga binoan o'tkazilgan tezkor-qidiruv tadbir natijasiga ko'ra aniqlangan noqonuniy valyuta qimmatliklari, tovar moddiy boyliklarni sudsiga saqlanishi uchun depozit hisob raqamlarini tashkil etish va ushbu hisob raqamlarida ma'lum miqdordagi mablag'larni shakllanishiga katta xissa qo'shgan tezkor xodim va unga faol ko'maklashgan fuqaroni moddiy va ma'naviy jihatdan rag'batlantirilishi, TQFdga inson huquqlarini ta'minlashning samarali usullaridan biri deb hisoblaymiz.

Yuqorida yigirmadan ortiq TQFdga ijtimoiy-huquqiy munosabatlari haqida o'z mulohazasini bildirgan olim va mutaxassislarning fikrlarini o'rgandik. Ularning fikriga ko'ra, TQFdga ijtimoiy-huquqiy munosabatlari birinchidan, ushbu faoliyatning asosiy kategoriyalari bilan bog'liqligi; ikkinchidan, TQFdagi ijtimoiy-huquqiy munosabatlari huquqning boshqa sohalari bilan birgalikda vujudga kelishini ta'kidlashgani ma'lum bo'ldi. Biroq ularning fikrlari turlicha bo'lib, TQFdga yuzaga kelayotgan ijtimoiy-huquqiy munosabatlari

aynan qaysi huquq sohalari bilan birga, o'zaro uyg'unlikda vujudga kelishi haqida qisqa fikr bildirilan. Bizning fikrimizcha, tezkor-qidiruv faoliyatida inson huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlashda vujudga kelayotgan ijtimoiy-huquqiy munosabatlari, bu tezkor-qidiruv munosabatlari deyilib, ushbu tushunchaga quyidagi:

"Tezkor-qidiruv munosabatlari deganda TQFni asosiy ishtirokchilari tomonidan sohaga oid normativ-huquqiy hujjalarning talabiga binoan jinoiy-huquqiy, ma'muriy-huquqiy, jinoyat-protsessual

organlari TQFdga tashkiliy-boshqaruv munosabatlari TQFni vazifalarini hal etishda muhim hisoblanib idoraviy nazoratni amalga oshiruvchi sub'ektlar uchun tashkiliy-boshqaruv munosabatlarni belgilab beruvchi normativ-huquqiy hujjat ishlab chiqish hamda unda tezkor bo'linmalarni tashkiliy-boshqaruvga oid huquqiy maqomini mustahkamlash lozimligini" ta'kidlaydi[26]. TQFdga tashkiliy-boshqaruv munosabatlari TQFni amalga oshiruvchi tezkor xodim va tezkor xizmat rahbari tomonidan TQFning vazifalarini muvvafaqiyatli hal etish uchun



### **Moliyalashtirish, faoliyatni rivojlanishiga xizmat qilib, buning uchun TQFni moliyaviy ta'minlash tizimini muqobil mexanizmini ishlab chiqish lozim.**

huquqiy, jinoyat-ijroiya huquqiy, fuqaroviy-huquqiy, mehnat-huquqiy va moliyaviy-huquqiy munosabatlarga kirishish jarayoni tushuniladi" mazmunda huquqiy ta'rif berilishini maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Bundan tashqari, ichki ishlari organlari TQFdga tashkiliy-boshqaruv munosabatlari ham mavjud. Ushbu masalada, T.B.Tokalov fikricha: "Ichki ishlari

tezkor-qidiruv tadbirlarini tashkil etish va ko'maklashuvchi fuqaro bilan ishni samarali tashkil etishda vujudga keladi.

Shuningdek, professor V.Karimov: "Tezkor-qidiruv munosabatlarni quyidagicha: a) rahbar - xodim; b)xodim - xodim; v)tezkor xodim - ko'maklashuvchi fuqaro; g)ko'maklashuvchi shaxs - gumonlanuvchi shaxs;

d) tezkor xodim - gumonlanuvchi o'rtaida vujudga kelishini" [12, 132-b] ta'kidlaydi. Ushbu tasniflashda, nazarimizda TQF ishtirokchilarni ro'yxati to'liq emas. Boisi, yuqorida tezkor-qidiruv munosabatlari tushunchasiga berilgan ta'rifda 7 ta huquq sohalari bilan birgalikda tezkor-qidiruv munosabatlari vujudga kelishi haqida konkret to'xtamga kelgandik. Bizningcha, tezkor-qidiruv munosabatlari TQFning quyidagi: 1) TQFni amalga oshirishda ishtirok etuvchi mansabdar shaxslar (advokat; surishtiruvchi; tergovchi; prokuror; sud)lar va idoraviy nazoratni amalga oshiruvchi rahbar o'rtaсидagi munosabat. Ushbu munosabatlari tezkor xodimni kundalik xizmat faoliyatini O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksiga binoan tashkil etilishini ta'minlash va nazorat qilinishini anglatadi. Masalan, tergovga qadar tekshiruv natijalari yuzasidan jinoyat ishini qo'zg'atishdan rad etish haqida qarori qabul qilinishi, shaxsni ushlab





turish va to'plangan hujjatlarni tergov organiga taqdim etish va boshq.; 2) idoraviy nazoratni amalga oshiruvchi rahbar - tezkor xodim o'rtasida munosabat. Ushbu munosabat tezkor xodimning kundalik xizmat vazifalarini to'g'ri tashkil etilishini ta'minlaydi; 3) tezkor xodim - tezkor xodim o'rtasidagi munosabat. Ushbu munosabatlar hamkorlik asosida TQFni vazifalarini hal etilishiga xizmat qiladi. Masalan, ichki hamkorlik IIV tizimidagi tezkor bo'linmalar o'rtasida, tashqi hamkorlik TQFni amalga oshiruvchi davlat organlari, shuningdek, boshqa davlatlarning TQFni amalga oshiruvchi organlari

bilan IIV Tezkor-qidiruv departamenti tasarrufidagi tezkor bo'linmalar o'rtasidagi hamkorlikni misol keltirish mumkin; 4) tezkor xodimlar - TQFdasi ishtirok etayotgan tezkor-qiziqish uyg'otayotgan shaxs (jinoyatni sodir etishni niyat qilgan, rejalashtirayotgan, tayyorlangan, gumonlangan shaxs) o'rtasidagi munosabat. Ushbu munosabatlar TQFning vazifalarini ijobjiy hal etishda JPK talablariga asosida aloqa o'rnatishini anglatadi; 5) tezkor xodim - TQFga ko'maklashuvchi fuqarolar, xolislar o'rtasidagi munosabat. Ushbu munosabatlar TQFning vazifalarini samarali hal etishda TQFga

ko'maklashuvchi fuqarolardan tezkor-qiziqish uyg'otuvchi shaxs haqida tezkor qiziquvga ega bo'lgan ma'lumotlarni olish, ularni tezkor-qidiruv tadbirlarga jalb qilish va ijtimoiy-huquqiy jihatdan qo'llab-quvvatlashni anglatadi; 6) TQFga ko'maklashuvchi fuqarolar - shohid, guvoh o'rtasidagi munosabatlar. Ushbu munosabatlar TQFning maqsadiga erishish va vazifalarini amalga oshirish uchun TQFning maxsus ikki tamoyillari asosida TQFga ko'maklashuvchi fuqarolar tomonidan shohid, guvoh, gumon qilinuvchi shaxsdan tezkor-qiziqish uyg'otuvchi tezkor axborotlar to'plashni

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Аганесян А.Л. Теоретические и правовые основы использования результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Владимир 2005. 24 с.
2. Василенко Г.Н. Административно-правовое регулирование оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва – 2005 28 с.
3. Вытовтов А.Е. Результаты оперативно-розыскной деятельности как средства доказывания в уголовном судопроизводстве (по материалам уголовных дел экономической направленности): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск 2020. 24 с.
4. Гаскаров И.Ф. Тактико-криминалистические особенности использования результатов оперативно-розыскной деятельности в расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук.– Екатеринбург-2005. 32 с.
5. Гоннов Р.В. Проблемные вопросы финансирование оперативно-розыскной деятельности ОВД / Вестник экономики, права и социологии 2021, № 3 С.54-56.
6. Davlat va huquq nazariyasi:Darslik/ X.T.Odilqoriyev va boshq.; prof. X.T.Odilqoriyev tahriri ostida. – Toshkent.: "Sharq", 2009. – B.307-322.
7. Davlat va huquq nazariyasi: darslik / mas'ul muharrir yuridik fanlar doktori, dosent N.P.Azizov. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2018. – B.90-93.
8. Ефремов К.Ю. Особенности финансового обеспечения ОРД / Актуальные проблемы теории и практики оперативно-розыскной деятельности материалы V Всероссийской научно-практической конференции (Краснодар, 25 ноября 2016 года) Краснодарский университет МВД России.2017. – С.72-76. <https://www.elibrary.ru>(Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.09.2022 й).
9. Зеленская Т.В. Соотношение уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Иркутск – 2007. 26 с.
10. Изотова Н.В. Использование оперативно-розыскной информации в обеспечении доказывания в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Воронеж-2003 24 с.;
11. Karimov V. Tezkor-qidiruv faoliyatida qonuniylikni ta'minlash mexanizmini takomillashtirish: Yurid. fan. D-ri (DSc) dis. – T., 2018. – B.75-76.
12. Karimov Vahobjon, tezkorqidiruv faoliati: dasrlik / V. Karimov – Toshkent, Lesson press, 2021. B. 132.
13. Клёнов Д.И. Процессуальный порядок использования результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании на досудебных стадиях производства по уголовным делам: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Ижевск – 2005. 24 с.
14. Козловский А.Ю. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе расследования таможенных преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва – 2006.28 с.
15. Котухов М.П. Перевод результатов оперативно-розыскной деятельности в доказательства: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Казань., 2001. – С.177.
16. Кузнецов Е.В. Характерные признаки и классификация оперативно-розыскных правоотношений / Вестник Омского университета. Серия «Право». 2012.№ 3 (32). С.269-272.
17. Матвеев С.П. К вопросу о правовой природе контракта в сфере ОРД / <https://cyberleninka.ru> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.09.2022 й).
18. Миролюбов С.Л. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам(на примере преступлений, совершаемых в учреждениях уголовно-

anglatadi; 7) TQFga ko'maklashuvchi fuqarolar - idoraviy nazoratni amalga oshiruvchi rahbar va surishtiruvchi tergovchi kabi ishtirokchilari o'rtasida vujudga keladi. Ushbu munosabatlar birinchidan, TQFga ko'maklashuvchi fuqarolar bilan sifatli ishni tashkil etishga, ikkinchidan, jinoyatni fosh etishda faol qatnashgan shaxsni xavfsizligini ta'minlagan holda, tergov jarayoniga jalb etilishi, ushbu tezkor-qidiruv munosabatlarga kirishishda inson huquqlarini ta'minlash talab etiladi.

Xulosa o'rnila shuni aytish lozimki, tezkor-qidiruv munosabatlariga kirishilganda inson huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlari ta'minlanib, shaxsning konstitutsiyaviy huquqi poymol bo'lmasligi lozim.



- исполнительной системы) : Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Владимир ВЮИ ФСИН России 2012. 22 с.
19. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Toshkent.: «Adolat», 2018. 528 b.
20. Пашева Э.Х. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при принятии процессуальных решений (на примере уголовных дел о незаконном сбыте наркотических средств, психотропных веществ или их аналогов): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Томск – 2017. 23 с.
21. Родичева Т.П. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при раскрытии к расследованию преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва 2006. 24 с.
22. Saydullayev Sh.A. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Toshkent.: TDYU, 2021. – 182-185.
23. Saidov A., Tadjixanov U., Odilqoriev X. Davlat va huquq asoslari: dasrlik. – T.: Sharq, 2002. – B.43-48.
24. Сафонов В.Ю. Прывковые предпосылки и этапы реализации результатов оперативно-розыскной деятельности в досудебном производстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург 2005. 24 с.
25. Сафонов А.Ю. Расследование фальсификации доказательств по уголовному делу и результатов оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва – 2020. 30 с.
26. Токалов Т.Б. Теоретические, правовые и организационно-управленческие проблем оперативно-розыскной деятельности ОВД Республики Казахстан в борьбе с преступностью: системе Автореф. дис. ... д-ра. юрид.наук. – Москва – 2007 53 с.

27. Утаев М.А. О классификации оперативно-розыскной деятельности // Жиноятчиликка қарши курашда оператив қидирув фаолияти назарияси ва амалиёти: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 166 б.
28. Уткин В.В. Использование в судебном доказывании по уголовным делам результатов оперативно-розыскной деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Нижний Новгород – 2020. 35 с.
29. Черков В.А. Правоотношения в сфере оперативно-розыскной деятельности и их классификация/ Зарубежный опыт/ <https://cyberleninka.ru> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.09.2022 й).
30. Шананин М.Г. Тактика использования результатов, оперативно-розыскной деятельности для подготовки и проведения следственных действий (генезис, теория и практика): Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Санкт-Петербург 2004. 24с.
31. Шашин Д.Г. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в методике расследования и поддержания государственного обвинения по уголовным делам о незаконном сбыте наркотиков: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Иркутск - 2008 22 с.
32. Щетнёв Л.Е. Правовое регулирование организации и тактики оперативно-розыскной деятельности в уголовно-исполнительной системе Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Москва – 2005 25 с.
33. O'zbek tilining izohli lug'ati: 80.000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi. J. II. I-tartibli / tahrir hay'ati: T.Mirzaev (rahbar) va boshq. O'z. Res. FA til va adabiyot in-ti. –Т.: «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. – B.177.
34. O'zbek tilining izohli lug'ati: 80.000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi. J. V. H –tartibli / tahrir hay'ati: T.Mirzaev (rahbar) va boshq. O'z. Res. FA til va adabiyot in-ti. –Т.: «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. – B.569.



# ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР

**БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ  
ТАРГИБ ВА РЕКЛАМА ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК:  
МУАММО ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ**

**LEGAL RESPONSIBILITY FOR PROMOTING AND PROMOTING CRIMES  
RELATED TO ILLICIT TRAFFICKING IN NARCOTIC DRUGS OR  
PSYCHOTROPIC SUBSTANCES: THE PROBLEM AND WAYS TO SOLVE IT**

Мехмонали  
**СУВАНКУЛОВ,**  
ИИВ Малака ошириш  
институти Юридик  
фанлар кафедраси  
бошлиги, ю.ф.н., доцент,  
полковник

Тўрахонов  
**ШОХЗОДХОН,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ ТҚД ЖҶҲ бўлум  
бошлиги, подполковник

**АННОТАЦИЯ.** Размещаемая на объектах городской инфраструктуры, обычных сайтах и в соцсетях реклама интернет-магазинов по продаже наркотиков способствует расширению аудитории наркопотребителей. Направлением административно-правовой и уголовной политики Республики Узбекистан должна стать организация противодействия незаконной рекламе наркотиков, включая криминализацию размещения подобной рекламы.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** наркомания; незаконный оборот наркотиков; реклама наркотиков; бесконтактный способ; сбыт наркотиков; склонение к употреблению наркотиков.

**ANNOTATION.** Advertising for online drug stores placed on city infrastructure facilities, regular websites and social networks helps expand the audience of drug users. The direction of the administrative, legal and criminal policy of the Republic of Uzbekistan should be the organization of counteraction to illegal drug advertising, including the criminalization of the placement of such advertising.

**KEY WORDS:** drug addiction; drug trafficking; drug advertising; contactless method; drug sales; inclination to drug use.



**Мамлакатимизда  
амалга  
оширилаётган кенг  
кўламли ислоҳотлар  
доирасида  
аҳолининг тинч ва  
осойишта ҳаётини  
таъминлаш ҳамда  
жамиятимизда  
қонунга итоаткорлик  
ва жамоат  
хавфсизлиги  
маданиятини  
шакллантиришга  
aloҳида эътибор  
қаратилмоқда.  
Мазкур вазифаларни  
амалга ошириш  
учун ҳуқуқий асос  
сифатида 29.11.2021  
йилда Узбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
“Узбекистон  
Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги  
концепциясини  
тасдиқлаш ва уни  
амалга ошириш  
чора-тадбирлари  
тўғрисида” ги ПФ-27-  
сон Фармони қабул  
қилинди<sup>1</sup>.**

Жамоат хавфсизлиги концепцияси<sup>2</sup>да гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар, шунингдек гиёҳвандлик моддалари рўйхатига киритилмаган, таркибида кучли таъсир қилувчи препаратлар бўлган дори воситалари (кейинги матнда – гиёҳвандлик воситалари) билан ноқонуний муомаласига қарши курашиб давлат сиёсатининг асосий йўналиши этиб белгиланган бўлса, интернет тармоғида жамоат хавфсизлиги учун хавф туғдирадиган таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш эса жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси<sup>3</sup>нинг асосий вазифаси сифатида белгиланган бўлиб, мақолада Жамоат хавфсизлиги Концепцияси ва Стратегиясидаги уйғун вазифа бўлган интернет тармоғи орқали жамоат хавфсизлиги учун хавф туғдирадиган гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний муомалага киритилишига оид таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги назарий, ҳуқуқий ва амалий муаммолар, шунингдек қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш масалаларини таҳлил қилишга қаратилади.

БМТ томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиқкан, унинг аксарият

қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда ва бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади.

Маълумотларга кўра, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар орасида қайд этиладиган ўлимларнинг 1,3 фоизи гиёҳвандлик оқибатида юз берар экан. Бир йилда 211 мингта ўлим айнан гиёҳвандлик оқибатида келиб чиқади. Европада гиёҳвандлик оқибатида ҳалок бўлаётганларнинг ўртacha ёши 35 ёшни ташкил қиласди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, гиёҳвандлик оқибатида 1,6 миллион киши ОИТСга мубтало бўлган, 7,2 миллион киши эса гепатит С вирусини юқтириб олган ва 1,2 миллион киши гепатит В вирусига чалинган.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ хасталикларга учраганлар сони дунё бўйича 29 миллион кишидан ортиб кетган. Уларни даволаниши учун бир йилда ўртacha 35 миллиард доллар сарфланади, аммо ушбу харажатлардан ташқари гиёҳвандларни жамият хавфсизлигига жиноий таҳдид солишларини ҳам асло ёддан чиқармаслик лозим.

Экспертларнинг фикрича, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдо айланмаси бир йилда 300 миллиард доллардан 800 миллиард долларни ташкил қиласди<sup>4</sup>.

Шу боисдан, гиёҳвандликка қарши қурашни ҳалқаро миқиёсда амалга ошириш мақсадида, БМТ томонидан “Наркотик моддалар тўғрисида”ги, “Психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши қураш тўғрисида”ги конвенция каби ҳалқаро ҳужжатлар ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва ушбу ҳужжатлар Узбекистон Республикаси БМТ тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги сабабли мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган.



<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон

<sup>2</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон

<sup>3</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-27-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон

<sup>4</sup> World Drug Report 2021, Booklet 2. Global overview of drug demand and drug supply. [https://www.unodc.org/res/wdr2021/field/WDR21\\_Booklet\\_2.pdf](https://www.unodc.org/res/wdr2021/field/WDR21_Booklet_2.pdf)



“

**НАРКОГРАФТИ  
- БУ БИНО ВА  
ИНШООТЛАРНИНГ  
ДЕВОРЛАРИГА БҮЁҚ  
БИЛАН ҚИЛИНГАН  
ЁЗУВЛАР БҮЛИБ,  
УЛАР ГИЁХВАНДЛИК  
ВОСИТАЛАРИ ВА  
ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ  
ОНЛАЙН СОТИШГА  
ИХТИСОСЛАШГАН  
ИНТЕРНЕТ-  
ДЎКОНЛАРНИНГ  
ЭЛЕКТРОН  
МАНЗИЛЛАРИНИ (ССЫЛКА)  
ИФОДАЛОВЧИ, ТҮГРИДАН-  
ТҮГРИ РЕКЛАМА  
ХИСОБЛАНАДИ.**

Хозирги кунда гиёвандлик воситалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш борасида жиноят олами анча илгарилаб кетди десак муболаға бўлмайди, зеро "Ахборот асри" бўлган XXI асрда гиёхвандлик воситаларини сотиш ижтимоий тармоқлардаги интернет ресурслардан "оқилона" фойдаланган ҳолда амалга оширилаётганилиги ҳеч кимга сир эмас.

Сўнги вақтларда минтақада анъянавий гиёхвандлик воситаларини истеъмоли камайиб, уларни ўрнини синтетик турдаги гиёхвандлик воситалари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддалар эгаллаб бораётганилигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасига чегардош бўлган Афғонистон давлатида опий етишириш билан бир қаторда, кенг тарқалган ёввойи эфедра ўсимлигидан метамфетамин синтетик гиёхвандлик воситасини ишлаб чиқарилиши янги таҳдид сифатида кузатилмоқда. Метамфетамин синтетик гиёхвандлик моддасини ҳиди йўқлиги, тайёрлаш осонлиги, турли хил шаклда ва кўриниша (суюқ, кукунсизон, кристалл) бўлиши, хуфёна яшириш ва ташиш учун



қулайлиги ҳамда уни тайёрлаш опийга нисбатан арzonлиги сабабли, ишлаб чиқариш кескин оргтан.

Ўз навбатида Афғонистондаги нарковазият "Шимолий маршрут"да жойлашган Марказий Осиё давлатларидағи нарковазиятга ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси бўйича интернет тармоқларини ўрни ортиб бормоқда. Ўз навбатида гиёхвандлик воситаларини ноқонуний савдосида "наркографити"лар кенг урфга кирган бўлиб, айнан улар гиёхвандлик воситаларини сотиб олиш мумкин бўлган истеъмолчига «Facebook», «Instagram», «WhatsApp», «Telegram» мессенжерлардаги интернет-дўконларни манзилларини кўрсатиб беради. Мазкур усул сотувчига ҳам хавфсиз бўлиб, у бевосита истеъмолчи билан кўришмайди, балки гиёхвандлик воситасини "закладка" усулида етказиб беради ва жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишга муваффақ бўлмоқда.

"Закладка" усули ижтимоий тармоқлар орқали гиёхвандлик воситасига буюртма берилганда манбаа етказиб берувчи орқали тақиқланган моддани белгиланган жойга қолдиради ва модда яширилган жойнинг

геологик жойлашуви (локацияси) ва фото суратини «Facebook», «Instagram», «WhatsApp», «Telegram» мессенжерлар орқали буюртмачига тасдиғи сифатида юборади. Бу йўл билан гиёхвандлик воситалари билан ноқонунний савдо қилувчи шахслар ўзларининг шахсий хавфсизлигини ва манбасини турли текширув ва тезкор тадбирлардан ҳимоя қиласди.

Сўнги икки-уч йил ичida мамлакатимизда гиёхвандлик воситаларини ноқонуний савдоси бўйича "наркографити" усулидан фойдаланиш амалиёти кириб келди, бу янги усул бўлиб, мазкур тажриба юртимизга Европа давлатларидан кириб келган.

Наркографити - бу бино ва иншоотларниң деворларига бўёқ билан қилинган ёзувлар бўлиб, улар гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни онлайн сотишга ихтисослашган интернет-дўконларнинг электрон манзилларини (ссылка) ифодаловчи, тўғридан-тўғри реклама ҳисобланади.

Зеро, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларидағи инфратузилма объектларга жойлаштирилган наркографитилар, ижтимоий тармоқлардаги сайтлар ва интернет-дўконлар рекламаси гиёхванд моддаларни



истеъмол қилувчилар аудиториясини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Республикаизда гиёхвандлик воситалари сотувчи интернет-дўконларнинг электрон манзил (ссылка)ларни реклама қилишнинг икки хил усули, биринчиси, бино ва иншоотларга трафарет орқали бўяш йўли билан наркограффити қолдириш, иккинчиси флаерларни бино ва иншоотларга ёпишириш усуллари кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир қолдирилган наркограффити ва флаерлар учун ўртacha 7-8 доллар миқдорда пул тўлов амалга оширилади, ҳар бир шахс ўртacha бир кунда 15-20 тагача электрон манзилларни бино ва иншоотлар орқали реклама қилади, ўртacha ҳисобда бир кунда 100-140 долларгача пул ишлаб олади. Ҳар бир қолдирилган наркограффити тасвири ёки ёпиширилган флаерлар фотосуратга олиниб, ҳисоботи буюртмачининг электрон манзилига юборилади ва буюртмачидан бажарилган иш учун пул тўлов ҳам Ўзбекистонг Республикасининг юрисдикциясига мансуб бўлмаган "Мобил ҳамён" орқали тўланади, бу турдаги хамёнлар орқали маблағларнинг транзакция маълумотларини Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига мансуб бўлмаганилиги сабабли уларни аниқлаш имконсиз.

ИИВ томонидан эълон қилган маълумотларга кўра, 2021 йилда 227 та "наркограффити" аниқланган бўлса, 2022 йилда 2962 та ҳолат аниқланган, яъни 2021 йилга нисбатан 13 маротабага ошган.

**ИИВ  
томонидан  
эълон қилган  
маълумотлар-  
га кўра, 2021  
йилда 227 та  
"наркограффи-  
ти" аниқлан-  
ган бўлса, 2022  
йилда 2962 та  
ҳолат аниқлан-  
ган, яъни 2021  
йилга нисбатан  
13 маротабага  
ошган.**

2021 йилга нисбатан 13 маротабага ошган.

Республикаизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва мутасадди ташкилотлар томонидан ўтказилган комплекс чора-тадбирлар натижасида гиёхвандлик воситаларини савдоси билан шугулланувчи интернет дўконлар аниқланиб, уларни фаолиятига чек қўйилмоқда. Жумладан, 2022 йил якунига қадар республика бўйича жами 2962 та (Тошкент вилояти – 1725 та, Тошкент шаҳри – 603 та, Фарғона вилояти – 366 та, Бухоро вилояти – 130 та, Навоий вилояти – 70 та, Жizzах вилояти – 47 та, Қашқадарё вилояти – 10 та, Самарқанд вилояти – 8 та, Наманган вилояти – 3 та) наркограффити аниқланиб ўчирилди.

Шунингдек, 2022 йил давомида гиёхвандлик воситаларнинг савдосини амалга оширувчи 1 499 та Телеграмм аккаунтларидан 1 311 тасига блоклашга эришилди<sup>5</sup>.

Холбуки, охирги йилларда Республикасда аҳоли орасида айниқса мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлари томонидан гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситалар билан ноқонуний муомала қилиш, жумладан ушбу моддаларни истеъмол қилиш ва сотиш каби салбий тенденция "ривожланмоқда".

<sup>5</sup> Ички ишлар вазирлиги маълумоти





**Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 178<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида “Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан .... реклама қилиниши қонунчилик билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганилар – базавий хисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади” деб белгилаб кўйилган.**

Миллий қонунчилик тизими, жумладан Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситалар сотиш учун жавобгарлик мавжуд бўлсада, аммо ушбу гиёхвандлик воситаларини тарғиб қилганилиги ва реклама қилганилиги учун жавобгарликни назарда тутувчи тақиқловчи норма мавжуд эмаслиги, ҳозирги кунда маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласида қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқдаги бўшлиқ эса гиёхвандлик воситаларини тарғиб қилиш ва реклама қилиш учун жавобгарликдан қутулиб қолишлари учун ҳуқуқий жиҳатдан «шароит» яратиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги №813-I -сонли Қонуннинг 34-моддаси 1-қисмида “Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботи, яъни гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолият тақиқланади”<sup>6</sup> деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 07

иондаги “Реклама тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасида “гиёхвандлик воситаларини ёки психотроп ва (ёки) кучли таъсир қилувчи моддаларни реклама қилиш таъкиқланади”<sup>7</sup> дейилган, шунингдек ушбу қонуннинг 49-моддаси 1-қисмида “реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айборд шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади”<sup>8</sup> деб белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 178<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида “Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан .... реклама қилиниши қонунчилик билан таъкиқланган маҳсулотни реклама қилганилар – базавий хисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”<sup>9</sup> деб белгилаб кўйилган.

Лекин, гиёхванд воситаларни тарғиб қилиш ва уларни реклама қилиш бўйича қонун нормасининг мазмуни аниқ баён қилинмаганлиги сабабли суриштирув ва терговга қадар текширув амалиётида наркограффити ва флаерлар орқали гиёхвандлик воситаларини тарғиб қилувчи ва интернет-дуконларни электрон манзилларини реклама қилувчи шахсларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 161-моддасига кўра<sup>10</sup>, “Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик деб ҳуқуқий баҳо берилиб, фуқароларга



2022 ЙИЛ ЯКУНИГА  
ҚАДАР РЕСПУБЛИКА  
БЎЙИЧА ЖАМИ  
2962 ТА (ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ – 1725 ТА,  
ТОШКЕНТ ШАХРИ –  
603 ТА, ФАРГОНА  
ВИЛОЯТИ – 366 ТА,  
БУХОРО ВИЛОЯТИ –  
130 ТА, НАВОЙӢ  
ВИЛОЯТИ – 70 ТА,  
ЖИЗЗАҲ ВИЛОЯТИ –  
47 ТА, ҚАШҚАДАРӢ  
ВИЛОЯТИ – 10 ТА,  
САМАРҚАНД  
ВИЛОЯТИ – 8 ТА,  
НАМАНГАН  
ВИЛОЯТИ – 3 ТА)  
НАРКОГРАФФИТИ  
АНИҚЛАНИБ  
ЎЧИРИЛДИ.



базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш каби суд амалиётидан фойдаланилмоқда.

Мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, гиёхвандлик воситаларини тарғиб қилувчи ва реклама берувчи наркографити билан шуғулланувчи шахсларни ҳаракатларини МЖтКнинг 161-моддасида баён қилинган "шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш" деб ҳуқуқий баҳо бериш қанчалик тўғри бўлади, балки уларнинг ҳаракатларини МЖтКнинг 178<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек "... реклама қилиниши қонунчилик билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик" деб ҳуқуқий баҳо берган маъқулроқdir, холбуки 178<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми санкциясидаги жарима жазоси МЖтКнинг 161-моддасининг санкциясидаги жарима жазосидан оғирроқ. Шунингдек, гиёхвандлик воситаларини реклама қилувчи шахснинг мақсади ободонлаштириш қоидаларини бузишга қаратилганми ёки тақиқланган гиёхвандлик воситасини сотиб олишни тарғиб қилишгами, бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонун чиқарувчи томонидан МЖтКда 189-моддасида - порнографик маҳсулотни

реклама қилиш, 189<sup>1</sup>-моддасида – тазиикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар борасида алоҳида модда ишлаб чиқилган бўлсада, аммо негадир гиёхвандлик воситаларини реклама қилиш масаласи эътибордан четда қолганлиги ҳам бироз баҳсли масаладир, негаки гиёхвандлик воситаларини тарғиб қилиш ва уларни реклама қилиш оқибатида келиб чиқадиган таҳдидлар, бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамият учун ижтимоий хавфлилиги юқорироқ деб ҳисоблаймиз.

Агарда жиноий жавобгарлик масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят кодексида фақатгина ноқонуний рекламага доир иккита модда, яъни Жиноят кодексининг 130-моддасида – порнографик маҳсулотни реклама қилиш, 130<sup>1</sup>-моддасида - тазиикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлсада, гиёхвандлик воситаларни тарғиби ва reklamasи хусусида алоҳида модда ўёғда турсин, хаттоки гиёхвандлик воситаларини реклама қилиш қонунчилигини бузиш ёки ободонлаштириш қоидаларни бузишга оид бирорта ҳам жиноий-ҳуқуқий норма мавжуд эмас. Яъни, гиёхвандлик воситаларни ноқонуний reklamasи қисман, маълум бир маънода ёки номигагина маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тақиқланган бўлсада, аммо қонун чиқарувчи томонидан жиноят кодексига тақиқловчи нормаларни яратиш назардан четда қолганлиги эса бироз баҳсли масала деб ўйлаймиз.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда;

<sup>7</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.06.2022 й., 03/22/776/0498-сон

<sup>8</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.06.2022 й., 03/22/776/0498-сон

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон;

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон;



**X**олбуки, халқаро қонунчилек ҳужжатларини, хусусан МДХ давлатларининг Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодексларида гиёхвандлик воситаларини тарғиб ёки реклама қилиш масаласини қиёсий-ҳуқуқий таҳлилига мурожаат қиласидиган бўлсак, Россия Федерацияси МЖтКнинг 6.13-моддасида<sup>11</sup>, Қозоқистон Республикаси МЖтКнинг 423-моддасида<sup>12</sup>, Қирғизистон Республикаси МЖтКнинг 101-моддасида<sup>13</sup>, Тоҷикистон Республикаси МЖтКнинг 131-моддасида<sup>14</sup>, Туркманистон Республикасининг МЖтКнинг 328-моддасида<sup>15</sup> маъмурӣ ҳуқуқбузарлик сифатида қайд этилган ва алоҳида моддада баён қилинган ва маъмурӣ жазо белгиланган.

МДХ давлатларининг Жиноят кодексида гиёхвандлик воситаларини тарғиб ёки реклама қилиш масаласини қиёсий-ҳуқуқий таҳлилига мурожаат қиласидиган бўлсак, Қозоқистон Республикаси ЖКнинг 299<sup>1</sup> моддасида<sup>16</sup> гиёхвандлик воситаларини тарғиб ва реклама қилишга жиноий жавобгарлик белгиланган, Россия Федерацияси ЖКнинг 230<sup>3</sup>-моддасида гиёхвандлик воситаларини тарғиб ва реклама қилишга жиноий жавобгарлик белгилаш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва бу борада муҳокамалар жараёни амалга оширилмоқда<sup>17</sup>.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида уларни турли йўллар билан тарғиб қилиш ҳолатлари кўпайиб бораётганилиги, бу эса ўз навбатида, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалари, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларни кўпайиб боришига, уларнинг истеъмолига вояга етмаганларни кенг жалб этиш ҳолатлари ошиб боришига олиб келаётганилиги билан мазкур ҳатти-ҳаракатлар учун маъмурӣ ва жиноий жавобгарликни қайта кўриб чиқиш заруратини тақозо қиласи.

Юқоридаги назарий-ҳуқуқий ва амалий таҳлилларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча,



Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодексига, қўйидаги қўшимчалар киритиш таклиф этилади, яъни:

1) қўйидаги мазмундаги 562 моддаси билан тўлдириш.

“562-модда. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни тарғиб ёки реклама қилиш

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф тарзда тарғиб қилиш, яъни уларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуслари, услублари тӯғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш, худди шунингдек реклама қилиш,—

гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурӣ қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўйидаги ўзгартишлар киритиш таклиф этилади, яъни:

1) 251-модда қўйидаги мазмундаги биринчи қисм билан тўлдириш:

“Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни тарғиб қилиш, яъни уларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва уларни фойдаланиш усуслари, услублари тӯғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш ёки реклама қилиш, шундай қилмиш учун маъмурӣ жазо қўйланилганидан кейин содир этилган бўлса,—



икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”

биринчи – тўртинчи қисмлар тегишинча иккинчи – бешинчи қисмлар деб ҳисоблаш;

учинчи қисм диспозициясидаги “Уша ҳаракатлар” деган сўзлари “Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар” деган сўзлари билан алмаштириш;

тўртинчи қисм диспозициясидаги “биринчи” деган сўз “иккинчи” деган сўз билан алмаштириш.

2) 274-модда қуидаги таҳрирда баён этиш:

“274-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишида тарғибот ва реклама қилиш, шунингдек уларни истеъмол қилишга жалб этиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни тарғиб қилиш, яъни уларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва уларни фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш, худди шунингдек қонунга хилоф тарзда реклама қилиш, шундай қиммиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг

ақл-идроқига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш,—

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса,—

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси МЖТК ва ЖҚга гиёҳвандлик воситаларини тарғиб ва рекламасини тақиқлаш мақсадида ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиши гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалари, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларни тарғиб қилиш, худди шунингдек реклама қилиш учун жавобгарликни белгилайди ва жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлиги муҳитини мустаҳкамлашга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манбаатларини таъминлашга хизмат қиласди.



<sup>11</sup> Федеральны закон от 30 декабря 2001 г. N 196-ФЗ «О введении в действие Кодекса Российской Федерации об административных правонарушениях» // https://base.garant.ru/12125259/

<sup>12</sup> Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года № 235-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.09.2023 г.) // https://online.zakon.kz

<sup>13</sup> Кодекс Кыргызской Республики об административной ответственности от 4 августа 1998 года № 114 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 23.10.2018 г.) // https://online.zakon.kz

<sup>14</sup> Кодекс Республики Таджикистан об административных правонарушениях (принят Законом Республики Таджикистан от 31 декабря 2008 года № 455) // https://online.zakon.kz

<sup>15</sup> Кодекс Туркменистана «Об административных правонарушениях» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.09.2023 г.) // https://online.zakon.kz/

<sup>16</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1997 г., № 15-16, ст. 212;

<sup>17</sup> https://www.ugpr.ru/news/6350-otvetstvennost-za-reklamu-narkotikov-mogut-ujestochit



# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

# КОРРУПЦИЯГА

ҚАРШИ КУРАШИШ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Development of the regulatory  
framework for combating  
corruption in the higher  
education system of  
Uzbekistan



**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада Ўзбекистон олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар, уларнинг моҳияти ва ривожланиш жараёнлари ёритилган.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** коррупция, қонун, фармон, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциясиз соҳа.

**ANNOTATION.** This article discusses the legal framework governing the fight against corruption in the higher education system of Uzbekistan, their essence and development processes.

**KEYWORDS:** corruption, law, decree, higher education system, regulatory documents, non-corruption sphere.

Жавохир БОЗОРБОЕВ,  
мустақил изланувчи



Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда қадимга бориб тақалиб, бу хол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ, давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди.

Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўрлиги қаттиқ ташвишга солғанлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказади.

Жаҳон динларидан бири ҳисобланган Қуърони Каримда «Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар» дейилган бўлса, Инжилда «Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қиласи ва ҳақиқатни ўзгартиради» дейилган .

Коррупция трансмиллий жиноят сифатида халқаро ҳамжамият томонидан кенг муҳокама қилинадиган мавзулардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммога жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга ва мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, XX аср сўнгги йилларида жаҳонда

коррупцияга қарши курашиш, уни олдини олиш ва профилактика қилиш, ҳуқуқий ва ташкилий-институционал механизмларни такомиллаштириш юзасидан муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакатимиз ҳам мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб ўз олдига коррупцияга қарши курашиш масаласини долзарб вазифа сифатида белгилаб олинди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги «Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рекет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги 247-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, тараққиётнинг социализмдан капитализмга босқичма-босқич ўта бошлаган мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг бошқа мулкчилик шакллари каби дахлсиз эканлиги кафолатланиши коррупцияга қарши курашиш соҳасини ҳам том маънода янги босқичга олиб чиқди.



# 5

ундан ташқари, Ўзбекистон собий иттифоқ давлатлари орасида биринчи бўлиб Жиноят кодекси ва Жиноят процесуал кодекси қабул қилди. Жиноят кодексининг XV бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобида ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилди.

Олиб борилаётган ислоҳотларнинг кейинги босқичида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қонунларнинг қоидаларини ўз қонунчилигига имплементация қилиш орқали ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масаласига эътибор қаратила бошланди.

Мазкур ишлар самараси ўлароқ, 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги 497-1-сон Қонуни қабул қилинди. Унга асосан, коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдалана бошланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажарий ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли

органларига юборишга жавобгар бўлган марказий орган этиб белгиланди.

Жамият тараққиёти ва глобаллашув тобора тезлашиб бораётгани негизида жамиятда турли тармоқлар пайдо бўлаётгани ва уларни ҳуқуқий тартибиға солувчи кўплаб қонунлар қабул қилинаётгани сабабли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг салмоғи кўпайиб бормоқда. Улар ўртасидаги ўзаро зиддият ва ҳуқуқий бўшлиқларни мониторинг қилиш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга бўлган эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декбрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2745-сонли буйруғи қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан сўнг қабул қилган ilk қонун ҳужжати айнан «Коррупцияга қарши кураиш тўғрисида»ги қонун бўлгани соҳага оид давлат сиёсатининг қатъий эканлигидан далолат берди. Натижада сўнгги йилларда коррупцияга қарши кураиш соҳасини янги босқичга кўтариш мақсадида





қуийдаги ташкилий-хуқуқий ва институционал асослар яратилди:

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиб тұғрисида»ғи УРҚ-419-сон Қонуни қабул қилинди. Қонун билан коррупцияга қарши курашиб бүйіча давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йұналишлари белгилаб олинди. Хусусан, коррупцияга қарши курашибда ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятими юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид хуқуқбизарларни үз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш принципини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йұналишлари сифатида кўрсатилди.

Мазкур Қонуннинг 3-моддаси мазмунига мувофиқ, «коррупция — шахснинг үз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд үзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш»

## КОРРУПЦИЯ

жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларida ушбу конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун хуқуқий асос сифатида фойдалана бошланди.

Эканлиги белгилаб қўйилди. Ушбу расмий таъриф орқали «коррупция» тушунчасининг моҳияти анча мукаммал тарзда очиб берилганлиги кўзга ташланади. Унга кўра:

- коррупциянинг субъекти мансабдор шахслар ёки хизматчилар бўлиши мумкин;


- коррупция нафақат үз манфаатларини, балки үзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳам содир этилиши мумкин;

- коррупцияни содир этишдан кўзланган наф фақатгина моддий эмас, номоддий шаклда ҳам бўлиши мумкин;

- ушбу ҳаракатлар шахснинг үз мавқеидан қонунга хилоф равища фойдаланиши орқали содир этилади;

- юқоридаги нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш, яъни муайян ваколатга эга бўлган шахсни коррупциявий жиноятни содир этишга ундан ҳолда таъсир ўтказиш ҳам коррупциявий жиноят саналади.

Қонун ижроси асосида Олий Мажлиснинг палаталарида «Коррупцияга қарши курашиб ва судхуқуқ масалалари бўйича қўмиталар» ташкил этилди. Бу борадаги ишлар үз изчиллигини давом эттирган ҳолда, 2019 йил 27 майда коррупцияга қарши курашиб тизими самарадорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан, коррупцияга қарши курашиб соҳасида давлат сиёсатининг қўйидаги устувор йўналишлар аниқ белгилаб олинди:

– суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судъяларга қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

– давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга ва юқори лавозимларга тайинлашнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

– давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

– давлат органларининг ҳисобдорлиги ва фаолияти шаффоғлигини ошириш;

– фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг

чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказиша ва ижросини мониторинг қилинда иштирок этишга жалб қилиш учун ҳуқуқий асос вужудга келди. Бундан ташқари, мазкур Фармонга асосан коррупцияга қарши курашибнинг ташкилий-институционал механизмларини такомиллаштириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Шунингдек, 2020 йил 29 июня Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4761-сон Қарори қабул қилинди. Агентликка БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Узбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги бошқа ҳалқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Узбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юклатилди. Бундан ташқари, мазкур Фармон асосида қўйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга оширилганлиги аҳамиятлидир, хусусан: 2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ни босқичма-босқич жорий этилди, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги



**ХАР ЙИЛ ЯКУНИ БҮЙИЧА БАРЧА ДАВЛАТ  
ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ШУ  
ЖУМЛАДАН МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ  
ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛОВЧИ  
РЕЙТИНГНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ АМАЛИЁТИНИ  
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи

E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этилди.


Коррупцияга қарши курашиш борасида фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштирок этишга жалб қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш мақсадида 2020 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 829-сон Қарори қабул қилинди. Қарорда ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берган ёки бошқа тарзда кўмаклашган шахсларга бир марталик пул мукофоти бериш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5177-сон қарори билан 2021 йил 1 августдан бошлаб давлат харидлари соҳасида шаффоффлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очиқ эълон қилиш амалиёти жорий этилди. Ҳар йил якуни бўйича барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтингни эълон қилиш амалиётини жорий этилди. 2022 йил 1 январдан Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали интеграциялашган Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизимини ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Агентлик директорининг 2021 йил 6 сентябрь кунги «Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 27-сон бўйруғи билан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тартибга солинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрь кунги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5263-сон Қарори билан вазирлик ва идоралар билан биргалиқда қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларини тартибга соловучи 226 та қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганлиги ва натижасига кўра ушбу ҳужжатларнинг 75 тасида 302 та коррупциявий омиллар аниқланди. Шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил эксперталарни кенг жалб қилиш, 2022 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар ва ОТМ вакиллари ҳамда жисмоний шахслар — мустақил эксперталарга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрь кунги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-729-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Агентлик ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлаши ва Қонунчилик палатасига тақдим этиши белгиланди. Унга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи





ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Агентликнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилди. Бундан ташқари, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилиш кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрь кунги «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-34-сон қарори билан Агентликка давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлашга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини ҳамда бу борада ўтказиладиган тадқиқотларини ва ижтимоий сўровларини молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш вазифалар юклатилди. Шунингдек, Агентликда унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга қўмаклашувчи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Жамоатчилик назоратини

## КОРРУПЦИЯ

жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдалана бошланди.

ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон фармони билан Агентлик томонидан «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон Реестри» юритила бошланди. Мазкур реестрга киритилган шахслар давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши, сайланадиган ва алоҳида тартибида тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идораларро коллегиал органларнинг аъзоси бўлиш, улар томонидан таъсис этилган ёки улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиши, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиши, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши тақиқланди. Шунингдек, 2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва



муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мulkini мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилди. Хорижда ишлаётган давлат хизматчиларидан ташқари барча давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мulkка эга бўлиш тақиқланди. Агентликка манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, бўйруқ ва бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколати берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январь кунги «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-81-сон қарори билан Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш низоми ҳамда Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларининг намунавий шакли белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазириининг 2022 йил 2 февраль кунги «Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича эксперталар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-мҳ-сон бўйруғи билан қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича эксперталар реестри жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май кунги «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомилластириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-240-сон қарори билан ОТМга ўқишга кириш учун (касбий) иходий имтиҳонларни ҳамда ОТМни битиришда якуний давлат аттестация синовларини топширишда шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш, ОТМга ўқишга кириш учун берилган имтиёзларни хатловдан ўтказиб, қайта кўриб чиқсан ҳолда ягона ҳужжатда уларнинг қатъий рўйхатини шакллантириш ҳамда ушбу имтиёзларни умумий квотага киритмаслик тўғрисидаги қоидани белгилаш амалиёти жорий этилди. Бунда: ОТМга ўқишга кириш учун имтиёзлар беришни тўлиқ рақамластириш ва электрон платформа орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш, ОТМга ўқишга кириш учун имтиёзлар беришнинг шаффоф тартибини белгилаш, ОТМда талабаларни турар жой

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2022 ЙИЛ  
2 ФЕВРАЛЬ КУНГИ «ҚОНУНЧИЛИК  
ҲУЖЖАТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЛОЙИҲАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ  
БЎЙИЧА ЭКСПЕРТАЛAR РЕЕСТРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИКЛАШ ҲАҚИДА»ГИ 2-МҲ-  
СОН БЎЙРУГИ БИЛАН ҚОНУНЧИЛИК  
ҲУЖЖАТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЛОЙИҲАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ  
БЎЙИЧА ЭКСПЕРТАЛAR РЕЕСТРИ ЖОРИЙ  
ЭТИЛДИ.

(ётоқхона) билан таъминлаш ва талабаларни жойластиришнинг электрон тизимини жорий этиш, ОТМ талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш (шу жумладан хорижий ОТМлардан) жараёнини рақамластириш, шунингдек, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ҳамда хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурларига қабул қилиш ва талабалар ҳисобини юритиша шаффофликни таъминлаш белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Агентлик директорининг 2022 йил 13 май кунги «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи эксперталар гуруҳи таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи билан Агентлик томонидан шакллантириладиган Эксперталар гуруҳи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигининг 2022 йил 31 август кунидаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2-сон ва 5-сон қўшма қарори билан коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби, коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича мезонлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 август кунги «Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги УРҚ-860-сон Қонуни Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби ўрнатилди. Унга кўра, чеклист, яъни норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб



чиқарувчи омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрь кунги «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-200-сон фармони билан 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гурӯҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар, давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат), марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида бўш исшурини, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари

ҳақидаги маълумотлар Очиқ маълумотлар сифатида қайд этилди. Интернет тармоғи орқали фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси (ёпиқ илмий ишлар бундан мустасно), ўртамахсус ва профессионал таълим муассасаларининг, (шу жумладан, «Темурбеклар мактаблари» ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари, ОТМ базасидаги ҳарбий таълим факультетларига (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш танловларининг умумжисмоний тайёргарликни ва чақириқчача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш босқичлари жонли эфирга узатиш тартиби жорий этилди. Агентликка давлат органлари ва ташкилотларининг қайта алоқа тизими самарадорлиги даражасини баҳолаш мақсадида «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятлари бирлаштирилдиган норматив-ҳуқуқий асосилар яратилди. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.Т.,22.09.1994 й.;

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.Т.,1994 й.;

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5892/4134-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Маҷлиси Аҳборотномаси, 2020 й., 57-сон.;

5. Қобилов Ш.Р. Коррупцияга қарши қураш: иқтисодий, маънавий маърифий чоралар ва йўллар.Т.: 2015. ИИВ Академия.-Б.16;


6. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупция қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4761-сон Қарори;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармони;

9. 2020 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 829-сон Қарори.

## Диккат! Эътиборингиз ва салоҳиятингизни синааб кўринг!



Бир йигит хусусий клубга боришга қарор қилди. Кириш жойида қўриқчи туриб, ташриф буюрувчиларни фақат кириш коди билан киришга руҳсат берарди. Йигит клубга кириш учун ташриф буюрувчиларнинг кириш коди сифатида нималарни айтиётгандарини тинглашга қарор қилди.

Бир меҳмон келди ва қўриқчи унга: «12» деб айтди, меҳмон эса «6» деб жавоб берди. Кўриқчи меҳмонни ичкарига киритди. Яна бир одам келди ва қўриқчи унга: «22» деди, меҳмон «11» деб жавоб берди. Кўриқчи навбатдаги меҳмонни ҳам ўтказиб юборди. Йигит бу принципни тушундим деб ўйлади ва жасорат билан қўриқчининг олдига келди. Кўриқчи унга: «100» деди, йигит эса «50» деб жавоб берди ва қўриқчи томонидан кўчага ҳайдаб юборилди.

Савол: Нимага?

Жавоби келгуси сонда

Ответ в следующем выпуске

Один молодой человек решил посетить частный клуб. На входе стоял охранник и пускал посетителей по паролю. Молодой человек решил постоять и послушать, что говорят в качестве пароля посетители.

Подошел один посетитель, охранник произнёс: «26», посетитель ответил «13». Охранник пропустил его.

Подошел еще один человек, охранник сказал «22», тот ответил: «11». Охранник пропустил его. Молодой человек подумал, что понял принцип и смело отправился к входу. Охранник произнёс: «100», а молодой человек ответил: «50» и был вытолкан на улицу.

Вопрос: Почему?



Ўтган сонда берилган топишмоқнинг жавоби:

Жавоби: Жасаднинг ёнида ётган бир парча қозода ёрдамчи сўзлар ёзилган эди. Ушбу кимёвий элементларнинг лотинча номи бирлаштирилганда Ni-C-O-La-S қотил эканлиги аниқланди.

Ответ: Подсказка была на клочке бумаги, лежавшем рядом с жертвой. Если сложить буквы, обозначающие химические элементы, то получится имя Николас на латинице: Ni-C-O-La-S.



Муҳамадбобур СОДИКОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги  
университети мустақил  
изланувчиси

Muhamadbobur SODIKOV,  
*Independent student of the  
University of Public Security of the  
Republic of Uzbekistan*



# ЖИНОЯТЛАРГА

## ҚАРШИ КУРАШИШДА РА҆МЛИ ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

### SEVERAL ASPECTS OF THE USE OF DIGITAL EVIDENCE IN THE FIGHT AGAINST CRIME

**АННОТАЦИЯ.** Мақола ижтимоий тармоқлардаги профил/аккаунт фойдаланувчилари шахсига оид бошқа ра҆мли маълумотларни тўплаш, улардан фойдаланиш ҳамда жиноятларни аниқлаш, тергов қилишда тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан фойдаланиш масалаларига бағишиланган бўлиб, унда ра҆мли маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ва хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган.

**ТАЯНЧ СЎЗЛАР:** ижтимоий тармоқ, компьютер маълумотлари, электрон далил, ра҆мли далил, тезкор-қидирув фаолияти, суд қарори, интернет, ижтимоий тармоқ.

**ANNOTATION.** The article is devoted to the issues of collecting and using other digital information about the identity of users of profiles/accounts on social networks and using the results of operational search activities in identifying and investigating crimes related, which reveal problems associated with the use of digital data as evidence and experience foreign countries.

**KEYWORDS:** social network, computer data, electronic evidence, digital evidence, investigative activity, court decision, Internet, social network.

**Б**угунги ҳаётимизни интернет ва компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин. Рақамли технологиялар, электрон хизматлар хар бир хонадонга кириб улгурди. Инсонлар кундан-кун ахборот-коммуникация технологияларига тобора қарам бўлиб бораётганлиги, ахборотларни химоялаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш миллий манфаатлар учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келмоқда. Интернет сифатининг яхшиланиши, тезлигининг ортиши яхши албатта, аммо бундай имкониятлардан бузғунчи ғоя тарафорлари томонидан экстремизм каби жамиятимиз учун ёд бўлган ғояларини тарғиб қилишда фойдаланиб келаётганлиги қўплаб инсонларнинг оиласига қайту олиб келмоқда. Бундай қайғуга тушиб қолмаслик учун аввало, киши ўзида интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириши талаб этилади.



Интернет ва ижтимоий тармоқларни назорат қилиш ва бошқаришнинг мураккаблиги экстремистик мазмундаги материалларни ушбу тармоқда эркин тарқалиш имконини бермоқда. Интернетдаги таҳдидларни бартараф этиш ва қонун устуворлигини таъминлаш, жиноят ишларини юритиш ва тезкор-қидирив фаолиятида компьютер, интернет ва ижтимоий тармоқлардаги рақамли далилларни тўплаш ҳамда ундан фойдаланишга қаратилган зарурий чораларни кўриш, турли ахборот ресурсларидан рақамли далилларни олишда ҳамкорлик қилиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш (86-мақсад) бўйича Суд-тергов жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда самарали ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш ва электрон (рақамли) далил тушунчаси, электрон далилларни аниқлаш, тўплаш, тақдим қилиш, текшириш, баҳо бериш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ва бу жараёнда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ

ва мажбуриятларини белгилаш вазифаси белгиланган [1]. Таъкидлаш жоизки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда рақамли далил тушунчаси киритилмаган ҳамда ушбу далилларни олиш, сақлаш ва исботлашда улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ёритилмаганлиги, умумий бир бир сўз билан "Рақамли далил"нинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги ҳозирги кунда ушбу турдаги далиллар билан ишлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 81-моддасига кўра, Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбисзилигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиб, бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг холосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган.



# III

унингдек, тезкор-қидирав тадбирларининг натижалари факт қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, жиноят кодекси нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирав тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганилигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши кўрсатилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда процессуал қонунчилик ҳужжатларида электрон далиллар тушунчаси, ундан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар ҳам назарда тутилмаган.

Электрон далилларга қандай маълумотлар киритилиши қонунчиликда белгиланмаган бўлса-да, амалиётда электрон далиллар қаторига кирувчи маълумотлардан фойдаланиб келинмоқда, бунга мисол тариқасида, график тасвирлар, аудио-, видео-эзувлар, Интернетдаги маълумотларни келтириш мумкин.

Ҳамжамиятга рақамли технологияларнинг шиддат билан кириб келиши ҳуқуқ назариясида ҳам янги атамаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.


Далилларнинг янгича кўринишлари

компьютер ва интернетдаги маълумотлардан фойдаланиш, янги турдаги далилларни қабул қилиш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш билан боғлиқ бир қанча муаммолар бунга туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Рақамли далил тушунчасининг таг маъносига назар ташласак, ушбу тушунчалар учун ягона таърифлар ва ечимлар борасида бир қанча қарашлар мавжудлиги кузатилмоқда. Лекин, далилларнинг янги турларини "Электрон далил" ёхуд "Рақамли далил" деб эътироф этишда олимлар гуруҳи томонидан турлича ёндашилмоқда.

Бир гуруҳ олимлар электрон далил тушунчасини илгари сурса, далилларнинг аналог [2] и бўйича ёндашган иккинчи гуруҳ олимлар электрон рақамли далил тушунчасини тўғри деб билишмоқда. Яна бир гуруҳ олимлар қонунчиликка рақамли далил тушунчасини киритишини тақлиф этишмоқда.

Қонун чиқарувчи томонидан бир неча маротаба Жиноят-процессуал қонунчиликка "Электрон далил" тушунчасини киритиш бўйича берилган тақлиф ва қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Лекин, бу билан боғлиқ баҳс-мунозаралар ҳануз давом этайданлиги натижасида, яқдил бир қарор қабул қилингани йўқ.



Профессор А.К.Закурлаевнинг фикрига кўра, "Рақамли далиллар" ўта таъсирчан ва тез ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, улар билан ишлашда маҳсус тайёргарлик талаб этилиши, биргина эҳтиётсизлик натижасида тергов учун қимматли бўлган рақамли далилларга зарар етказиш ёки уларни йўқотиб юбориш эҳтимоли юқори эканлиги, бундан ташқари, қонунни кўлловчи мутахассис фикри ёки эксперт хulosасини тўғри баҳолаши, самарали тергов йўналишларини белгилаши учун ҳам рақамли далилларни мустақил таҳлил этиш кўникмасига эга бўлиши зарур бўлиб, бундай билимларга эга бўлмаслик рақамли далилларнинг мақбулигини хавф остида қолдиради ёки унинг бузилишига сабаб бўлиши" таъкидланган [3, Б. 151-155].

Компьютер ва интернетдаги маълумотлардан жиноятларга қарши курашишда фойдаланиш, жумладан экстремизм билан боғлиқ жиноятлар мисолида кўрадиган бўлсан, сўнгги вақтларда аниқланган жиноятларнинг содир этиш усули сифатида интернет жаҳон ахборот тармоғи эканлигини кўришимиз мумкин.

Жиноят қуроли бўлган ижтимоий тармоқ саҳифасидан фойдаланаётган шахсни аниқлаш тезкор-қидирав тадбирлари ва тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали амалга оширилмоқда. Лекин, интернет ва ижтимоий тармоқ маълумотларини кўлга киритиш, улардан далил сифатида фойдаланиш ҳанузгача амалиётга жорий этилмаган.

Бу борада, хорижий давлатлар жумладан АҚШ,



Туркия, Россия ва бошқа суд-тергов ҳуқуқи ривожланган давлатлар тажрибалари ўрганилганида, ижтимоий тармоқлардан профил ва унинг фойдаланувчисига оид маълумотларни олиш ва жиноят-процессуал қонунчилик асосида ундан далил сифатида фойдаланиш амалиёти йўлга кўйилган. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, юртимиз аҳолиси орасида кенг фойдаланиб келинаётган "Meta Platforms" корпорациясиага тегишли "Facebook" ва "Instagram" ижтимоий тармоқларидаги профил фойдаланувчиси саҳифасида қонунга зид бўлган контентларни жойлаштириши натижасида ҳуқуқбузарлик содир этилганида, "Meta Platforms" ўзида мавжуд маълумотларни асослантирилган суд қарори асосида ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этади ва ушбу маълумотлардан рақамли далил сифатида фойдаланиб келинмоқда. Бу бўйича "Facebook" ва "Instagram" платформаларида ҳуқуқ-тартибот идоралари учун тегишли тавсиялар ва кўрсатмалар бўлими мавжуд бўлиб, унда ҳамкорлик масалаларида тегишли давлатнинг расмий ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан суд қарори келтирилиши назарда тутилган [5]. "Meta Platforms" томонидан ҳуқуқ-тартибот идораларининг сўрови бўйича профил ва унинг

фойдаланувчиси тўғрисида шахса доир маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Ушбу маълумотлар улкан серверлар сақланишини инобатга олиб, улар доимий равишда сақланиб турмайди. Маълум муддат ўтганидан сўнг, эски маълумот ўрнига янгиси келиб тушганидан сўнг олдинги маълумотлар ўчириб юборилади. Бу эса, жиноят қилмишни исбот қилишда, ушбу маълумотларни олиш ва далил сифатида эътироф этиш масалаларини қонунчиликда мустаҳкамланишни тақозо этмоқда. Бу борада, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунчиликда ҳам интернет ва ижтимоий тармоқлардан маълумот олиш ва уни ўтказиш тартиби назарда тутилмаган. Жумладан, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка кўра, айрим турдаги тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган [5].



**ЖИНОЯТ КУРОЛИ БЎЛГАН  
ИЖТИМОЙИ ТАРМОҚ  
САҲИФАСИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАН  
ШАХСНИ АНИКЛАШ ТЕЗКОР-  
ҚИДИРУВ ТАДБИRLARI VA TERGOV  
ХАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ  
АМАЛГА ОШИРИЛОҚДА. ЛЕКИН,  
ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙИ ТАРМОҚ  
МАЪЛУМОТЛАРИНИ КЎЛГА КИРИТИШ,  
УЛАРДАН ДАЛИЛ СИФАТИДА  
ФОЙДАЛАНИШ ХАНУЗГАЧА  
АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛМАГАН.**



Жекин, айнан компьютер ёки интернетдаги маълумотларни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш тартибга солинмаган. Бу борада Россия Федерациясининг 1995 йилда қабул қилингандай 144-ФЗ-сонли Федерал қонуни (Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида)га 2016 йил 6 июлда 374-ФЗ-сонли Федерал қонун билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда 15-тезкор қидирув-тадбири сифатида "Компьютер маълумотларини олиш" тезкор-қидирув тадбири киритилган. Шунингдек, шахс ва фуқароларнинг ёзишмалари, телефон суҳбатлари, поча, телеграф ва поча (электрон) тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сирини сақлашга ва уй-жой дахлсизлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув фаолиятини (шу жумладан, компьютер маълумотларини олиш) етарли асослар мавжуд бўлганда суд қарори асосида ўтказилиши кўрсатиб ўтилган [6]. Россия Федерациясининг қонунчилигига, фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи ҳар қандай тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари суд қарори асосида ўтказилиши белгиланган. Бу каби жиноий ҳуқуқ тизим АҚШ, Туркия ва бошқа бир нечта хорижий давлатлар қонунчилигига акс этган. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, "рақамли далил" тушунчасини амалиётга жорий этиш орқали жиноятларни, жумладан экстремизм билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда компьютер серверида сақланаётган рақамли далилларни кўлга киритиш, ундан исботлашда фойдаланиш мумкин бўлади. Бунинг учун тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон қарори билан тасдиқланган 46-илова бўйича "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари" рўйхати.

2. Аналог (қадимги юонча ḥnligos - мос келадиган, мутаносиб) - муҳим хусусиятларнинг умумийлиги жиҳатидан ўхшаш бир хил мақсадли обьект (техник ечим). <https://ru.wikipedia.org/wiki/Аналог>

3. "Рақамли далилларни аниқлаш, қайд этиш ва олиб экспертиза ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари" А.К. Закурлаев ю.ф.д., Eurasian journal of law, finance and applied sciences. 4 апрель 2023 й., 151-155 б.

4. Категории информации, доступные в настройках Facebook., <https://www.facebook.com/help>

5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-344-сонли Қонуни 16-моддаси.

6. Россия Федерациясининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги 144-ФЗ-сонли Федерал қонуни. 12.08.1995 йил, Москва. <https://morozova26.ru/nasledstvennoe-pravo/12005-144-fz-ob-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-s-izmeneniyami-na-2021-god.html>



# “ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАХАЛЛА”

ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

THE IMPLEMENTATION OF  
THE PRINCIPLE OF “WELL-  
APPOINTED AND SAFE MAHALLA”  
IS AN IMPORTANT PILLAR OF  
CRIME PREVENTION

**АННОТАЦИЯ.** Профилактика преступлений, борьба с преступностью, особенно пресечение преступлений в сознательной части, обеспечение взаимодействия органов внутренних дел с органами самоуправления граждан, превращение махалли в свободную зону от преступности.

**ANNOTATION.** Crime prevention, the fight against crime, especially the suppression of crimes in the conscious part, ensuring interaction between internal affairs bodies and self-government bodies of citizens, turning makhallas into a crime-free zone.

**KEY WORDS:** safe mahalla; citizens' self-government bodies, prevention inspector, internal affairs bodies, crime prevention; interaction; suppression of crimes

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:**

безопасная махалля;  
органы самуправления  
граждан, инспектор  
профилактики, органы внутренних  
дел, профилактика  
преступлений;  
взаимодействие;

пресечение преступлений.



Х.А.ТУРАББАЕВ,  
ИИВ Малака ошииши  
институти Юридик фанлар  
кадедраси доценти, ю.ф.н.,  
доцент





**M**амлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда конунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манбаатлариға хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишининг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга кўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмалариға ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда<sup>1</sup>.

Янги Ўзбекистоннинг «Ҳаракатлар стратегияси»да жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса маҳалла институтининг жиноятчиликка қарши курашиб ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш белгиланган<sup>2</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий

ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кўп қиррали, шиддатли ислоҳотлар маҳаллаларни янада ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Чунки ҳозирги янгиланишлар даврида маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим. Шу сабабли Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мутлақо янги тизимни – “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этиш зарурлигини илгари сурган эди.

“Обод ва хавфсиз маҳалла” мазмун ва моҳияти хусусида Президентимиз 2020 йилнинг 12 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида<sup>3</sup> таъкидлаганидек:

1) Обод маҳалла деганда, кўз олдимизга аввало фаровон оиласлар, қадриятлар бешиги бўлган маҳаллада ўсиб-улғаётган маънавий ва жисмоний баркамол ёшлар, кўркам қишлоқларимиз, замонавий ва файзли маҳаллаларимиз келишини;

2) Хавфсиз маҳалла деганда эса тинчлик ва осойишталик ҳукм суроётган, жамоат хавфсизлиги тўлиқ таъминланган, жиноятчиликдан ҳоли аҳоли масканлари тушунилади.

Шунингдек, мазкур видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда жиноятчилик ва бошқа салбий ҳолатлар, хусусан нотинч оиласлар, оиласлар ажримлар, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш, эрта туғриқ ҳолатлари сезиларли даражада камаймаётганлиги танқидий муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги, жамоат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги, маҳаллаларда ва оиласларда тарқоқ ҳолда иш олиб борилаётганлиги сабабли кутилган натижани бермаётганлиги таъкидланди.



<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиqlаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъат карорининг 8-сонли баёни. 12.02.2021 й.



**M**ұхтарам Президентимиз томонидан оиласлар ва хотин-қызлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллаларни жинояччиликдан холи ҳудудга айлантириша фуқаролар ийғинларининг роли ва мавқеини оширишни устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаша мақсадида Давлатимиз Раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қызлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5938-сонли Фармони қабул қилинди<sup>4</sup> ҳамда ҳар бир маҳаллада "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган қўйидаги 6 та муҳим йўналишни назарда тутувчи янги тизим жорий этилди:

1. жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш;

2. хотин-қызларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

3. жамият ва оиласда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тутувлик ва

осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;

4. маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

5. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларининг роли ва мавқеини янада ошириш, мустақиллиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлаш;

6. соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муносаб рағбатлантириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш.

Фармон билан фуқаролар ийғини раисининг беш йил муддатга сайланиши белгиланди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилактика инспекторларига юқлатилган, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такоррловчи, ортиқча ва хос бўлмаган вазифа ва функциялар қисқартирилди.

Зеро, фуқаролар ийғинларига асосий фаолият йўналишларидан ташқари функцияларни фақатгина давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

<sup>4</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 19.02.2020 й., 06/20/5938/0187-сон; 03.04.2020 й.,



Аммо, юқорида қайд этилган фарқловчى мезонларни таъминлаш механизmlари ишлаб чиқылмаганлиги ва фаолиятининг кафолатлари, шунингдек ҳуқуқий ҳимояси, шахсий дахлсизлиги назарда тутилмаганлиги ҳамда аралашганлик учун жавобгарликнинг белгиланмаганлиги оқибатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига ёки бошқа идораларга тегишли бўлган вазифаларни фуқаролар йиғинларига юклash ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасидаги қатор лавозимлар ва жамоатчилик тузилмалари тугатилиб, янги лавозимлар ва жамоатчилик комиссиялари (оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия) ташкил этилди.

Хусусан, фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринbosари, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринbosари, фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринbosари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис, фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари киритилди.

Фармонга мувофиқ фуқаролар йиғини

**ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИННИНГ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ЎЗИННИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ДОИРАСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ.**

раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариш профилактика инспектори зиммасига юклатилган.

Фуқаролар йиғини раислари худуддаги фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари - профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгacha бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга бўлди.

Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ўзининг қонун ҳуҷҷатларида белгиланган ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доирасида фаолият олиб боради.

Мазкур Фармон билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди ҳамда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги 4602-сонли қарори қабул қилинди<sup>5</sup>.

Фармоннинг 10-бандига мувофиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги оила, хотин-қизлар ва

<sup>5</sup> Конун ҳуҷҷатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 07/20/4602/0186-сон;



кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари қўйидаги асосий вазифа ва йўналишлар бўйича фаолият олиб боради:

- жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оиласлар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

- хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтоҷ бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-хуқуқий, психологияк ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оиласлар ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш;

- маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.

Фуқаролар йиғинлари раисининг хуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарлари «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни амалиётга жорий этиш жараёнларида қўйидагиларга масъул бўлади, жумладан: жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, қонун

устуворлигини, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарларга тегишли жазо чораларини кўриш, профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан ишлаш, санитария ва ободонлаштириш ишларида қонунчиликни таъминлаш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш, тўй ва бошқа оиласлар тадбирларни ўтказиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, манзилли ўйма-уй юриш ва аҳоли муаммоларини аниқлаш, фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гурухининг фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш.

Маҳаллаларда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини амалда қарор топтириш учун фуқаролар йиғинлари раисларининг хуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарлари ўз фаолиятларини қўйида келтирилган тартибида ташкил этишлари мақсадга мувофиқ:

Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш йўналишида амалга ошириладиган ишлар:

- 1. Профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қоровуллари билан йўриқномалар ўтказиш ҳамда уларни йўналиш ва жамоатчилик назорати масканларига тақсимлаш тизимини жорий этиш.



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИННИГ ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИННИГ ОИЛА, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИННИГ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ, ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИННИГ ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИННИГ КЕКСАЛАР ВА ФАХРИЙЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ ЛАВОЗИMLARI KIRITILDI.



2. Жиноят ва ҳуқуқбузарлайлар содир этилиши мүмкін бўлган жойлар (курилиши битмаган ва ташландик уйлар, дала ҳовлилар, корхона-ташкилотлар кабилар)ни назорат тартибида текшириш ва раҳбарлари билан профилактик тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш.

3. Доимий яшаш жойи бўйича ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган ёхуд бошқача тарзда паспорт-виза режими талабларини бузган ҳолда яшаётган шахсларни аниқлаш ва тушунтириш ишлари олиб бориш.

4. Тураг жой эгалари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой фонди ва уйлар атрофи ҳудудларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига, шу жумладан, кўп қаватли уйларнинг чордоқ ва ертўлалари ҳамда бошқа қўшимча бино ва хоналардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши бўйича тегишли чораларни кўриш.

5. Эгасиз тураг жойларни аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида чоралар кўриш.

6. Махаллаларда “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурӯхининг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувоғиқлаштириб бориш.

7. Ободонлаштириш, санитария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя

этилиши бўйича маҳалла ҳудудини айланиб ўрганиш, ҳуқуқбузарлайларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чораларни кўриш тизимини такомиллаштириш.

8. Кун якунида ташкил этилган патруллик йўналиши ва жамоат назорат масканларида хизмат олиб борилишини назорат тартибида текшириб маҳалла ҳудудини айланишни амалга оширишни амалда таъминлаш.

Манзилли уйма-уй юриш ва аҳоли муаммоларини аниқлаш йўналишида амалга ошириладиган ишлар:

1. Маҳалла ҳудудида манзилли хонадонларга (профилактик ҳисобда турган, жиноят содир этишга мойил фуқароларнинг уйларига) бориб, уларда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини кўриш тизимининг мунтазамлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш.

2. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ва маъмурӣ назоратга қўйилган шахсларга тарбиявий-профилактик таъсир чораларини амалга ошириш, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларга риоя этилишини назорат қилиш.

3. Доимий яшаш жойини узоқ муддатта тарқ этган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш



олиб бориш, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш.

4. Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш ва унинг ижросини таъминлаш.

5. Зўравонлик тақроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтказилишини ташкил этиш.

Вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълимтарбияси билан шуғулланиш йўналишида амалга ошириладиган ишлар:

1. Таълим муассасасига бориб, ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш, дарс машғулотларига сабабсиз ва мунтазам равиша қатнашмаган ўқувчилар ҳамда уларнинг отоналари билан профилактик сухбатларни ўтказиш тизимининг самарадорлигини ошириш.

2. Маҳалла ёшлари, шу жумладан уюшмаган ёшлар билан мулоқотлар ўтказиш, уларнинг муаммолари ва таклифларини эшлиш тизимини йўлга қўйиш.

3. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш, маҳаллада ҳал этиб бўлмайдиган муаммоларни Сектор штабига тақдим этилишини таъминлаш.

4. "Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!" шиори остида ёшлар ўртасида, шунингдек таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказиш.

5. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Тунги рейд", таълим муассасаларида "Ўқувчи", "Давомат", "Тиф" каби рейдларни ўтказиш.

Аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўналишида амалга ошириладиган ишлар:

1. Хуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича профилактик чора-тадбирларни, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш.

2. Узбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ ўз ваколатига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

3. Фуқаролар ўртасида тўйлар, оиласвий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва камхарж ўтказишга, жамиятда қабул



қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини аҳоли онгига сингдиришга, тўйлар, оиласвий тантаналар, маърака ва маросимларнинг шуҳратпарамастик ва дабдаба билан ўтказилишининг олдини олишга қаратилган аниқ ва мақсадли профилактик тадбирларни ташкил этиш.

4. Туман (шаҳар) адлия бўлими ходимларини ҳамда маҳаллада истиқомат қилувчи ҳуқуқшуносларни жалб этган ҳолда маҳалла аҳолиси учун юридик маслаҳатлар бериш бўйича "Хуқуқий ахборот" тадбирларини ўтказиш тизимини жорий этиш.

Хулоса сифатида шуну айтиш мумкинки, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини жорий этиш маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, энг асосийси жиноятчиликни жиловлаш учун муҳим раҳбарий ғоя сифатида хизмат қиласи, зеро, маҳалла институти сингари ташкилий тузилма бошқа хорижий давлатларда мавжуд бўлмаган бетакрор, ноёб ижтимоий қадрият ҳисобланади.



Нодира ХУШВАКТОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси  
Тергов фаолияти  
кафедраси доценти  
Юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

# ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ПЕДАГОГ, ПСИХОЛОГ ВА ТАРЖИМОН ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

## EFFECTIVE USE OF THE OPPORTUNITIES OF PEDAGOGUE, PSYCHOLOGIST AND TRANSLATOR IN CONDUCTING INVESTIGATIVE ACTIONS

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада тергов ҳаракатларини ўтказишда мутахассис сифатида иштирок этувчи педагог, психолог ва таржимон имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил этилган. Шу билан биргаликда, ушбу мутахассисларни ишни судга қадар юритишга жалб этишда тергов амалиётида юзага келаётган муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан асосли таклифлар ишлаб чиқилган.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** тергов ҳаракати, сўроқ қилиш, педагог, психолог, таржимон, вояга етмаганлар, самарадорлик, истиқбол.

**ANNOTATION:** This article analyzes the issues of increasing the effectiveness of using the opportunities of pedagogues, psychologists and translators who participate as specialists in conducting investigative actions. At the same time, the problems arising in the investigative practice of involving these experts in bringing the case to court were studied, and reasonable proposals were developed for their elimination.

**KEY WORDS:** investigative action, questioning, pedagogue, psychologist, interpreter, juvenile, efficiency, perspective.

# 4

авлат раҳбари томонидан «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Узбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» ПФ-60-сонли Фармонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозимлиги белгилаб берилди [1].

Тергов жараённида жамоатчилик иштирокининг яна бир шакли сифатида мутахассис иштирокига алоҳида тўхталиш зарур. ЖПКнинг 69-моддаси талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, мутахассислар тергов ва суд муҳокамасини ўтказишида далилларни топиш, далилларни мустаҳкамлашда ёрдам бериш, ҳимоячининг илтимосномасига кўра тушунтириш бериш, илмий-техника воситаларини қўллашда иштирок этадилар.

Қонун чиқарувчи томонидан, баъзи ҳаракатларда, далилларни қайд этиш (91-модда), тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш (913-модда), кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш (133-модда), кўздан кечириш (136-модда), эксперимент (155-модда), олиб қўйиш ва тинтуб (160-модда), почта-телефраф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш (167-модда) давомида зарур бўлса, мутахассис чақирилиши мумкинлиги белгиланган. Бошқа ҳаракатларда умуман мутахассис иштироки ёдга олинмаган, демакки, мутахассис томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар, тегишли кўникумаларга эга бўлганда, терговчи (суриштирувчи) томонидан амалга оширилиши мумкин. Истисно-мутахассиснинг иштироки мажбурий бўлган ҳолатлар, яъни мурдани кўздан кечириш (138-модда), гувоҳлантириш (146-модда), мурдани экспгумация қилиш (149-модда), тафтиш (221-боб), экспертиза текшируви учун намуналар олиш (189-модда)да мутахассис иштироки мажбурий этиб белгиланган.

Бироқ, мутахассисларнинг тергов ҳаракатларини ўтказишида иштирок этиши ҳақли равишда тергов самарадорлигининг ажралмас шарти деб аташ мумкин. У нафақат иштирок этиши шарт бўлган, балки иштирок этиш имкони бўлган барча ҳолларда тергов ҳаракатларига жалб этилиши лозим [2].

Бугунги кунда амалиётимизда, тергов ҳаракатларида мутахассис иштирокини таъминлаш борасида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Сабаби, мутахассис кимлиги, унга қўйиладиган талаблар, ва уни ишда иштирок этишга жалб қилиш тартиби етарли тарзда жиноят процессуал қонунчилигида ёритилмаган. Бу эса, олимлар ва амалиётчилар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда [3].



ЖПКда мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкинлиги белгиланган. Кeling, бу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлили учун педагог ва психолог иштирокини мисол тарзда олайлик. Аввало таъкидлаш зарурки, тергов амалиётида педагог ва психолог имкониятларидан фойдаланишга етарлича ёътибор қаратилмаяпти [4].

Чунки терговчи олдида ушбу жамоатчилик вакилини танлашда кўплаб ноаникликлар мавжуд. Педагог сифатида ишга кимни ва қандай тартибда жалб қилиш мумкин? Ахир педагог тушунчаси жуда кенгdir. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисидан тортиб, Ядро-физика институти профессоригача ҳаммаси педагог ҳисобланади. Қолаверса, терговчи ишга бола учун мутлоқ нотаниш педагогни жалб қилиши лозимми ёки унга таниш бўлган педагогними? Қонун чиқарувчи томонидан педагог ва (ёки) психолог деб ажратилиши, терговчи учун икки мутахассис ўртасида танловни, муқобилликни келтириб чиқаради.

Олимлар бу борада турли фикрларни билдирганлар. Масалан, А.Н. Бычков [5] ва А.Н. Дошицын [6] педагог терговчига, судьяга ёрдам берадиган ва сўроқ қилинувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши билан мутахассисдан фарқ қилувчи процесс иштирокчиси бўлганлиги учун педагогнинг



## ПСИХОЛОГНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА иштирок этишига қонунда таъриф берилмаган. Аммо, бу борада қатор олимлар фикр билдирганлар. Жумладан, Г.И. Гатауллина психологнинг иштирокини терговчига вояга етмаганинг ўзига хос хусусиятларни, унинг жисмоний ва ақлий ривожланишини, шунингдек, умумий турмуш шароитини ва тарбиясини белгилашда ёрдам берувчи сифатида таърифлайди

процессуал мақомини белгилайдиган махсус нормани жорий этишини таклиф қиласи. С.А. Роганов эса, педагогни ишда гувоҳ тариқасида жалб қилинадиган иштирокчи сифатида тавсифлайди [7]. Л.Н. Иванов ва М.Г. Янин [8] фикрича, педагог вояга етмаганларни сўроқ қилишда иштирок этиши шарт бўлган мутахассисдир [9].

Қонундан ҳам англанадики, педагог жиноят процессида мутахассис мақомига эга бўлади. Фикримизча, педагог терговни олиб бориша вояга етмаганинг тарбиясига салбий таъсирни олдини олиш, унинг хулқига ижобий таъсир кўрсатиш ва у билан тил топишишда терговчи (сuriштирувчи)га кўмаклашувчи мутахассис ҳисобланади.

Психологнинг жиноят процессида иштирок этишига қонунда таъриф берилмаган. Аммо, бу борада қатор олимлар фикр билдирганлар. Жумладан, Г.И. Гатауллина психологнинг иштирокини терговчига вояга етмаганинг ўзига хос хусусиятларни, унинг жисмоний ва ақлий ривожланишини, шунингдек, умумий турмуш шароитини ва тарбиясини белгилашда ёрдам берувчи сифатида таърифлайди [10]. Е. В. Марковичева [11], Е.В. Елагина ва Г.С. Григорян [12] эса, психолог сўроқ давомида вояга етмаганинг руҳиятини ўрганиб, унинг рост ёки

ёлғон кўрсатма бераётганлигини аниқлашга ёрдам беришини таъкидлайди. Н.А. Курмаева фақат сўроқ қилишда иштирок этувчи психологнина терговчига вояга етмаган билан алоқа ўрнатишига ёрдам бера олади деб ҳисоблайди [13]. М.А. Шувалова жиноят процессида психолог иштирокининг мақсади, бир томондан, жиноят процессида вояга етмаганинг тажовузкор хатти-ҳаракатларда намоён бўлган салбий психологик хусусиятларни, импульсивлик, ўта ҳиссийлик, шунингдек, сўроқ қилиш ва бошқа тергов ҳаракатларига қийинчилик туғдирадиган мавжуд руҳий ҳолат бузилишини олдини олса, бошқа томондан, иш юритишида вояга етмаганинг хулқ-атвори мотивларини терговчи, сuriштирувчи, судяга тушунтиришда намоён бўлишини билдиради [14].

Фикримизча, ҳақиқатдан, илғор давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, нафақат вояга етмаганлар, балки тактик жиҳатдан мураккаб ва зиддиятли сўроқларни психолог ёрдамида ўтказиш анча устунликка эга. Баъзи муаллифлар педагог иштирокидан буткул воз кечиши [15], баъзилар бу эскилил эканлигини таъкидлайдилар [16]. Бироқ, сўровнома натижаларига кўра, шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда

«ЖПКДА КЎРСАТИЛГАН «ЗАРУР БИЛИМ ВА МАЛАКА» ИБОРАСИ ЎРНИГА «КОМПЕТЕНЦИЯ» СЎЗИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЛОЗИМ ТОПДИК. ДАСТЛАБ «КОМПЕТЕНЦИЯ» СЎЗИГА ИЗОҲ БЕРСАК. КОМПЕТЕНЦИЯ ЛОТИНЧА СОРПЕТЕ СЎЗИДАН ОЛИНГАН БУЛИБ, ЭРИШАМАН, МУВОФИҚМАН, МОС КЕЛАМАН МАЊНОЛАРИНИ АНГЛАТАДИ. ШУ БИЛАН БИР ҖАТОРДА КИШИ ЭГАЛЛАГАН МУАЙЯН БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКАЛАР МАЖМУАСИ ҲАМ КОМПЕТЕНЦИЯ САНАЛАДИ»



сўроқ тергов ҳаракатида амалиётчиларимиз психология нисбатан, педагогга устунлик беришмоқда [17]. Сабаби, тергов органлари малакали мутахассисларни жалб қилишда кўплаб қийинчиликларга дуч келишмоқда. Шунинг учун улар психолог ёки таржимон сифатида ишда иштирок этиш учун асосан, сон жиҳатдан катта устунликка эга бўлган педагоглардан фойдаланишмоқда. Ишга жалб қилинган мутахассисларнинг компетенциясини аниқлаш эса, улар учун янада катта қийинчиликларни туғдирмоқда [18].

Жиноят процессига жалб қилинган мутахассислар ва таржимонларнинг компетенциясини аниқлаш борасида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. Қиёс қилиш мумкин бўлса, шахмат пиёдаси муайян босқичга етганда фарзин бўлиб, ўз қиролини ҳимоя қилгандек, жиноят процесси таҳтасида қадамма-қадам одимлаётган мутахассис

ва таржимонларнинг юқори даражага эришганлиги жиноят процессида ҳақиқатни ҳимоя қилишга, одилликни таъминлашга хизмат қиласди. Чунки биргина сўз, биргина далил жиноят ишининг якуний қарорига таъсир этиши мумкин.

ЖПКда кўрсатилган «зарур билим ва малака» ибораси ўрнига «компетенция» сўзидан фойдаланишни лозим топдик. Дастлаб «компетенция» сўзиға изоҳ берсак. Компетенция лотинча сорпете сўзидан олинганд булиб, эришаман, мувофиқман, мос келаман мањноларини англатади. Шу билан бир ҷаторда киши эгаллаган муайян билим, кўникма, малакалар мажмуаси ҳам компетенция саналади [19].

Касбий компетентлик эса мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларнинг амалда юқори даражада қўллай олиниши ҳисобланади [20].

Мутахассиснинг компетенцияси – унинг тегишли маълумоти, касбий ва ҳаётий тажрибаси мавжудлиги билан тасдиқланган етарлича маҳсус билимларга эга бўлишидир. Терговчи мутахассиснинг компетенциясини текшириш учун реал имкониятга эга бўлиши керак. Бунда мансабдор шахс мутахассиснинг маълумоти тўғрисидаги дипломи, аттестати, гувоҳномаси, иш жойидан маълумотнома, шаҳодатномани ўрганиши ва унинг нусхасини ишга қўшиб қўйиши мумкин. И.И. Бунова ўз диссертациясида таржимоннинг компетенциясини текширишнинг асосий усули уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш деб ҳисоблаб, муаллиф у тадқиқ қилган жиноят ишларининг 65 фоизида таржимон гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлигини билдиради [21].

Бироқ биз муаллиф фикрига тўлиқ қўшила олмаймиз. Сабаби, таржимоннинг (мутахассиснинг) компетентлигини тасдиқлаш учун унинг мазкур тилни билишига (маҳсус билимларга эгалигига) оид ҳужжатлар жиноят ишига илова қилиниши шарт деб ҳисоблаймиз. Бордию, буни аниқлашнинг умуман имкони





«

Үйлаймизки, ҳақиқатан ҳам, жиноят ишини тергов қилишда мутахассисни жалб қилишда нафақат унинг маълумотига, балки унинг мазкур соҳадаги амалий тажрибасига ва иш стажини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

бўлмаган ҳоллардагина, шахснинг сўроғи орқали муайян соҳада билимга эгалигини тасдиқлашни охирги чора сифатида қўллаш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Баъзи тадқиқотларда тергов органни мутахассис компетенциясини баҳолаганда унинг маълумоти, мутахассислиги ва иш стажини ўрганиш лозимлиги кўрсатилган [22].

Ўйлаймизки, ҳақиқатан ҳам, жиноят ишини тергов қилишда мутахассисни жалб қилишда нафақат унинг маълумотига, балки унинг мазкур соҳадаги амалий тажрибасига ва иш стажини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Фикримизни аниқроқ ифодалаш учун педагог компетенциясига мурожаат қиладиган бўлсак: «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига кўра, тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, педагогик олий маълумотга эга бўлмаган шахсларга қайта тайёрлаш курсларидан ўтганидан кейин таълим ташкилотларида (бундан олий таълим ташкилотлари мустасно) педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади [23].

Демак, педагогик фаолият билан нафақат олий балки ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган шахслар ҳам шуғулланиши мумкин. Албатта, олий маълумотли педагогни ишга жалб қилган мақсадга мувофиқ. Бироқ б ёшли гувоҳни сўроқ қилишда педагог сифатида иштирок этиш учун халқаро тоифадаги тренер, олий таълим

муассасасининг ўқитувчиси ва ўрта-маҳсус маълумотли мактабгача таълим муассасасининг кўп йиллик тажрибага эга тарбиячиси бўлганда, шубҳасиз бола билан мулоқотга киришиш юзасидан амалий кўнкимага эга тарбиячи фойдасига қарор қабул қилиш лозим бўлади.

Шу билан бир қаторда, корхона ташкилот ва муассасалар тавсияномаси ва шахснинг ёзма розилиги орқали, тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин бўлган мутахассислар ва таржимонлар, уларнинг шахсини ҳамда компетенциясини тасдиқловчи ҳужжатлар, иш стажи ва фаолияти, яшаш ва ишлаш манзилига, телефон рақамлари, электрон манзилига оид маълумотлар жамланган, ягона электрон базанинг яратиш ва Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги «Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-105-сон қарори асосида, «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими доирасида мутахассис ва таржимонларнинг реестрини юритиш ҳамда улар билан мазкур тизим орқали ахборот алмашинувини йўлга қўйиш таклиф этилади. Мазкур таклиф қуидига афзалликларни беради:

А) мутахассис ва таржимонларнинг иш жойи, мутахассислиги, ихтисослиги, телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда база шакллантирилади ва бу уларни ишга жалб қилишда қулийлик туғдиради;

Б) мазкур базага ташкилотлар тавсия қилган мутахассис ва таржимонлар билан бир қаторда, терговчи ва суриштирувчилар ўзлари жалб қилган мутахассис ва таржимонларнинг киритиб борилиши, уларнинг хизматларининг ходимлар томонидан баҳолаб борилиши келгусида рақобат муҳитини пайдо қилиб кўрсатилаётган хизматнинг сифат жиҳатдан яхшиланишига олиб келади;

В) базада мутахассис ва таржимоннинг ишни судга қадар юритиш жараённига неча маротаба жалб қилингандиги, таржимонларнинг қанча ҳажмдаги ишни таржима қилганлиги акс этиши, уларга нисбатан сарфланадиган процессуал чиқимларни, шунингдек, уларнинг асосий иш ўрнида бўлмаган вақтини асослашга хизмат қиласди.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» ПФ-60 сонли Фармони [https://strategy.uz/index.php?static=o\\_strategii](https://strategy.uz/index.php?static=o_strategii) (Мурожаат қилинган сана: 01.01.2024)
2. Константинов А.В. Процессуальные и организационные проблемы участия специалиста в уголовном судопроизводстве на стадии предварительного расследования: дис. . канд. юрид. наук. Москва, 2006. С. 89
3. Дрозденко А. О., Янин М. Г. Проблема роли заключения специалиста в уголовном процессе // Вестник Челябинского государственного университета. Серия: Право. 2021. Т. 6, вып. 1 – С.60-61
4. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т, 2021. – Б. 133.
5. Бычков, А.Н. Участие педагога в российском уголовном судопроизводстве: монография. Бычков А.Н. - М.: Юрлитинформ, 2011. - 176 с.
6. Дошицын, А. Н. Процессуальные и криминалистические особенности производства следственных действий с участием малолетних : монография / А. Н. Дошицын. — М. : Юрлитинформ,2015. — 343 с.
7. Роганов, С.А. К вопросу об участии педагога при производстве допроса / С. А. Роганов, Т.Л. Константина // Ленинградский юридический журнал. - 2015. - С.204.
8. Янин М.Г. Правовой статус педагога, психолога и законного представителя в российском уголовном судопроизводстве // Вестник Челябинского государственного университета. Серия: Право. 2020. Т. 5, вып. 2 С.40
9. Иванов, Л.Н. Современные проблемы исследования личности и уголовно-процессуальное регулирование участия специалиста в уголовном судопроизводстве /Л.Н. Иванов // Российский следователь №5. - 2007.
10. Гатауллина, Г.И. Участие педагога (психолога) при допросе несовершеннолетних подозреваемых (обвиняемых) в совершении террористических преступлений // Материалы II Всероссийской научно-практической конференции. 2015 / [https://elibrary.ru/download/elibrary\\_25698187\\_21425454.pdf](https://elibrary.ru/download/elibrary_25698187_21425454.pdf) (Мурожаат қилинган сана: 01.01.2024)
11. Е. В. Марковичева Участие психолога в допросе несовершеннолетнего потерпевшего или свидетеля в уголовном судопроизводстве России// Вопросы криминологии, криминалистики и судебной экспертизы №1 (47) 2020 С. 60
12. Елагина Е.В. Криминалистические и процессуальные аспекты привлечения педагога и психолога к производству следственных действий с участием несовершеннолетних / Е.В. Елагина, Г.С. Григорян // Криминалистъ. № 2 (7). - 2010. С. 66-70.
13. Курмаева, Н.А. Проблемы участия специалиста-психолога в допросе несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых / Н.А. Курмаева // Юридический журнал, №1. - 2009. - С.147.
14. Шувалова М.А. Участие психолога и педагога в уголовном судопроизводстве: дисс. . канд. юрид. наук: 12.00.09/ Шувалова Мария Александровна. - Санкт-Петербург, 2019. – С.45.
15. Шатохина, Е. Д. Специфика производства отдельных следственных действий по уголовным делам в отношении несовершеннолетних / Е. Д. Шатохина. // Молодой ученый. — 2017. — № 49 (183). — С. 282-286; Попов, А.Н. Правоведение. Производство по делам о преступлениях несовершеннолетних: Учебное пособие для студентов всех специальностей и всех форм обучения. Попов А.Н. - Красноярск: 2004. - 349 с.
16. Любичев, С.Г. Особенности расследования преступлений несовершеннолетних на современном этапе / С.Г. Любичев // Изд-во Курск. гос. техн. ун-та. - 2007. - С. 165
17. [https://t.me/Science\\_and\\_Innovation\\_uz/202](https://t.me/Science_and_Innovation_uz)
18. [https://t.me/Science\\_and\\_Innovation\\_uz/204](https://t.me/Science_and_Innovation_uz)
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: А.Мадвалиев таҳрири остида // «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Т.: 2020 – Б. 396
20. Рахимов З.Т. Педагогик компетентлик таълим жараёни ривожланишининг муҳим омили сифатида // Замонавий таълим Т.: 2019, 7(80) – Б. 4
21. Бунова И.И. Участие переводчика в уголовном судопроизводстве: дис. ... канд. юрид. наук. М.: Академия управления МВД России, 2013. С. 101.
22. Яргутова В.Ю. Участие специалиста в формировании доказательств по уголовным делам о преступлениях в сфере экономической деятельности:теоретический и прикладной аспекты: специальность 12.00.09«Уголовный процесс; криминалистика; теория оперативно-розыскной деятельности» : диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук / Яргутова Вероника Юрьевна ; Министерство внутренних дел Российской Федерации Нижегородская академия. – Нижний Новгород, 2019 – С. 230.
23. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ти Қонуни <https://lex.uz/docs/5013007> (Мурожаат қилинган сана: 01.01.2024)



# ҲОҚИМИЯТ ҲАРАКАТСИЗЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

## LEGAL ANALYSIS OF THE CRIME INACTION OF THE AUTHORITIES



**Мухаё ШУКУРОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
Тошкент вилояти Оҳангарон  
туманиндағы  
Халқ қабулхонаси мудири  
ИИВ Академияси мустақил  
изланувчиси


**Mukhayo SHUKUROVA,**  
*Head of the People's Reception  
of the President of the Republic  
of Uzbekistan in the Tashkent  
region in the Akhangaran  
district*  
*Independent applicant of the  
Academy Ministry of Internal  
Affairs of the Republic of  
Uzbekistan*

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг умумий ва жиноят-хуқуқий тавсифи, бу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик асослари ҳамда мазкур жиноятларни хуқуқий баҳолаш масалалари таҳлил қилинган. Бугунги кунда мансабдорлик жиноятлари давлат бошқарувига, давлат тизимиға, иқтисодиётiga қарши қаратилған бўлиб, катта заар манбаига айланмоқа.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** жиноят ҳуқуқи, коррупция, мансабдор шахс, бошқарув тартибиға қарши жиноятлар, ҳокимият ҳаракатсизлиги жинояти, мансабдорлик жиноятлари.

**ABSTRACT:** The article analyzes the general and criminal legal features of the crime of inaction of authorities, the grounds of responsibility for this type of crime, as well as issues of legal assessment of these crimes. Official crimes are directed against public administration, the state system, the economy, becoming a source of great damage today.

**KEYWORDS:** criminal law, corruption, official, crimes against management procedures, the crime of inaction of the authorities, official crimes.



Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар муммоси долзарб аҳамият касб этади. Бу эса жиноят-хуқуқий мутахассисликка эга ҳуқуқшунослардан бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятларни квалификация қилиш хусусиятларини яхши билиш, жиноят қонунчилигининг ушбу соҳадаги нормаларини тўғри шарҳлаш ва қўллай олишни талаб этади. Маълумки, коррупция жиноятлари орасида бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланади. Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги мазкур жиноятлар давлат ва жамият бошқаруви нормал фаолиятини бузилишига, унинг обрўсини тушишига, фуқароларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини сўнишига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши билан изоҳланади.

<sup>1</sup> М.Ҳ.РУСТАМБОЕВ «ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ» (УМУМИЙ ҚИСМ). Тошкент – “ILM ZIYO” - 2006. - 95 6.

<sup>2</sup> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ. 22.09.1994

<sup>3</sup> «Уголовное право Российской Федерации». Общая часть: Учебник / Под. Ред. Б.В. Здравомўслова – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1999. – С. 54-57.

<sup>4</sup> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ. 22.09.1994

“Жиноят” тушунчасига ҳуқуқий таъриф биринчи бор 1791 йилда қабул қилинган Франция Жиноят кодексида берилган бўлиб, ушбу таъриф формал тусга эга эди. Унда жиноята: “Жиноят - бу амалдаги жиноят қонуни билан жазоланадиган қилмишдир”,-дея таъриф берилган эди<sup>1</sup>. Жиноят – бу ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2-моддасида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жиноят тушунчасини белгилаб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят тушунчasi аниқ белгиланган бўлиб, 14-модданинг 1-қисмiga кўра, “Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш тақдиди билан жиноят деб топилади”<sup>2</sup>. Жиноят – шахснинг жиноят қонуни билан тақиқланган маълум бир шаклдаги хатти-ҳаракати ҳисобланади. Жиноятларни содир этилган турига қараб таснифлашимиз мумкин. Жиноятларни таснифлаш деганда, жиноятларни у ёки бу белгиларига кўра туркумларга ажратиш тушунилади. Жиноят ҳуқуқида жиноятларни таснифлашда қўйидаги икки мезон назарда тутилган бўлиб, жиноят қонунида жиноятлар айнан ана шу мезонлар асосида таснифланган: 1. Жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш; 2. Жиноятларнинг объекти (тажовуз қаратилган объект)га кўра таснифлаш; Жиноятларни таснифлаш ва гуруҳларга бўлишнинг асосий мезони жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобланади. Жиноятларни таснифлашнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси мезони ҳам икки белги: а) айбнинг шакллари (қасд ёки эҳтиётсизлик); б) жиноят кодексида назарда тутилган санкциялар (уларнинг оғирлик даражаси)га боғлиқ бўлади<sup>3</sup>. Жиноят кодекси 15-моддасига мувофиқ, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қўра: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар; б) унча оғир бўлмаган жиноятлар; с) оғир жиноятлар; д) ўта оғир жиноятларга бўлинган<sup>4</sup>.




Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг кенг тарқалганлиги бу жиноятга қарши кураш борасида бу жиноят ҳақидаги қонунларнинг янада такомиллаштирилишини, прокуратура, суд ва тергов органларининг бу жиноятга қарши курашдаги фаолиятларини янада атрофлича олиб борилиши, бу жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш билан бу жиноятларга қарши кўраш самарадорлигига эришиш имкониятларини яратади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги жинояти натижасида давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зарар етказилади. Бу эса мустақил Ўзбекистон Республикаси даврида ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида, ҳокимият ва бошқарув органлар тизимини, қолаверса барча хўжаликлар негизи механизмининг янгиланганлиги жараёнида раҳбар шахсларнинг ва барча мансабдор шахсларнинг масъулиятларининг янада оширилганлигини белгилаб беради<sup>5</sup>. Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг хусусиятларини билиш учун бу жиноятларнинг тушунчаси ва белгиларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мансабдорлик жиноятларининг асосий турлари ҳозирги кунда Жиноят Кодексининг ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибиға қарши жиноятлар бобида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 208-моддасида белгилари таърифлаб берилган. Жумладан унда шундай дейилади: Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни давлат органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасдан

бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса, -деб таърифланади. Бошқарув тартибиға қарши жиноятларининг таърифлари юкорида берилган таъриф билан деярли тўғри келади. Б.В.Зздравомыслов томонидан ҳам шунга ўхшаш тушунча берилган. Унинг фикрига кўра мансабдорлик жинояти деб, мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифалари юзасидан хизмат ёки мансаб ваколатларидан ёхуд хизмат бурчини бажариши муносабати билан давлатнинг ёки жамоат аппаратининг нормал фаолиятига путур етказувчи қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир қилинадиган ҳаракатларга айтилади, дейди. Бу таъриф ҳам ўз вақтида муйян муносабатларидан ташқари, яна бир жиддий камчиликка эга эди. Жиноий қилмиш билан оддий ҳуқуқбузарликни фарқловчи зарар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган, бу ҳаракатларни квалификация қилиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Мансабдорлик жиноятларининг тушунчасини бир катор бошқа муаллифлар жиноят натижасида жиддий зиён етказилиш хавфи туғилган бўлишилиги керак деб ҳисоблайдилар<sup>6</sup>.

Н.С.Лейкина ҳам ўзига хос диккатга лойик фикр айтади. Жумладан унинг фикрига кўра, ҳамма мансабдорлик жиноятлари, ҳаттоқи тегишли қонун матнларида назарда тутилмаган бўлса ҳам давлат аппаратининг нормал фаолиятига жиддий зарар етказади<sup>7</sup>. Ҳақиқатда ҳам зарарнинг етказилган бўлишилиги ёки етказилиш хавфи яратилган бўлишилиги ҳаракатнинг жиноят эканлигини белгилаб бериш имкониятига эга. Бошқарув тартибиға қарши қаратилган жиноятларида давлат, жамоат ёки айrim фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказиш бу жиноятларнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳокимият ҳаракатсизлиги аксарият ҳолларда бошқа жиноятлар билан бирга содир этилади ва кўпинча бундай ҳаракатсизлик у жиноятнинг содир этиш усулини ташкил этади. Бундай жиноятларга мансабга совуққонлик билан қараш, порахўрлик, одил судловга қарши жиноятларнинг айrim турлари ва ҳоказолар киради.



<sup>5</sup> Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (мажхус қисм), Тошкент 2000 йил 302 бет.

<sup>6</sup> Лысов М.Д. Ответственность должностных лиц по уголовному праву. Козон университети 1972 йил 69 бет; Мельникова В.Е. Должностные преступления М. 1985 йил 5-6 бетлар.

<sup>7</sup> Курс уголовного права. Махсус қисм, 4 том, 1978 йил, 219 бет.



**Жиноят кодексининг  
208-моддасида белгиланган  
жиноятнинг субъектларига  
қаторига “давлат  
иштирокидаги ташкилот  
ёки фуқароларнинг ўзини  
ўзи бошқариш органлари  
мансабдор шахсларини” ҳам  
киритиш ҳамда “ғаразли  
ниятларда ҳокимият  
ҳаракатсизлиги қилганлик  
учун жавобгарликни  
оғирлаштириш лозим”лиги  
ҳақидаги таклифини  
киритиш лозим.**

Бундан келиб чиқиб ҳокимият ҳаракатсизлиги тушунчасига айрим аниқликлар киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса деб тариф бериш мумкин.

Маълумки, жиноятнинг “ижтимоий хавфлилилк” белгиси қилмиш оқибатида ижтимоий муносабатларга жиддий, кўп ҳолларда қайта тиклаб бўлмайдиган даражада зарар етказилишини англатади. “Мазкур жиноятнинг ушбу тушунчаларга салбий таъсир қилиш механизмини ёритмай, қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларга етказиладиган зарарнинг моҳиятини аниқламасдан, бошқарув соҳасидаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги мазмунини аниқлашнинг имкони бўлмайди”.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг обьекти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нормал фаолиятини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг обьектив томони ўз мазмунига кўра фақат ҳаракатсизликда ифодаланади. Мазкур жиноятда ҳаракатсизлик қуйидагиларда намоён бўлади: 1) мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги; 2) мансабдор шахснинг жиноятга йўл қўйиши.

Субъектив томондан мазкур жиноят айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Мансабдор шахс ўз вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармайди. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин (масалан, ўч олиш, амалпастлик,

ғаразгўйлик, хавф-хатарга учраб қолишдан қўрқиш (жиноятга йўл қўйишида) ва бошк.). Бироқ жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг субъекти 18 ёшга тўлган мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, нафақат, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият тартиби бузилишида, балки ушбу жиноят бошқа жиноятлар (масалан, талон-торож, ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистемол қилиш ва бошқалар) содир этилишини осонлаштириши ёки яширишида ҳам намоён бўлади. Юқоригилардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 208-моддасида белгиланган жиноятнинг субъектларига қаторига “давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларини” ҳам киритиш ҳамда “ғаразли ниятларда ҳокимият ҳаракатсизлиги қилганлик учун жавобгарликни оғирлаштириш лозим”лиги ҳақидаги таклифини киритиш лозим. Яъни ЖКнинг 208-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим. Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч юз йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш ёхуд бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатсизликлар ғаразли ниятда содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



**Редактор:**  
Я.Абдулхаков

**Дизайнер:**  
М.Юлдошев

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузурудаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги томонидан 1209 рақами билан рўйхатга  
олинган.

ISSN 2181-2543

Бичими 60x84 1/8. «Segoe UI», «Times New  
Roman» гарнитуралари.  
Адади 100 нусха. Буюртма № J-01

Журнал «Yangi kun noshirlik uyi» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Зулфияхоним 24.  
Телефон: 98 3354747

